

Абдунаби Бойқұзиев

Тешікмозор ХАНГОМАЛАРИ




АБДУНАБИ БОЙҚҰЗИЕВ

ТЕШИКМОЗОР ХАНГОМАЛАРИ

(Хажвий қисса ва ҳикоялар, күлгі усталарғи
хәётидан лавҳалар, таржималар)



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016



УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

Б81

Бойкўзиев, Абдунаби

Тешикмозор ҳангомалари: ҳажвий қисса / А. Бойкўзиев.
– Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уий, 2016. 136 б.

Беғараз, беғубор кулгу халқимизнинг жону дили. Шу боисдан
хам ушибу тўпламга таниqli ижодкор Абдунаби Бойкузисев
қаламига мансуб ичакузар ҳангомалар, латифалар жамланди.
Уларни мутолаа киласкарсансиз, кўнглингиз кундай равшан
тортишига, мана, биз кафил. Айникса, тешикмозорлик сўз
усталарининг ҳазил-мутоибалари, ўзига хос асқиялари ҳеч бир
китобхонни бесфарқ қолдирмайди. Келинг, ушбу тўпламдаги
битиклардан завқланинг ва уни бошқаларга ҳам улашинг.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-03-749-6

© А. Бойкўзиев

© Faafur Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уий, 2016

“ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ”

Адабиёттинг даргоҳи кенг. Үнда инсон тафаккури ва ҳисларига доир неки бўлса, ҳаммасига жой етарли. Адабиёттинг бағрига ўтмиш, бугун ва келажак ҳақидаги ўй тасаввурларимиз, изтиробу ташвишларимиз сифиб кетади. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлади. Ана шундай хилма-хиллик адабиёт оламини жилолантириб туради.

Адабиёт илмида ушбу ранго-ранглик тур, турлар эса жанрларга ажратилиди. Антик дунё олимларининг қарашига кўра драматик тур адабий турлар ичida алоҳида мавқега эга бўлиб, трагедия жанри адабий асарларнинг энг олийси ҳисобланган. Кейин, минг йиллар давомида адабиёт жуда узун ва машакқатли йўлни босиб ўтди. Турлар, жанрлар ҳам ўз ичida қайсицир маънода охорланди.

Ажаб, бугун ҳам ўша саволни такрор қўйиш мумкиними? Масалага “Қайси тур, қайси жанр энг зўр?” деб қараса бўладими?

Назаримда, бугун мазкур саволни “қайси тур, қайси жанр замона руҳини энг кўп ифода эта оляпти?” шаклида қўйиш мақсадга мувофиқроқ. Бунга адабиёт билимдонларининг кўпчилиги, эҳтимол, роман жанри деб жавоб берар. Ва бу жавоб кўп жихатдан ўзини оклаб ҳам кетар... Лекин буларнинг ҳаммасига қарамай, неча замондан бери тилимнинг учидан бошка бир гап ҳам айланниб турадики, “Тешикмозор ҳангомалари” асари туфайли айтай-да, қўяй. У ҳам бўлса комедия жанри...

Комедия бир қарашда енгил-елпи жанрдек туюлса-да, аслида бу жабҳада қалам тебратиш, ҳажвчиликда элга манзур тўрт қатор матн битиш жуда-жуда оғир юмуш. “Тешикмозор ҳангомалари”ни ўқиб ана шу

фикрга такрору такрор рўбарў келдим. Гап бу ерда зўрма-зўраки тўқилган ҳажв ҳақида эмас, балки ҳаётнинг ўзидек самимий, олаётган нафасимиздек ҳаётий комедик, сатирик, ҳажвий ва юмористик асарлар ҳақида кетаяпти. Бу жуда ҳам баланд мезонлар ҳисобланади. Шударажадаки, инсонга юмор ҳисси худди онадан туғилгандаги сифатлар янглиғ табиат томонидан берилади. Кейин шунга мувофиқ муҳит уни тарбия килади.

Таниқли ижодкор Абдунаби Бойқўзи комедия жанрининг ана шу мезонларига залворли жавоб бера оладиган асар битибди ва уни “Тешикмозор ҳангомалари” деб атабди. У ичакузди ҳангомаларни олис маконлардан кидириб ўтирумалти, шундок ўзи туғилиб ўсган қишлоғи тешикмозорликларни кузатиб, уларнинг гап-сўзларига қулоқ солипти-қўйипти...

...биласизми, гап шу ерга келганда, ичимдаги неча ўн ийллик ярамни тирнаб юбордим, чамаси, ачишиб оғрий бошлади. У яранинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ижодкор сифагида менинг ҳам ўйимда ўз “Шумбола”мни, ўз “Тешикмозор ҳангомалари”мни ёзиш нияти кезиб юради. Кезиб юрадию ҳафсала қилиб ҳеч ёзув столига ўтиrolмайман, ўзимни тайёр ҳис қилолмайман. Ёзмасам бўлмаслигини ботинимдаги ижодий оғриқ айтиб туради. Лекин, барибир, журъат этолмайман. Бўлмаса, асқияни, ҳазилни, ҳаётий комик воқеаларни айтишни ҳам, эшитишни ҳам севаман. Ўзимнинг ҳам, яқинларимнинг ҳам ҳаётида қизиқ-қизиқ воқеалар жудаям кўп бор юз берган. Менинг “Юқори Роввот” деб аталган қишлоғимнинг одамлари ҳам Оташ хоббони билан Бўташ гупирандан, Маташ лофчию унинг ўғли Абдураҳмондан сира-сира қолишмайди. Шунга қарамай, ҳалигача ўша асарға қўл урмадим. Қўл уролмадим... Нега? Ҳозир ўйлаб қарасам, осон эмас экан. Навоий бобомизнинг таърифи билан айтганда, “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ Низомий панжасига панжа урмоқ”. Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Турсунбой Адашбой, Анвар Обиджон

каби қатор ҳажвчи ижодкорлар ортидан юриб, элга манзур биттагина асар битиш ўйлаганимиздан анча мушкул экан. Чунки ҳәётый қизик воқеаларни тушуниб, кулиш учун ақлдан ташқари алоҳида фаросат керак бўлгани каби уларни қаламга олиб ўзгаларни кулдириш учун яна бир бошқа кобилият ҳам зарур экан. Бу кобилият эса, ижодкорга ё берилган ва ёхуд берилмаган бўлади.

...Абдунаби ака “Тешикмозор ҳангомалари”ни дастлаб “Шарқ юлдзузи” журналига тақдим қилганди. Ўқидим. Ўқувчи сифатида мазза қилиб кулдим, завқландим. Кейин бир қаламкаш ўлароқ муаллифга ҳавас қилдим. Тадқиқотчи сифатида эса, асар тилининг кўпдан-кўп янги сўз ва ибораларига, кочиримларига эътибор қаратдим. Ўзим ҳам андижонлик бўлишимга қарамай, кўшни тумандаги шевага хос, ўзим учун янги сўзларни ўқиб ҳайратландим, тилимизнинг нақадар бой эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Телевидение орқали элга, телефонда эса муаллифнинг ўзига асарни кино тилига кўчириш кераклигини таъкидлаб айтдим. Каранг, одамларни кулдирман дэя қанчадан-канча бачкана саҳналарни тўқиб чиқаришнинг сирам ҳожати йўқ экан, ҳаммаси ҳаётда бор экан. Ахир, неча-неча саҳна асарларига дуч келасанки, уларни тамоша қила туриб: “Худо ҳайрингни берсин, азамат, одамларни кулдириш бунақа бўлмайди, бу санъат эмас!” дэя ҳайқиргинг келади. Бундай бачкана, бундай сийқа “ҳажвий воқеа”ни тўқиб чиқариш ўрнига, мутолаага андак вакт ажратиб, “Тешикмозор ҳангомалари” каби асарларни ўқиб, сценарийлар ёзишсаю кулгисевар халқимизга тақдим қилишса қани эди, деб қоласан, киши...

Кулгига ҳам кулги бор. “Ҳангома”даги воқеаларни ўқиши жараёнида ёзувчи ўз қишлоғи одамлари устидан куляяпти, дегандек ўй пайдо бўлмайди. Чунки бу асар, тагини суриштирсангиз, Абдунаби аканинг тешикмозорликларга бўлган алоҳида, катта муҳаббати мевасидир.

Муаллиф “Уйланиш” бўлимидаги ёзади: “Бу ёғини сўрасангиз, Тешикмозорнинг қизлари Тешикмозорнинг

ўзидан ортмайди. Йигитлари эса, ўз кизларидан ошириб, бегона қизларга гап отмайди. Тешикмозорликлар қудалашмокчи бўлсалар, бир-бирларини қўни-қўшнилардан суриштириб, гап чувалатиб юришни тешикмозорликка номуносиб иш деб хисоблашади. Боиси, тешикмозорда ёмон хонадоннинг ўзи йўқ. Факат, бир масалада иштибоҳ бўлиши мумкин. Гап тешикмозорга теварак атрофдан келадиган совчилар ҳақида. Бу ҳолатда, иш мушкулроқ. Хатога йўл қўймаслик мақсадида, қиз томон кишлоқ оқсоқоллари иштирокида, андижонча палов дамлаб, куёв бўлмишнинг отаси, амакиси ҳамда тоғаларини меҳмонга чорлайди. Ва, таомилга қўра, ошдан кейин, албатта, икки ўртада асқиянинг бирон пайровида “ташлашиш” бошланади. Куёв томон ҳам бўш келмай, “фирменний тешикмазарский” гапларга якин гаплардан топиб-топиб гапириб, қиз томоннинг асқия, ҳазил-мутойибаларига муносиб жавоблар қайтариб туришса иш пишди, деяверинг. Борди-ю, харидорлар оғзини очи-иб, лаллайиб ўтиришса, қиз томон гапни қиска қилиб, салбий жавоб айтиб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас. Чунки тешикмозорликлар ҳазил-мутойиба бегона бўлган хонадонга қиз бермайди”.

Шу парчада муаллифнинг ҳам ўз юртдошларига бўлган меҳри, ҳам тешикмозорликларнинг қиз олиб беришдаги одатлари, ҳам ҳазил-мутойибага бўлган айрича мұхабbatлари акс этган.

Асарда бир қарашда узвийлик йўқдек туюлади. Зеро, у ердаги кўпгина воқеалар бир-бирига унчалик боғланмагандек таассурот қолдириши ҳам бор гап. Лекин асарни бир бутунликда тутиб турадиган омил мавжуд. Бу – Тешикмозор дея аталувчи кишлоқ, у ернинг кулгисевар эли билан изоҳланади. Яна бобо билан набира ўртасида аҳён-аҳёнда такрорланувчи латифа ҳам ришта вазифасини ўтаган. Шунга қарамай, ёзувчи келгуси нашрларда асарни ҳар томонлама пухта-пишиқ ва бир бутунлигини таъминлайдиган таҳрирларни амалга оширади, деган истагимиз борлигини ҳам яширмайман.

Мухими, Абдунаби ака ўзи туғилиб ўстган кишлоғи, юртдошлари ҳакида қўлингиздаги ажойиб асарни битиб, улар олдидағи фарзандлигу ижодкорлик бурчини сидқидилдан ўташга ҳаракат килганлигининг ўзи таҳсинга лойик. Халқдан олиб яна унинг ўзига қайтариш дегани балки шудир. Лекин муаллифнинг ўзи асар мукаддимасида камтарлик қилиб ёзади: “Ҳа, тешикмозорликларнинг дунёни лол килгулик жуда кўп хангомалари бор. Факат бир камчилиги, бу манзил-макон билан боғлик беғараз, бетакрор шумлигу китмирикларни элга манзур тилда ифодалаб берадиган ҳажвчи ёзувчисининг йўклиги. Тўғри, Тешикмозордан беш-ўн чакирим атроф доирада, довруғи довонлар ошган Қамшибек Кенжা, Абдулла Комил, Наби Жалолиддин деган машҳур адиблар чиқкан. Бирок уларнинг “ҳазил-мазак”, “олди-кочди гаплар”га унчалик тоблари йўқроқ, десам ҳато бўлмайди. Ноумид бўлмаймиз. Жиддий жанрларда қалам тебратадиган машҳур адиблардан шунчасини берган Худо ҳангомасуярларини ҳам ато этиб қолса ажаб эмас. Ҳозирча, бу вазифани баҳоли қудрат бажариб туриш бизнинг чекимизга тушганга ўхшайди. Ош бўлмаса, оби ёвғон ҳам овқат, дейдилар-ку, машойихлар”.

Биз ёзамизки, Абдунаби ака, хижолат бўлманг, “Тешикмозор ҳангомалари”нинг мазаси оби ёвғонникига асло ўхшамайди. У ёгини ўзингиз тушиниб олаверасиз. Ахир, тешикмозорликсиз-ку!..

Яна давом этиб ёзамизки, Абдунаби ака, устозлар йўлидан, устозлар изидан юриб ёзган ушбу китобингиз латифагўй, латифаталаб ўкувчилар юзида беғараз табасум пайдо килишига асло шубҳа қилмаймиз! Ҳажвчилик оламига солган йўлингиз ҳамиша очик бўлсин!

Улугбек ҲАМДАМ

ТЕШИКМОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

Биринчи қисм

ОТАШ ВА БҮТАШ

Тешикмозор қишлоғи Андижондан юрсангиз Пойтукқа кираверишда...

Қишлоқнинг номи нега Тешикмозор деб ҳайрон бўлманг. Бунинг ўтмиш билан боғлиқ жўяли сабаблари бор. Изоҳи энди, алоҳида, кейинроққа мавзу.

Тешикмозорнинг, мен сизга айтсам, ҳар бир тирик жони бир ҳангома. Айниқса, Оташ хоббони ва Бўташ гупири билан боғлиқ гапларни йиғиб китоб-питоб қилинса борми, мақтаняпти демангу, бир ажабсанда, асар бўларди-да.

Ҳа, тешикмозорликларнинг дунёни лол килгулик жуда кўп ҳангомалари бор. Фақат бир камчилиги, бу манзил-макон билан боғлиқ беғараз, бетакрор шумлигу қитмирликларни элга манзур тилда ифодалаб берадиган ҳажвчи ёзувчисининг йўқлиги. Тўғри, Тешикмозордан беш-ён чакирим атроф доирада, довруғи довонлар ошган Қамшибек Кенжа, Абдулла Комил, Наби Жалолиддин деган машҳур адиллар чиққан. Бироқ уларнинг “ҳазил-мазақ”, “олди-қочди гаплар”га унчалик тоблари йўқрок, десам хато бўлмайди. Начора, ноумид бўлмаймиз. Жиддий жанрларда қалам тебратадиган машҳур адиллардан шунчасини берган Худо ҳангомасуярларини ҳам ато этиб қолса ажаб эмас. Ҳозирча, бу вазифани баҳоли қудрат бажарив туриш бизнинг чекимизга тушганга ўхшайди. Ош бўлмаса, оби ёвғон ҳам овқат, дейдилар-ку, машойихлар.

* * *

Шундай килиб, Тешикмозор халқи, ёппасига ҳазил-каш. Иккита одамнинг боши ковушса, гап нишоби лақабингизга бориб тақалаверади. Бу мулоқотлар тагидаги асл имо-ишорани тешикмозорлик бўлмаган одам фаҳмлай олмаслиги мумкин. Ҳа энди, икки тешикмозорлик бир-бири билан шунчаки, “модерн”ча усулда ҳол-аҳвол сўрашяпти-да, деб кетаверади.

Аслида, бундай ҳол-аҳвол сўрашиш асносида, икки тешикмозорлик ўзларининг ибораси билан айтганда, бир-бирининг “энасини Учқўрғондан кўрсатаётган” бўлади.

Мана қаранг, йўлда икки тешикмозорлик учрашиб, сўрашяпти:

“Яхшимисиз, Аблазака? Қалай, бола-чақа, қозон-товорқ, мол-хол... омонми?”.

“Рахмат Эркабой! Пермер болагаям раҳмат, мени бедапояға байлаб қўйған. Ўшетта айланиб туриплиз, ризқимизни чимдиб, е-еб.”



Бу гапларнинг қасри қінғир? Сал дали-гулинамо, дес-маса, бинойидай гаплар. Шундай эмасми? Ҳа, яшанг! Аммо, ана шу, сал ҳазилнамо гаплар остида фақат, тешикмозорликларгина пайқаши мүмкін бўлган анчамунча маъно-мазмун, нозик қочирим, имо-ишора ва энг муҳими, ҳозиржавоб топқирилк ётипти.

Ана энди сирни очай: Аблазиз аканинг лақаби, десмак, сигир ёки бузоқ, Эркабойники эса эшак ёхуд хўтиқ бўлиб чиқади.

Тешикмозорга кслиб, ҳазил ёки асқия қилиб қойил қолдириб кстаман, деган одам иккى чучваранинг ўргасини спти. Тешикмозорликни ағдан-бағдан кслиб ҳали бирон кимса “энасини учқўргондан қўрсатиб” кетолмаган. Тешикмозорликнинг энасини фақат шу тешикмозорликнинг ўзи уч эмас, нақ ўнта қўрғои наридан қўрсата олади. Тешикмозорлик бўлмаган биронта одам, мен тешикмозорликнинг энасини Учқўргондан қўрсатдим, десса бу гап лофдан бошқа нарса эмас. Ҳа, айтганча, лоф масаласида. Лоф айтишда ҳам ҳали ҳеч ким, тешикмозор аҳличалик лоппиллай олмаган. Гапимиз куруқ бўлмасин учун бир воқсани эслаб ўттай. Тўракўргонлик Ҳафизхон лофчи тешикмозорлик Маташбой лофчининг дарагини эшишиб, бир жуфтгина лоппиллашай, деб Тешикмозорга кслиби. Қишлоққа кираверишда Маташ лофчининг саккиз ёшлар чамасидаги Абдураҳмон деган ўғлига йўлиқибди.

“Йўл бўлсин, амаки?” – деб сўрабди бола.

“Шу қишлоқдан Маташ лофчининг таърифини эши-таман. Ўша киши билан бир-икки жуфт лоппиллашай, деб келдим. Эшигини кўрсата олмайсанми?”

“Адашмабсиз. Мен ўша кишининг тўнғичи бўламан. Отам уйда йўғидилар.”

“Ундей бўлса, кегунича дарвозахонанглардаги сўри-да попирис-мопирис чскиб ўтириб турсам...”

“Кутиб қолмасмиkinsiz, амаки? Отам эттамсттан об-дон чилим тортувди. Тутунини пуфлаш учун одам сий-

ракроқ жой излаб Тўққиз адирга чиқиб кетди. Эҳтимол, мен билан лоппиллашиб қўяқоларсиз?”

Ҳафизхон лофчи боланинг гапига жавобаи, пўнғиллабди:

“Тутунни чеккан жойида пуфласа бўлмасаканми?”

“Ия, нима дияпсиз, амаки? – дебди бола. – Кашиадаларимизнинг ҳаммаси тутунини шу ерга пуфласа Тешикмозорни булут босиб қолади-ку!”

“Менга қара, хей, тирранча! Шунча йўлдан сен билан ади-бади айтишаман деб келмадим. Менга отангни рўпара қил,” – дея зардаланибди Ҳафизхон лофчи.

Бола бошқа ҳеч нарса демабди. Меҳмоннинг олдига патнисда иккита нон, чойнақда доққина қўк чой, пахта гуллик пиёла ва беш-олти чакмок қанд келтириб қўйибди-да, узрини айтиб, айвон саҳнидаги экинлар тагини юмшатишга тушибди. Икки соатдан ошибди ҳамки, Маташ лофчидан дарак бўлмасмиш. Тоқати тоқ бўлган Ҳафизхон лофчи Абдураҳмонга дебди:

“Отанг уйга бугун-эрта қайтадиганмиди, ўзи?”

Абдураҳмон энди пинагини ҳам бузмай, шундай жавоб қилибди:

“Яна жиндай сабр қиласиз. Отам ичидаги тутунларни пуфлаб бўлди. Энди фақат йўталиши қолди. Ўзингиз биласиз, чилим тортгандан кейин бир соат, яrim соат бигиллаб йўталиши керак-ку, кашанда одам!”

Ҳафизхон лофчи, тирмизаги шу бўладиган бўлса, отасига йўлиқмаганим маъқул, деб, жуфтакни ростлаб қолган экан.

Ошириб-тошириб гапириб қўйиб, соддаҳайронлани-иб туришда ҳам тешикмозорликларнинг олдига тушадигани йўқ. Оташ хоббони билан Бўташ гупир бу борада нафақат Тешикмозорда, балки, бутун Фаргона водийисида пеш десак бўлаверади. Уларнинг бир-бирига қилган ҳазиллари, мен сизга айтсан, менман деган қизикчиларнинг ҳам стти ухлаб тушига кирмайди. Биттасини мисол келтирайми? Ҳай, эшитинг:

Бир куни, турмуш ташвишларидан чарчаган Оташ хоббони уйининг орқасидан шаркираб оқадиган ариқнинг бўйида, дуррачаси билан елпини-иб ўтиrsa, эски, шалағи чикиб кетган “Жигули”сини варанглатиб, Бўташ гупири ўтиб қолибди.

“Ҳа-йов! Йўл бўлсин, Бўташвой?” – дея бўйинни чўзибди Оташ хоббони.

Бўташ гупири ҳам, оғайнимга бир гуппиллаб қўяй, деб келаётган экан.

Ойнадан калласини чиқариб, машинасининг эшигиги ни такиллатиб, дермиш:

“Жонободга! Манови, қари қирchanғи кисир қолувди. Исломиддиннинг “Волга”сидан кочириб келай!..”

Оташ хоббонига бу гап айил ботибди:

“Вой қисталоғ-ей, – дебди ичида, – Шалағи чиқкан аравасини пеш килиб, менга гап едириб кетди-да, ўзи-ча!”



Кўп ўтмай, Оташ хоббони ҳам, кишинаб турган “ГАЗ – 21” сотиб олибди. Кутлуғ бўлсинга, улфатлар қаторида Бўташ гупири ҳам кирибди. Шу фурсатни пойлаб турган Гупир хоббонига теккизиб нима дермиш: “Айрим одамларнинг, айрим масалаларда, Жонободликларга қатнаб, жони ҳалак бўлятганидан орият қилдик. Бўташвой! Мабодо, “Жигули”нгиз яна куйикиб-нетиб қолса, тортимасдан опкеловрасиз!”

Тешикмозорликлар, ҳазил-мутойибага жиддий ёндошишади. Анча-мунча, ҳазилчалиш гапларни оғизларига олиб, гапни ҳашакилаштириб ўтиришмайди. Ҳазил-мутойибанинг ҳақиқий “Фирменний тешикмазарский”ларини топиб-топиб гапиришади. Улар чайнаб ташлаган ҳангомаларни, пойтахтнинг номдор қизикчилири, катта концерт залларида, қайта-қайта чайнашиб, бола-чақа бокадилар. Обрў ва унвонлар олишади. Бироқ улар бу гапларга парво ҳам қилишмайди. Чунки, тешикмозорликлар учун ҳазил-мутойиба, асқия дәхкончилик-да. Ўзлари бир пайлар айтган ҳангомаларни бирловлар тилидан эшитиб қолишса: “Майли-да, ҳосилдан капсан-папсан ҳам берилади-ку”, деб қўяқолишади.

Шу ўринда ниҳоятда меҳнаткаш, ўзларининг тили билан айтганда, ўлардай кетмончопқир, ҳангоматопқир ҳамкишлокларимиз ҳақида Шўролар сиёсати обдон туриллаб турган йилларда ёзилган бир шеърни эслаб ўтишнинг имконияти туғилиб қолди. Эшитиб қўрасизми? Марҳамат!

Тешикмозор – ўзбеки қишлоқ,
Бу ерда ҳам пахтадир борлиқ.
Фуқароси беармон ишлаб,
Армон билан чикарап ҳордик.

Тонг, бунда ҳам отади эрта,
Тун, хузур не билмай ўтади.
Пайкалнинг у боши уйғонса,
Этагини уйку элтади.

Кундузлари, шундай узунки,
Ярим йўлда хорийди күёш.
Аламзада офтоб забтига
Фақат, кизлар беради бардош.

Касалманд қул томирларидаӣ,
Корадарё борадир қуриб.
Нима қиласай, Тўрткўлариғай-й!..
Тушларимга кирса айқириб.

Түфён ураг дилда иштибох:
Бахт бунчалар бўлмаса оний.
Бу ердан ҳам ҳақиқат йироқ,
Бу ерда ҳам мустарлик ғаний.

Бироқ, элим, шундай ковулки,
Кулфатин ҳам айтар кулдириб.
Демак, демак бокийдир кулги,
Аскияни бўлмас ўлдириб.

Бирор келса уйингиз сўраб,
Таомил шу – беради овоз.
Фақат, етти маҳалла узра
Лакабингиз килади оғоз.

Бизга чин, сизга муболаға,
Кимдир ўлса, очилса аза.
Марҳум исми қолиб бир ёқда,
Лакабига ўқир жаноза.

Ана шундай, бизларнинг қишилок,
Яшамоқни обдан билади.
Кулги билан йиғлайди, кўпроқ,
Йиғлаб туриб кулги қилади.

Ана шунақа гаплар...

Тешикмозорликлар, мен сизга айтсам, ҳар бир соҳада ўзига хосликка интилишади. Ишда, яшаща, ошаашда, ҳатто, меҳмонга кўрпача тўшашда ҳам, деб қўйишади, қўшни қишлоқликлар.

Биз чивиқ от миниб, кўча чангитиб юрган пайтларимиз экан. Бутун республика пахта усталари ғўзани “квадрат” усулида этиштириб турган бир пайтда бу ерликлар ўзига хосликларини намойиш этиш учун чигитни қўндалангига экишган, дейишади.

Ҳа, айтганча, тешикмозорликлар ўлардай болажон халқ. Қолаверса, бу ерликларнинг муштдайидан тортиб тошдайигача турган битгани ҳангома.

Шундай келишсак. Отаси ёки онаси ҳақида гапириб чарчаганимизда, тешикмозорликларнинг болалари ти-

лидан эшитганларимизни ҳам таппа-таппа қофозга тушириб кетаверсак, ажаб иш бўларди-да. Розимисиз? Келишдик! Демак...

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйилвой отанинг уч ёили набираси Жавоҳир бобосининг мешдай бўлиб кетган қорнини эзид сўраётганимуши:

- Опподада, бу нима?
- Буми, гап болам, гап.
- Ҳаммаси-я?
- Ҳаммаси.
- Бунча гапни қачон гапийиб тугатасиз?

Энди юкорида айтганларимни исботламасам, бўлмас. Мана, бўлиб ўтган, қорнимизда сакланаётган ўша “гап”лардан айримлари.

ХОТИН, ДАМИНГНИ ЧИҚАРМА!..

Саккиз ё тўққизинчи синфда ўқирмидик. У пайтларда янги йилни улфатлар билан бир ерга йиғилиб нишонлаш тоза расм бўлган. Албатта, йиғилишиб янги йил кутишнинг ҳам ўзига яраша даҳмазалари бор. Гўшт, ёғ, яна анча-мунча бирор билмас, ишша-пишша, дегандай. Аялманд оиланинг боласи сифатида мен бундай хотамтойлик қилолмасдим.

Отамиз ўша йили Ўнтом деган томонлардан шоли экиб, ҳосилини биз ўрта уй, деб атайдиган омборхона-мизга, қанорқопларга санжоб қилиб жойлаб қўйганди. Ниманидир қидириб ўша уйга кирсам, дунёнинг чумчуғи ғужфон ўйнаяпти. Шартта эшикни ёпдим. Қўлимни ҳавода ёлғондакам сермасам, тўрт-бешта чумчук чангалимга илинади. Бир-бир калласини узиб кир ювиладиган тоғора шу ерда экан, ўшанга ташлайвердим. Хуллас, тоғора чумчукقا тўлиб тошдиям, учуб юрганлари туғай демайди. Кўйингки, бир дуйсанба қуш гўшти: оила-

миз билан бир ҳафта есак, тугатолмаймиз. Хаёлимга зўр бир фикр келди. Бугун ўттиз биринчи декабрь. Шу янги йилни ўртокларим билан бизнинг уйимизда кутсак-чи! Ўзимнинг ақлимга ўзим қойил қолдим.

Ўрта уйда амалга оширганим қирғинбартони бориб даврабошимиз Муталлибжонга айтдим. У Аҳмаджон, Ҳакимжон, Мухаммаджон, Холматжон ва яна бошқа ... жонларни етаклаб келди. Бир ғарам, боши йўқ чумчук. Кўриб турибман, ҳаммаси ҳайратда – оғзининг таноби қочиб кетган.

“Зўр бўпти! – деди даврабошимиз, – Гап бундай, бу сапар янги йилни шетта кутамиз. Ҳабиш, сен кечқурунгача, чумчуқларни тозала. Қолган нарсаларни, ўзимиз опкеламиз”.

Хуллас, кечқурун, тенг-тўшлар бизникида йиғилиб, чумчуқхўрликни бошладик. Қовуриб едик, қайнатиб едик, қўрга кўмиб, қозонга димлаб едик. Қўйингки, бир тоғора чумчуқни янги йил кирмасиданоқ соб қилдик.

У пайтларда қишлоқларда, асосан, вино ичиларди. “26”, “53” деган асл винолар бўларди. Эллик учидан йигирма олтинчисининг юқумиям, ютумиям яхшироқ бўларди. Икки-учтасини ағанатганимиздан кейин, йигирма олтинчиси тугаб, фақат эллик учинчилари қолди. Кимдир:

“Энди, 26-си отилмасин!” – дея ҳитоб қилди.

Ўша пайтларда, шу номдаги бадиий фильм машҳур бўлган. Кўчма кинода шийпонларга келиб қолса, у қишлоқлар бу қишлоққа ёпирилиб келишарди. Биз ҳам энди 26-сини отмай, 53-сига ўтдик. Отишма роса қизигандা, чумчуқ гўшти тугади.

“Уйда мол гўшти бор экан”, – дедим мен.

“Йўқ, бугун куш гўштидан бошқаси бекор! – деди кимдир. – Фақат, куш гўшти еймиз”.

Чумчуқ эти ва винога бўкиб олган улфатларимиздан икки-учтаси қаёққадир ғойиб бўлиб қолишли. Бу пайтда вақт алламаҳал эди. Ташқарида гуппиллатиб қор ёғарди.

Кўп ўтмай, ҳар бири биттадан товуқни қўлтиқлаб, уч шерикларимиз пайдо бўлишди. Қаердан, кимникидан, деган саволларимизга ҳеч бири чурқ этмайди. Нима бўлса, бўлиб бўлган, астойдил ёпишиб, товуқларни сўйиб, тезроқ саранжомлаш керак эди. Қассоблик Холматжоннинг чекига тушди. Оғидан боғланган макиснлар қор устида “ғулк-ғулк”лаб ётибди. Ҳамма ҳар хил фикрда. Кимдир:

“Пичоқни, бисмилло, деб, хиқилдоғининг тспароги-дан торт”, – деса, бошқаси:

“Тўғри келган жойидан сўявер. Барибир, вино ичиб, жонликни бежон қилганинг учун дўзахнинг нақ ўтхона-сига тушсан, ярамас! – дейди. – Факат, қақағлатмасдан сўйсанг, у ёқларга опкетишётганида, ўзингнинг жонингни ҳам дод дегизмасдан олишади.”

Товуқларни ими-жимида, овоз чиқармай сўйишга келишдик.

Холматжон бир амаллаб уларни ҳалоллади. Ичак-чавоғини ағдаарarkan, келишув ёдидан чиқдими ё ҳайрати босириқ келдими, ҳаяжонли овозда деди:

“Воҳ!! Ичидан тухум чиқди!”

Қассоб икки дона оқ сариқ нарсани Аҳмаджоннинг кафтига ташлади.

“Тухум экан, – деди Аҳмаджон ҳам ва эзиб кўриб, – Пўсти ҳали қотмабди”.

Бу пайт, тунгги гап-гаштагини оёқлатиб уйга қайтган отам, шундоқ тепамизда турарди.

“Ҳа, хормайнар, йигиллар?!?”

Ҳаммамиз тарракдек қотдик. Отам бир менга, бир чавақланиб ётган товуқларга қарайди. Дамимиз ичимизда. Нима дейишни билмаймиз. Жимликни отамнинг ўзи бузди:

“Кимнидан опкелишдинг?!?”

Қани энди, биронтамиздан жўяли жавоб чиқса. Ким ўтирган, ким энкайган, ким тик... Бундай ажабтовур инсон манзараларини, ҳаётим ҳаёт бўлиб, бошқа кузатмадим.

“Бўлар иш бўпти! – деди, отам. Охири, пўписа ва буйруқ оҳангидаги кўшиб кўйди, – Энди, тезроқ пишириб еб, уй-уйинга жўнаш! Тузумни!”

Шундай деб, отам ичкарилади. Ундан у ёгига то-вукларни қандай пишириб, қандай едик. Нима деб, нима кўйдик. Янги йилни кутиб олдикми, йўқми, тўғриси, эслаёлмайман.

Эртаси куни тонг сахарда отамнинг меҳмонхонасида юзага келган ҳолат ҳакида эса эшитганларим кечагидай ёдимда. Хуллас, отам, меҳмонхона улфатлари нонуштага йиғилга:

“Биродарлар, кеча кечкурун кимнинг катагидан товуғ йўқолди?” – деб сўрабди.

Карангки, шу савол бўлганда, янги ёқсан қор устидан бошланган ўғри излар бизнинг дарвозамизга келиб кириб кетганини кўриб индамай изига қайтган ва: “Хотин, дамингни чиқарма, товуқлар нозик жойга кетди!” – деб, аёли Ўқтамхон аянинг оғзини ҳам ҳеч қачон очилмайдиган қилиб “скоч”лаб кўйган. Худойберган бува ҳам шу ерда ўтирган эди. Турган гапки, бу ажойиб инсонлар, аввало, учтагина товуқни деб, узоқ йиллик оиласи дўстлик ришталарига совуқчилик оралашини, қолаверса, яхши-ёмон оғизларда фалончининг уйига фалончилар ўғирликка тушибди, деган гап сақичдай чайналишини ҳам исташмаган экан, энди ўйласак.

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливой отанинг беши ёшли набираси Жавоҳир бобосидан сўраётганимуш:

- Опподада, оини қачонгача ўнг қўлда ейман?
- Ақдли бола бўлгунингча.
- Сиз ҳам ақдли бола бўлганмисиз?
- Бўлганман, болам, бўлганман.
- Унда нега оини ҳалиям ўнг қўлда йиляпсиз?

НОРТУЯДАЙ БАҚУВВАТ

Тұлқинбой бригадир Жонободдан қатнайди.

Дароз, елкалари билинар-билинмас бүртиброк күри-надиган бу йигит истаралигина, киришимлигина эди. Бирөвни ака, бирөвни ука, деди, аёлларни катта бўлса опа, кичик бўлса синглимлади. Тез орада, қишлоққа сингишиб кетди. Келгинди раҳбарларга бўй беравер-майдиган тешикмозорликлар Тўлқин бригадирни шу ернинг одамидай, ардоклашиб, нима иш буюрса бўйин товламай, сидқидилдан бажариб кетишаётганинг боисини билолмай туманнинг катталари ҳам анчагача ҳайрон бўлиб юришди. Бу апоқ-чапоқликнинг сабаби бор эди. Гапни чўзиб нима килдим, айтиб қўяколай. Тўлқинжон ҳам тешикмозорликларнинг ўзларига ўхшаб, одамнинг ҳавасини келтирадиган, янаям диркиллатиброк айтсак, икки ўркачли... лўмбиллабгина юрадиган жонивор номи билан айтиладиган лақаби бор эди.

Уни бригадирликка тайинлаётганда, раисимиз Абду-самад буванинг:

“Тўлқинжон, болам, оғир участкани сенга юклайпиз. Эртага “Бў-ў”, деб юбормайсан-да! Астойдил бўласан. Мана шу оғир карvon қишлоқнинг олдига тушиб ёруғ маңзиллар сари етаклайсан, энди,” – деганидаёқ унинг лақаби маълум бўлган, мажлис ахли орасида як-кам-дуккем кулги кўтарилиган эди.

Тешикмозорликлар, ўшандаёқ, билишган эдиларки, янги бригадирнинг лақаби... Ҳай, майли, бу ҳақда кейинроқ. Хуллас, ўшанда раис бир ўқ билан икки қуённи урган. Бу гапи билан тешикмозорга қаердаги, “белақаб одам”ни олиб келмаганини, энг муҳими, оғир карvon деб ном қозонган бунақа бригадани тортиб кетиши учун мана шунақа, Тўлқинжонга ўхшаган нортуюдай бақувват кадрлар шарт, деган сиёсатини ўтказа олган экан.

Тўлқинжоннинг лақабини айтмадингиз дейсизми? Неча марта айтдим, ахир! Ҳах, ўқувчим-а! Тешикмозорлик эмассизда, эмассиз!..

Латифа:

Тешикмозорлик Күйливой буванинг набираси Жа-воҳир бобосидан яна сўраётганиниш:

— Оппогдада, китоб ўқиётганингизда нега кўзойнак тақиб оласиз?

— Ҳарфлар қочиб кетмасин, дейман-да, болам...

— Унда нега бувимга қараганда кўзойнагингизни ечиб қарайсиз?

ОШҚОВОҚ ЭКСАМ!..

Тўлкинжон бригадир ҳам ўзвак кўрингани билан, бир оз маҳаллийчилиги бор экан. Тракторчиси бошқа бригадага ўтиб кетгач, ўрнига ўзи томонлик

Собиржонни етаклаб келди. Собиржони ҳам ўзидан ўтган ўзвагакан. Бир куни Тўлкинжонга:

“Тўрткўлканда бўйларидағи лойқа кўтартмага, ошқовоқ эксаммикин?” – деб, маслаҳат солибди.

Собиржони тушмагур-ей, бошқа экин қуриб кетгандай, ошқовоқ экаман, дейдими? Қовун-повун, ҳеч бўлмаса, тарвуз экаман, демайдими. Икки ўркачлик, деган ажойиб лақаби билан аллақачон тешикмозорлик бўлиб кетган Тўлкинжоннинг ҳам шу ерда шумлиги тутибди.

“Жуда яхши-да. Отангга раҳмат! – дебди у, Собиржонни янада рағбатлантириб, – Уруғини Камол акангдан сўрайсан. Сўртавўй, ётволи-иб бўладағанлари, ўша кишидан топилади, дейишади.”

Собиржон, кўтартмага экиладиган уруғни ўзича чамалаб, тўрт-беш килолар кетса керак, деб ўйлади ва Камол аканикига йўл олди. Камол ака ҳам уруғларидан сўраб келишганидан ўзиди йўқ хурсанд эди. У негадир, ҳоҳолаб кулар, кулган сари ошқадидай сап-сариқ қошу кўзлари, киприклари, офтобда кизарган, серажин юзлари баттар олтинланиб, товланиб кетарди. Камол ака бу шумликнинг ортида кимлар турганини аллақачон пайқаган эди.

“Қанча керак?” – деб сўрайди кулгидан ўзини аранг тўхтатиб.

“Тўр-беш килоси етар”, – дейди Собиржон.

Камол ака, “Хозир-да!”, дея ичкарига кириб кетади. Бир зумдан кейин, тўрт қарич, беш қарич келадиган бешта қизчасини олдига солиб, етаклаб чиқади.

“Мана, беш килолигиям, олти килолигиям бор. Танлаб, ёққанини олиб кетаверасиз!”.

Собиржон ҳеч нарсани тушунмай, серрайиб туриб қолади.

“Мен... мен, ҳазиллашгани келганим йўқ, ака!” – дейди у.

“Мен ҳам ҳазиллашмаяпман. Уруғларимизга ишқи-воз бўлиб келасизу, биз бермаймизми?!”

Камол аканинг уйидан қуруқ қўл билан қайтган Собир тракторчи Тўлкин бригадирга ёзғиради:

“Бу, Камол ака дегани жинни-пиннимасми? Уруғлик сўраб борсам сариқ-суруқ қизларини суняпти!..”

Ҳангомани уюштириб ғилмайиб турган Тўлқинжон ҳам, атрофидаги бошқа аъзолар ҳам тешикмозорчаси-га мириқиб кулдилар. Ўша куни нима деярини билмай, анграйиб қолган Собиржоннинг эса тешикмозорлик бў-лишига ҳали беш-олти қовун пишифи борлиги билиниб қолди.

Камол аканинг ҳам лақабини айтмадим.

“Айтмасангиз, қаердан биламиз?” – дейсизми? Эх, содда ўқувчим!

Сизнинг ҳам, тешикмозорлик бўлишингизга ҳали, а-анча қовоқ пишифи бор...

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливой бобо набирасига ҳазиллашяпти:

– Бегижсон, нега сен акангдан паканароқсан?

– Кеча уни қулогидан чўзиб кўтардингизу, ўшандан мендан ўзиб кетди-да.

– Ундаи бўлса ке, сенинг бўйингни ҳам ўстириб қўяй.

– Йўқ, акамникини ўстираверинг, кечқуруп бўлишволамиз.

ЎҒИРЛИККА ЎЗ УЙИГА...

Шўро даврида ўғирлик айб саналмай қолган эди десам, хозирги авлод ишонармикин? Аксарият замондошлиаримиз қаердандир ниманидир ўмариб кетса шу кунни яхши ўтказдим, деб ҳисоблашарди. Албатта, бу “фазилат”дан Шўро худудининг биқиқ бир парчаси сифатида Тешикмозор ҳам бебаҳра қолмаган.

Шундан келиб чиқиб, дадил айта оламизки, “Ўғирлик қовуннинг мазаси бошқа”, деган иборани ҳам айнан тешикмозорликлар ўйлаб топган бўлсалар ксрак. Ҳар ҳолда, бунақа “қитмири ибора”лар фақат тешикмозорликларнинг оғзидангина чиқиши мумкин. Бунга асос бўларли воқеалар ҳам Тешикмозорда тиқилиб ётиди. Хўш, қайси бирини айтсан экан. Худойберган буванинг товуқларини “тинчитганимиз”ни айтдим. Оламайдонликлар колхоз раҳбарларидан яшириқча пайкалнинг этакроғига эккан қовунларидан бир аравасини Тўрткўлкандага оқизиб, Тешикмозордан тутиб олганимизни ёзайми? Йўқ, яххиси, Омонқора шийпон болаларини ўз уйига қовун ўғирликка юборганини сўзлаб берақолай. Ҳа, шуниси тузукроқ.

Омонқора деганимиз далада ишлайдиган ёш-яланларнинг ичиди ёши каттароги. Бўйи дарозроғи. Ўша пайтларда, исгадир, кишлокнинг ўсмир йигитлари колхознинг дала шийпонида тунавши жамоа хўжаликлари ички тартибига киритилган экан, чоғи. Хўш, ўн, ўн бешта навқирон бўй бола кечаси билан шийпонда тинч ётади, дейсизми? Ҳа, баракалла, ётмайди! Айниқса, ўғирланган қовуннинг мазасини яхши биладиган тешикмозорлик болалар ётган жой бўлса!..

Шийпон болаларининг бирор билмас кундузги ва тунги ҳаёти бўларди. Кундузги кун тартиби ҳамма-

га маълум: табелчи билан бригадир нима иш буюрса бўйин товламай бажариш. Бажаргандаям, қойил қилиб бажариш. Оқшом чўкиб шийпон ўзларига қолгач эса, фақат, Омонкора ва Водил аканинг хўкми-хўк. Борди-ю, улардан бири қўшни Урганжи жамоа хўжалигининг бутун бошли тарвузпояси ёки олмабоғини Тешикмозорга кўчириб келамиз деса барча бир ёқадан бош чикариб ўша ишни амалга оширишга астойдил киришади.

Турган гапки, шийпон болалари тунги ҳаётининг “мазмунли ўтиши”, “амалий ҳаракатлар” ининг муваффакияти, асосан, шу икки “оқсоқол” нинг кундузи олиб борадиган “разведка” ишлари ҳамда ишлаб чиқкан ҳаракат дастурларининг пишиқ-пухталигига боғлик бўларди. Кўзланган режа муваффакиятсизликка учраса ёки бадхатроқ амалга ошса, вазиятдан қандай чиқиш ва жавобгарлик масъулияти ҳам ўша икки “оқсоқол” зиммасига тушарди.

Шийпон болалари бундай тунги тадбирларни “юриш” деб аташарди.

Юришларнинг каттароги, ўртачароги ва кичикроғлари бўларди. Бу атамаларнинг нимани англатишини зуко ўқувчимиз назаримизда аллақачон илғади. Шундай бўлса ҳам айтай: “Катта юриш”, дейилса қўшни колхоз, “ўртачароқ” дейилса қўшни қишлоқ ёки бригада худуди, “кичикроқ” дейилса маҳалланинг ўзида етиштирилган қишлоқ хўжалик ёхуд полиз маҳсулотларидан ўғирлаб келиб, мазза қилиб ейиш ҳақида гап кетаётган бўлади. Ана шу “парол” сўзга қараб шийпон болалари кутилаётган юришга руҳан, ҳам жисмонан тайёр туришлари зарур. Амалга ошириладиган иш мазмуни ва тархи болаларга тунда, “юриш” олдидангина маълум қилинган. Унгача, режа йўналиши ва тархи ҳақида уни ишлаб чиқкан икки оқсоқолдан бошқа ҳеч ким билмаган. Сабаби энди, ўзингизга маълум: сир сақлай олмаган одам қайси бир замонда барака топган?!

Шу ўринда яна бир маълумот: кимнинг томоркасига нима экилган, қанча ва қандай экилган, кимнинг уйида

анжиру кимнинг уйида пиёладай-пиёладай отёғи шафтоли ёки карсиллаган, тишиласаң суви сачраб кетадиган нордон олма... Буларнинг барини икки “оқсокол” уйнинг эгаларидан ҳам яхшироқ билишган, десак хато бўлмайди.

Бу сафарги режа мазмуни юкорида айтганларимизнинг биронтасига ҳам тўғри келмайди. Юриш шийпон болалари оқсоколларидан бири Омонкоранинг ўз ҳовлисидаги қовунполизга. Ўзингизга маълум, узлуксиз тош кўтариб турган полвонлар машкини бир кун канда қилса, эртасига иш пачава, деяверинг. Шийпон болаларини бир тун юришдан қолдириш эртасига сардорларга қимматга тушиши мумкин. Жанговарлик руҳини саклаб туриш учун Омонкора ўз отаси етиштирган қовунлардан бир нечтасининг баҳридан ўтишни маъқул топган кўринади.

Шундай қилиб, шийпон болаларининг ўша тунги ризки Омонқора уйидагиларга билдиrmайгина, ҳовлисирадиги қовун палаклари устига ташлаб қўйилган оқ белги – дафтар вараклари остида экан. Тешикмозорлик болалар учун сутдай ойдин кечада, банд бериб узилай узилай деб турган, хиди икки-учта ҳовли наридан ҳам бурунга гуппиллаб урилаётган, босволдиларни топиш қийин иш бўлтими, деб эслашади ўша пайтнинг ўғригина болалари, гоҳи-гоҳида йиғилишиб қолишиш.

Шу ўринда яна бир омонат гапни айтиб ўтай. Тенг-тўшларининг кўнгли учун қизик-қизик воқеаларни ўйлаб топадиган. Керак бўлса ўз хонадони манфатидан кечиб бўлса-да, улфатларининг кўнглини шод этишга шай. Ёш-яланларни ўғирликка етаклаган, аммо ўғри бўлиб кетишига йўл қўймай, болаликда бўй кўрсатиши мумкин бўлган беғубор заараркунданаликларни ўша даврнинг қусури сифатида, ёшлиқда қолдириб кета олган Омонқора aka тешикмозорликлар ёдида бир яхши хотиралар қолдириб, олтмиш ёшлар атрофида қазо қилди. Бир пайлар ўғридоши бўлгани учун айтяпти демангу, хақикатан ҳам у киши ажойиб улфат, яхши ота ва

ўнлаб қобил набира ва абираларнинг бобоси сифатида яшаб ўтди. Олло раҳмат қилсин!..

Водилжон “оқсоқол” айни кунда хаёт – етмиш ёшларда. Узок йиллар колхозда таъбелчи, бригадир, хосилотлик вазифаларида ишлаб нафақага чиқди: ҳозир қарилик гаштини суряпти.

Ҳеч бўлмаса, шу Водил оқсоқолнинг лақабини айтиб кетинг, дейсизми? Айтсанак, айтаверамиз. Биздан бирор қўрқадими? Бирок бир андишамиз бор. Тешикмозорликлар, шу, Ҳабишвой деганиям, Тошкентда ўқиб жўрналис бўпқолдим деб, оғзига келган гапни ёзяпти дейишмасмикин ишқилиб. Эт-бетдаги йиғинларда одамлар Водил оқсоқолга, Ҳабибулло жўрналис сизга ҳам “ниши”ни бир санчиб ўтибди. Ачиштирмаляптими?”, деб қолишиса, Водил акамиз, нокулай аҳволга тушиб қолиб, аччик устида, “лақабимизни ёзган қўлларингни чаёнлар чақсин, деб қарғавормасмикин деб қўрқамиз, холос!..

Азиз китобхон! Юқоридаги жумлада Водил оқсоқолнинг лақабига нозиккина ишора қилдик. Сал пайпаслаб кўрсангиз сиз ҳам топасиз ўша сўзни. Фақат, эҳтиёт бўлиброқ пайпасланг. Фалокат оёқ остида, дейдилар. Қўлингизни бирон нарсага чақтириб ўтирманг, тағин.

Латифа:

Беш ёшли Жавоҳир бобосидан яна сўради:

- Оппоғдада, сизни ким түкқан?
- Катта бувинг түкқан.
- Катта бувимни ким түкқан?
- Катта бувимни катта бувим түкқан.
- Катта бувимизни...

Бобо қараса, савоннинг кети узилмайдиган. Қарши савол билан набирасини чалгитмаса бўлмайди.

- Ўзингни-чи, ўзингни ким түкқан?
- Меними? Энг катта лайлак түкқан.

МАШЬАЛА ДУМЛИ ЭШАК

Собиржон тракторчи қанақадир хайвоннинг даҳшатли пишқириғи ва ўzlари ётган йиғма каравот атрофида ҳар томонга учқун сачратиб гир айланыётган аланга ҳароратидан чүчіб, уйғониб кетди. Ё, тавба! Оламайдоннинг алвастилари бор, деб айтишарди-я! Ўша жинлар базм бошлишибиди-да, деб ўйлади у. Ва, шоша-пиша истиғфор келтиришига тушди:

“Ла илаха, вала қувватана Илло, билло!..”



Ёнидаги каравотда котиб ухлаётган Сухробни уйғотсамикин! Ёш бола-ку! Күркиб кетар. Бирор кориҳол бўлиб қолса отасига нима дейди. Ярим тунда алвастилар чалиб кетди болангизни, дейдими? Ўлақолса, ишонмас! Уйғотмаса ҳам бўлмайди. Ўзининг ҳам ўтакаси ёрилиб кетай деяпти. Сухроб ёш бола бўлса ҳам дадил. Бирон жўяли гап чиксаям ажаб эмас. Ҳа, уйғотгани маъқул! Бироқ Собиржоннинг овози чиқмасди. Ҳозиргина калима келтираётган тиллари негадир сўзга айланмасди?! Йўқ, болани уйғотмагани маъқул. Бу манзарани кўрса у кўркувдан бутунлай соқов бўлиб қолиши тайин. Яхшиси, Худога нола қиласи. Шундан фойда, деди ва оят ўқий бошлиди:

“Панодо пи зулмоти субхону инни кун тум мин аз золими-ин!..”

Собиржоннинг дуодан ҳам кўра кўпроқ йигламси-
рашга ўхшаб кетадиган бу тиловатларини пайкалнинг
ўртароғида ғўзаларга таралган сувни кузатиб юрган Во-
дилжон билан Омонкора ҳам эшитиб турарди.

Алвости Оллонинг калимасидан ҳам чўчимай, икки
бегуноҳ бандаси атрофида баттар жазавага тушар, чир-
чир айланарди!

“Худо-о! Раҳминг келсин! Бу балойингдан ўзинг
асра! Ўзинг кутқа-ар!..”

Собиржон бу илтижоларни ичиди айтдими ёки ово-
зини барадла қўйиб, кичқирдими, бугун буни аниқ ай-
толмайди. Қизиқ экансиз! Бир бандай мўмин қўркувдан
жони ҳалқумига келиб турса-ю, биз ояти Каримани ти-
лида айтдими ё дилида, деб муҳокама қилиб ўтирибмиз!
Ичиди айтди нима-ю, ташида айтди нима? Ҳар қалай,
айтди-ку! Сиз билан биз шу ҳолга тушсак, эҳтимол, ка-
лима ҳам келтиролмай, туёқ қоқворган бўлармилик!..
Астаҳпурулло, ал азийм!..

Ҳайрият, Собиржон тракторчининг охи Оллога етди.
Аланга – алвости уларнинг атрофида яна икки топқир
айланиб, катта йўлга чиқиб олди ва атрофга учқунлар
сачратиб кишлоқ томон йўл солди. Ажина, бу ердаги
базмни яқунлаб, Тешикмозор кўчаларида чаппар ураёт-
ганда, Оламайдондаги Собиржонлар ётган калавот атро-
фида кўланса ҳид таратиб, гоҳ тутаб, гоҳ липиллаётган
куюндилар сочилиб ётарди.

Ажина анча узоклашгач, билдики, шериги Сухроб
ҳам аллақачон уйғонган. Фақат, бошини ёстиқ билан бо-
сиб, ғужанак бўлиб, қалт-қалт титраб ётарди.

Ушбу ҳангома Тўлқин бригадир даврида содир бўл-
ганмиди ёки Водил бригадир даврида, аниқ айта олмай-
миз. Лекин шуниси аникки, бу воқеа юз пойиз бўлган
воқеа, деб, юз пойиз тешикмозорликлар гувоҳлик бери-
шига юз пойиз ишонамиз. Ана шунаقا! ШоирFaфур Fу-

лом айтганидай: бизнинг оғзимизга бир тушган сүз қайтиб ишга ярамайдыган бўлиб қолади. Йўқ, биз сўзниг елкасига “Фапуровский”ча маънолар юклаб ташлаганимиздан эмас, аксинча, бир сўзни юқоридаги каби, “юз пойиз”га ўхшатиб, майиб бўлиб қолгунича қайта-кайта ишлатишимиздан шу аҳволга тушади.

Олис-яқинларга овоза бўлган, Уфалогия ва ноаномал ҳодисалар институти ходимларининг ҳам узоқ йиллардан буён ризқини бутун қилиб келаётган ўша “Машъала думли эшак” воқеаси сценарийси ҳам аслида, тешикмозорлик шийпон болалари томонидан ёзилиб амалга оширилган эди.

Ха, бу когозга тушмаган писса. Писса бўлгандаям анча-мунча пойтахтлик режиссёр театр ё кино қилиб қўёлмайдыган писса. Сабаби унинг қаҳрамонлари пахта даласидан нари чиқмаган, жудаям содда одамлар. Бундай содда ва беғубор инсонлар ролини фақат тешикмозорлик, бирон ерда ўқимаган, шийпон болаларигина қойил қилиб ижро эта олади. Пойтахтлик артистлар ўқитилган. Ўқиган артистлар ролни фақат ўқиганидай, тўғрироғи, ўқитилгандай қилиб ўйнайдилар. Қолаверса, қаҳрамонлар рўйхатида эшак ҳам бор. Бўлганда ҳам тирик эшак. Тирик эшакни театр саҳнасига олиб чиқиб бўларканми? Саҳнанинг ўртасига тезаклаб-нетиб қўйса. Ёки шариллатиб... Борди-ю, шундай қилган тақдирда ҳам, эшакдан бирор ранжимайди. Эшак ролини одам ўйнаса... “Эшак одам” эса эшак характеристи ва ҳаракатларини ўла қолса, ўхшатолмайди. Ўхшатган тақдирда ҳам яна ўша гап, табиий чиқмайди. Кулгига қолади. Демак “одам ҳайвон”нинг роли сунъий чиқади. Эшак ролини, табиийки, эшакдан бошқа жонивор табиий чиқара олмайди. Табиий чиқара оладиган артист эса ҳали туғилмаган. Туғилган бўлса ҳам... ўқитиб қўйилган.

Ҳай майли, Тешикмозорга қайтайлик.

Тешикмозорнинг фўзаси ёз ойлари Тўрткўлкандинг Оламайдондаги хилват жойидан насос билан тортиб олинадиган сувга муҳтоҗлик сизади. Насосни созлаш,

юргизиб назорат қилиб туриш, кечалари қўриқлаш ҳам бригада тракторчисининг зиммасида. Тунда, албаттга, унга оналарининг ўрнига далага чиқадиган шийпон болалари навбати билан ҳамроҳлик қилиб ётишади.

Хуллас ўша куни, шийпон болалари Омонқора ишлаб чиқсан режага асосан, Эмон буванинг тунда бўшалиб кетиб, кўсакка бўқволадиган хачирини тутиб, жазолашга қарор қилишди. Бу ишда собиқ тракторчидан қолган, яғири чиқиб кетган эски пинжаги иш берди. Уни яхшилаб думалоқлаб боғлаб, саляркага бўқтиришгач, бир қулоч алюмин сим билан хачирнинг думига боғлашди. Жониворнинг боши Эмон буванинг уйига томон қаратилиб, гуппига гугурт чақиб юборилди.

Иш шийпон болалари ўйлашгандай бўлиб чиқмади. Кетини олов жиззиллатган эшак шаталоқ ота бошлади. Шаталоқ отган сари орқа туёклари машъалага урилар. Ҳар урилганда атрофга учқунлар сочилиб кетарди. Жон аччиғида, нажот излаган хачир эгасининг уйига эмас, шу яқин орада поттиллаб сув тортаётган насос қоровулари томон чопган эди...

Бор гап шу, азизлар!..

Латифа:

Тешикмозорлик Қўйливой отанинг беш ёшли набираси Мужгон бобосининг ўнг тиззасида ўтирган синглиси Райхонни имарид, деяпти:

– Қоч, ўзингнинг тиззангга ўтиб ўтир.

Бу гапдан ҳайрон бўлган бобо катта набирасидан сўради:

– Ўнг тиззам қачон сеники бўпқолақолди?

– Уни мен Райхон тугилмасдан олдин ўзимники қилволганиману...

ВОВАНИ СУННАТ ҚИЛИШ...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларимиди. Маҳалламизга Павлик исмли ўрис амаки кўчиб келди. Унинг Зина исмли маржаси ва Вова исмли олти ёшли

“синог”и (үғли) ҳам бор эди. Уларни бизнинг чекка, зерикарли қишлоғимизга тақдирнинг кайси шамоллари учиреб келган, билмаймиз. Ҳар холда, Павлик амаки шафёр эди. Ён құшнимиз Маташ лоғчи билан биргалик-да колхознинг кирдаги чорвасига “водовоз” машинада сув ташишларини билардик, холос.

Үша пайтларда үрислар яшамайдын қишлоқларга ҳаётдан орқада қолган, зерикарли жойлар сифатида қаралганини ҳозиргилар ақлига сиғдиришолмайды. Маҳаллий ахоли ҳам үриси йүқ маҳалламизга рус оиласининг күчиб келишини, канакадир, ижобий ҳодиса сифатида қабул килишгани аник. Чunksи, ким иккита нон, ким боғидан узилган мева, ким косада оби ёвғон ё лаганда ош билан, кунда-кунора йүқлашларидан, шундай хулоса чиқарса бўларди.

Биз болаларнику, қўяверасиз: тамом талтайиб кетдик. Теваракдаги үриси йүқ қишлоқларга бориб қолсак, Тешикмозорнинг ҳам энди маданий қишлоқлардан эканлигини билдириб қўйиш учун, ҳар икки гапнинг бирида, Павлик амаки ёки маржаси Зина холанинг фазилатларидан, улар билан ахил-интипоқ эканлигимиздан бир-бirimizga гал бермай мактанамиз.

Маҳалламизнинг шоир боласи Даврон Кули ўз отасининг Павлик амаки билан үрисча гаплашиш учун она тилимни унутишга тайёрман, деган гапини газетада ёзиб чиқиб, бир ой “Артек” лагерида бепул дам олиб келди. Ўртоғимиз Вованику қўяверасиз: отонасидан ҳам кўра ота-оналаримизнинг арзандаси. Айниқса, айрим ёш келинчаклар Вовкани кўриб қолишиша, ийиб кетишиб: “Шу болани, ичимга тиқиб олгиларим кеп кетяпти!”, деб юборишлари... Бир куни дeng, Жавлон акамизга яқындагина келин бўлиб тушган, киноларда ўйнайдиган артист қизлардай қишлоғимизнинг барча болаларини ошику бекарор қилиб қўйган келинчак – Дилоро опа ҳам шундай деганини ўз кулоғим билан эшитганимда, кўзимга дунё коронғу бўлиб кетди. Шу

куни, сизга, айтсам, Тешикмозорнинг ўзбек болалари ўрис бўлгимиз, ўрислар бўпқолгимиз кеп кетган эди!

Қишлоғимиздаги барча болаларнинг ҳаваси келадиган Вовканинг рўза кунлари биз билан рамазон айтиб, ҳайит намозларидан кейин тухумлар уриштиришига монелик қиласидан бир камчилиги бор эди. Бу – унинг суннат қилиниб, кўли ҳалолланмаганлиги эди. Икки ҳайит тантаналарида биз билан бирга яйрай олмай, бир чеккада мунғайиб, ўқсиб колган Вовка тешикмозорлик ўртоқларига маслаҳат солди:

“Соппан-соппан, со-оп!..” дейилганда ҳайит намозларига сизлар билан бирга боришим, тухумлар уриштириб, катталардан ҳайитликлар олишим учун нима қилишим керак?”

“Бунинг чораси бор!” – деди Эркин душа.

“Кўлингни ҳалоллаш керак.” – дея аниқлик киритди Ҳамдуш.

“Нима, сенинг қўлинг ҳалолу, менинг қўлим ҳаромми?” – деди Вовка хафа бўлиб.

Вовканинг девор-дармиён қўшниси Муҳаммаджон вазиятни юмшатди.

“Биласанми, Вова, – деди у, – сенинг қўлинг ҳам тоза. Фақат, булбулингдан озгина ортиқча жойи олиб ташланмаган. Тушундингми? Агар, шуни кесиб ташласак сен ҳам ҳақиқий тешикмозорлик бўласан. Қўрқма, чумчук чўқиганчалик оғрийди, холос. Ярим кундаёқ, юриб кетасан. Мана ўзим, икки соатда чопқиллаб кетганман.”

“Папам билан мамамга айтмайсизларми, ишқилиб?”, – деди Вова ҳам розилик оҳангига.

Хуллас, тешикмозорлик уч мусулмон ва бир “копир” маслаҳатни бир жойга қўйишиди. Даминбой чекилик уста Эргаш ўзларини қандай суннат қилган бўлса шундай қилишади, вассалом; олам гулистон – Вова мусулмон!

Эркин душа, қамиш, Муҳаммаджон пичноқ топди. Ҳамдуш уйидан кон чиққан жойига куйдириб бозил-

латиб босиш учун мозпахта олиб келди. Суннат амали шиййонда амалга оширилди. Тұғриси, чаларок амалга оширилди. Нега, дейсизми? Ахир, Вованинг суннатида ҳар томондан пул сочиб, алдаб-сулдаб, оёқ-қўлидан бошиб, бақирса оғзига тухум тикиб, “Ку-ла-лӯ”, деб турадиган тоғалари, амакилари йўқ эди-да! Шунинг учун, ишнинг ярмидаёқ, Вованинг чинқириғи бутун Тешикмозорни тутиб кетди...

Кўйингки, Тешикмозорлик болалар бошлаган “суннат амали”нинг давоми Пойтуғдаги катта баницада, катта дўхтирлар иштирокида ниҳоясига етказилди. Районимизнинг барча коммунистлари эса ўшанда, “Тешикмозорликлар бир ўрис боланинг булбулини “чиканка” қилиб қўйибди”, деган гап Москвага етиб бормасин-да, ишқилиб, дея, бир неча йиллар юракларини ҳовучлаб яшаганлари ҳам бор гап.

Тешикмозорликлар орасида бугун ўша, суннат воқеаси қачон эсланса, “Вовка мусулмон бўлганмикин, ёки...” деган савол қайта-қайта кўндаланг бўлаверади. Бу саволга ҳали-ҳануз, биронта тешикмозорлик аниқ жавоб беролмайди. Уларнинг топиб олган яқдил гаплари шуки, Вовка шифохонадан соғайиб чиқкан куниёқ, Павлик амаки шошилинч, кўч-кўронини йиғиштирган ва маржасига:

“Хотин, юр, тешикмозорликлар менинг қўлимни ҳам ҳалоллаб қўймасларидан олдин, бу ерлардан кетайлик!” – деган ва ярим тунда, қайсиdir томонларга кўчиб кетган...

Вовалар кетиб, тешикмозорликлар “юксак маданияти” билан мактанишолмай қолгаидир, дейсизми? Қаёқда, улар, ҳозир ҳам, “Бизнинг қишлоғимиз ўрис кўрган қишлоқлардан!” – деб, ўриси йўқ қишлоқлар одамларининг оғзини очиришмайди.

Латифа:

Тешикмозорлик Қўйливой отанинг тўрт ёшли набираси Бегижонён бошлаб, чой ичиб ётган бобосига деялти:

— Оппогдада, қараш бүйім сизниki билан баравар бүт қолди.

— Отам ўғлим, бобом ўғлим! Яшанды..

Мақтөвдан талтайған набира энди бобосига на-
сихат қила бошлади:

— Сиз ҳам паловни менга ўхшаб кетта-кетта
ошаңг. Бұлмаса, Зуҳур гадикка ўхшаб пакаш бүт қола-
сиз...

КАЛНИНГ БОШИГА ЪТ КЕТДИ

Бу воқеа ҳам ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига
тегишли.

Гапнинг пүст калласидан бошлай қолай: эрталаб
үйфонсам, бошимнинг чап томонидан бир тутам сочим
ёстиққа түкилиб қолибди. Ичим шувв этди. Кал бўлиб
қолибсан чоғи, дедим ўзимга ўзим. Сени ҳам энди Ориф
дўхтирга дучор килишади. Қолган-қутган соchlaringни
ҳам бозиллаб турган суюқ сиранч чаплаб, қотгач, шар-
ра-шарра шилиб олишади ва қизиб турган силлиқ бо-
шингга жазиллатиб йод суркаб, қўйиб юборишади. Сен
эса:

“Калнинг бошига ўт кетдў-ў!”— деб, калбанисанинг
иичида зир югурасан. Қанча тез югурсанг, бошинга шун-
ча қўп шамол тегиб, шунча ором оласан.

Ҳа, ўша йиллари қишлоқларда негадир кал болалар
кўпайиб кетган эди. Қизиқ, бу касаллик бир кечадаёқ
ўзини кўрсатар, эрталаб турсанг бошингнинг бир томонида
сочинг йўқ. Ширин уйқуда ётганингда, колхоз қўй-
ларининг жунини қирқувчилар келиб, худди, атай қил-
гандай, каллангнинг бир томонини шиб-шийдом қилиб
кетарди. Бирор хафтадан кейин қарасанг, бошинг, ҳозир-
гина товукнинг кетидан тушган тухумдай, сип-силлиқ
бўлиб турибида!..

Ўша куни нонуштада, бошимдаги бу манзарани
ота-онамдан яширдим. Дўпимни чап томонга қий-

шайтириброк кийиб ўтирдим. Эртасига эса бу қилигим ўсмириликда бўладиган болаларча параяглилка йўйилди. Отамнинг хаёлидан тергаб қўйиш ксракка ўхшайди, десган мулоҳаза ўтди шекилли:

“Дўппингиз бироз қийшайиброк қоптими, ўғлим?!?” – деб қолди.

Отамга ҳеч нарса демадим. Ўрнимдан туриб, ташқариға чиқиб кетдим.

Бу ҳаракатимни ҳам ўсмирилик ўзгаришларига йўйган отам, ўтиб кстар, деб ўйладими, хар қалай, бошқа индамади.

Афсуски, дўпним эртасига ҳам, индинига ҳам тўғриланмади. Бир ҳафтада бошим ола чиқсан шолипояга ўхшаб қолди.

Ажабланарлиси, касаллик юқсан болалар ҳақидаги маълумот яшин тезлигида, Жонободдаги “калбаниса” қулоғига стиб бориши эди. Икки ҳафта илгари, иккита ўртоғимни тутиб кетиб, уйидаги бор кўрпа-тўшакларини бугхонасида димлаб берган ўша, хунукдан-хунук “зимпесса (дезинфекция) мошина” энди менинг изимга тушган. Биринчи бор излаб келганида, жонимга онаизорим оро кирди: сскин имлаб, қочириб юборди. Дўхтирлар иккинчи сафар ҳам куруқ қўл билан қайтиб кетишиди. Энг қизифи, калмошиначилар учинчи марта келганида содир бўлди. Пахтазордан ўрган ўтимни орқалаб, ашулани ванг қўйиб уйга келдим. Этакдаги молхона остонасидан ҳатлагунча ҳам уйимизда кал дўхтирлар пойлаб туришганини сезмабман.

Хуллас, слкамдаги юкни сигирнинг охурига ташлаб, қайтиб чиқаётганда, оқ ҳалатликлар шарпасини найқаб қолдим. Шартта изимга қайтиб, охур ичидаги ўтнинг остига узала тушдим. Молхона остонасидан биринчи бўлиб Ориф дўхтири хатлади. Охур тахтасининг тиркишидан кўриб ётибман: орқасида иккита ҳамшираси ҳам бор. Улар ним қоронги молхонани айланиб чикишди. Ориф дўхтири, ҳайрат билан деди:

“Вой қисталог-ей, ҳозиргина, шу эшикдан кириб кетувди-ю! Қаёқдан қочиб кетақолдийкин?!?”

Бир оздан сўнг ҳафсаласи пир бўлган Ориф дўхтирнинг овози дарвазахонага яқинроқ жойдан эшитилди:

“Бу сафар ҳам кўлдан чиқардик. Тожибу, болангнинг товонида кулдиргичи борми, дейман!.. Кетдик!..”

Калмашина ҳам ўжар ўргимчақдан баттар тажовузкор эди. Бир пойлаган ўлжасини тутиб ямлаб ютмагунча, изғийверарди-изғийверарди.

Ўша кал боланинг исми нима эди, деб қизикяпсиз-а? Айтсан, бинойидек, “тандур” лақабимиз ёнига “кал” сўзи ҳам қўшилиб, қўшлақабли бўлиб қолмаслигимиз учун индамаганимиз маъқулмикин?..

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливойнинг беш ёшли набираси Бегижсон бобосидан сўраяти:

- Оппоғдада, сочим қачон сизникига ўхшаб оқаради?
- Мендай бўлганингда, болам.
- Қачон сиздай бўламан?
- Яна қирқ беш йилдан кейин.
- Қирқ беш йилдан кейин сиз кимдай бўласиз?
- Ҳа, болам-а, ўлмасам... сендай бўламан.

ШАЛДИРОҚ АРАВА

Юқорида эслаганимиз Тўлқинжон бригадирга эргашиб Тешикмозорга келган Собир тракторчи кўтармага сўртавой ошқовоклар экиб бойиб кетди ва йиллар ўтиб, катта опамизга уйланди. У киши биз учун энди – Собиржон почча.

Собиржон поччанинг тўрт ғилдиракли “Белорусь” трактори бўлар, унинг учун йил, ўн икки ой “сезон” хисобланарди. Ишсиз қолган куни, деярли бўлмасди. Тиркама аравали транспортга худонинг битмиш куни эҳтиёжмандлар чиқар, иш сийракроқ пайтларда эса бизникига келиб, отамиз билан гурунглаше-еб ўтиришни хуш кўтарди.



Кеч куз. Колхозда пахта терими тугаб одамлар ғўзапоя йиғиширишга тушган. Пахта “задания” сидан қутулган дехконлар ерга қор тушмай туриб экин-тикинларини саранжомлаб олишга ошиқкан паллалар. Ўзингиз биласиз, ғўзапоя ғамлаш ҳам қишлоқ аҳли учун энг муҳим ташвишлардан. Бусиз унинг ўчоғи гуриллаб, козони қайнамайди. Тандири қизиб, сандали бозилламайди.

Қўйингки, тиркама араваси бор тракторчиларнинг куни туққан. Собир поччанинг ҳам мартабаси чандон ошиб, одамлар унинг изига тузоқ қўйган кунлар.

Таҳсилдан таътилга келган студент болам бир маза қилсин, дедиларми, онамиз тушликка ошни катта дамладилар. Дастурхон атрофига бутун оиласиз жам. Собир почча ҳам шу ердалар.

Онам пиширган паловни обдан соғинган эканманми, қоринлар чирманда бўлиб кетгунча туширдим. Ошдан кейин отам билан поччамизнинг узилиб қолган сухбатлари қайта тикланди. Ноилож, ҳазми таом учун кўчага чиқдим. Қарасам, поччамнинг трактори шудгор четида “пилик-пилик”, “пилик-пилик” қилиб ишлаб туриб-

ди. Ўша кезларда ёнилғи зовурдаги сувдан ҳам қадрсиз. Тракторчилар бир-икки соат дам олиш пайтида моторни ўчириб, ўтиришмасди. Сездим, поччам тиркана аравасини кимнингдир пайкалида ғўзапоя юклаш учун қолдирб келган.

Шу тракторни бир ҳайдамайсанми, деган шум фикр кечди хаёлимдан. Шартта рулга ўтиредим. Собир почча бажарадиган амалларни тахминан такрорладим. Трактор аста ўрнидан жилди. Кувончим ичимга сифмайди: яшшавор, Ҳабишвой! Мана, ўқиши тугатмай туриб, трактор ҳайдашни ҳам ўрганиб олдинг...

Шудгорнинг ғўзапояси йигишириб олинган жойларida, анчагача сайр қилдим. Колхознинг тинкани куритиб ташлайдиган меҳнатидан ўлгудай ҳориб, ўзининг экин-тикини, ўтин-чўпига қолганда, силласи куриган ҳамкишлокларим онда-сонда келадиган бир талаба боланинг трактор ҳайдашини сезмаётгандай, ҳорғинтобгина, ўз ишлари билан андармон. Уларнинг бу пайтдаги холатини тушунса, бўларди. Бошқа пайт бўлса-ку, йўқ ердан қийтиқ чиқаришиб:

“Тешикмозорнинг Тошкентлик “тандир”и (ха, дарвоке, айтиш эсимдан чиқибди. Тандир бу бизнинг тешикмозорликлар орасидаги оиласи “унвон” – лақабимиз) ўзини тракторга ортиб қаёқка кетяпти?” га ўхаш гапларни бири қўйиб бири айтиб, аскияга чорлаб туришарди.

Хуллас, тракторчилик ҳам ярим соатга етмай, меъдага тегди. Энди уни тўхтатиш керак. Бироқ бу “темир дев”ни юргизишнинг ҳавосини олибману, тўхтатишни кузатмаган эканман. У қилдим, бу қилдим, қани энди “дев” кулоқ солса. Юрагимга вахима тушди. Хаёлимга лоп этиб, пайкалнинг тепароғида карчопка қилинган ғўзапоясини ўроқ билан тупроқдан сууриб тахлаётган Ўсканбой ака келди. Мўйсинбой тракторчининг укаси-ку, ҳар қалай. Илтимос қиласман. Эҳтимол, ёнимга сакраб чиқиб ўчириб берар...

Рулни ўша томон бурдим. Аста Үсканбой ақага яқынлашаман ва ҳали чалароқ қолган салом-аликни түлдирған бўламан:

“Чарчамаяпсизми, Үсканбой ака?!”

Үсканбой ака бошини сал кўтариб саломимга калласини ликиллатиб алик олди-ю, ишини қизғанибми ё ҳазилга мадори келмаганиданми, унчалик парво қилмай машғулотида давом этди. Қарасам, узоқлашиб кетяпман. Жон ҳалпида яна қичқирдим:

“Манави, шалдиrok аравани тўхтатолмаяппан?”

Бу сафар у менга бир маъноли караш қилди. Үзини ҳеч нарса эшиитмаганга солиб, ишида давом этди. Шаҳардан келган, бекорчи бола тантриклик қиляпти, деган хаёлга борди, деб ўйладим. Трактор эса табиийки, ўша-ўша, қайсар. Рулни буриб яна Үсканбой ақага яқынлашаман.

“Ҳазили йўқ... Ёрдам бервординг?”

У энди, айнан, бизнинг қишлоғимиз одамлариданги-на эшитиш мумкин бўлган жавобни берди. Нима дейди, денг? Айтсам, куласиз:

“Парво қимай ҳайдовур. Ёғи тугаса ўзи тўхтайди”, дейди.

Үсканбойнинг беписандлиги бироз иззат нафсимга тегди. Кўрсатиб кўй унга, ҳазил қандай бўлишини, дейди қаерларданdir келган жаҳлим. Тракторни Үскан ақага ажратилган, ҳали ғўзапояси йиғишириб олинмаган шудгор томон бураман. “Белорусь”нинг ғилдираклари энди унинг ғўзапояларини пайҳон қила бошлайди.

“Ҳа-ҳў! Нима қилганинг бу?!” – ўроқ дўлайиб, пўписа киласи у.

Мен ҳам Үсканбойнинг жавобини ўз оҳангига ўзига қайтараман:

“Парво қилманг! Ёғи, тугай деб қолди.” ...

Ҳар ҳолда, Үсканбой ака билан ошимиз пишмади. Бир бечоранинг ўтинини пайҳон қилиш ҳам инсофдан эмас. Тракторни яна уйимиз томон бурдим. “Темир дев” ҳеч нарса бўлмагандай, бир меъёрда, бифиллаганча олға интилади.

Нима килсам экан? Ўзим билан ўзим ўйлашиб трактор олди ғилдираклари билан катта ўқ арикқа мункиб тўхтаб колганини сезмабман: бир-икки бор силтанди-ю, уни ўчди.

Елкамдан тоғ ағдарилди. Оёғимни қўлимга олиб уйга чопдим. Кирсан, отам билан Собир почча ёнбошлиш-еб, хамон ўша мен чикиб кетган палладаги мавзунинг мойини чиқаришиб ётибди.

“Собир ака, – дейман, ўзимни хотиржамгина кўрсашибга ҳаракат қилиб. – тракторингизни кўчага тўхтатувдингизми?”

“Ха, нимайди?”

“Кимдир уни, хов, шудгорнинг ўртасига оббориб кўйипти!”

“Э кўёвууринг, бу депарада уни ҳайдаб кетадиган азматнинг ўзи йўқ.

Топилсаям, узоққа опкетолмайди. Жонига тегиб бирон ерга ташлаб кетади,” – деди-ю, сухбатни келган жойидан яна давом эттириди...

Ўскан аканинг нима учун ўшанда менга ёрдам бермагани боисини кейинрок эсладим. Қайсиdir укамизнинг суннат тўйи эди, адашмасам. Ҳовлимиз сахнига жой қилинган. Ош тортилгач, асқия бошланиб кетди. Мавзуга негадир “арава” пайрови танланган эди. Ҳар томондан чўқиланаётган Мўйсинбойга (Ўсканбойнинг акаси. Лақаби... ҳай майли, айтаколай: “арава”) кимдир:

“Сизга раҳмимиз кепкетяпти, Мўйсинбой! Бугунги тўйдан бир “пирсеп” гаппинан қайтадаған бўлдингиз. Ярим-ёлчисини, анови, укангиз Ўсканбойга ортвормасак, йўлда гупчагингиз чиқиб кетиб, уятли бўпқолмасангиз гўргайди!” – деб, асқияга якун ясагани ёдимга ту shedi...

АЖАБСАН-ДА!

Тешикмозорликларнинг оддий гапи тагидаем бир гаплар ётади, деб кўйишади бу ерликларни яхши бил-

A. Бойқұзиев

ғанлар. Гапдонлари ҳар қанақа гапнинг тагидан шунақанги ғаплар чиқаришади-ки. Дархакикат, бу қишлоқда битта сўз уйнинг ичида бир маънени, ташқарисида бошқа маънени англатади. Айрим пайтларда, ариқнинг у томонидаги, хув анови, Даминбой чекида бсмалол айтган сўзингизни ариқнинг бу ёғидаги, манов, ўзимизнинг Тешикмозорда ишлатолмайсиз. Битта сўзни у қирғоқда айтсангиз слкангизга чопон ташлаб, бошингизга дўппи кийдиришади. Ўша сўзни ариқнинг бу бетида истеъмол қипқўйсангиз, борми, сизни энди, оёғингиздан бойлаб, айқириб ётган Тўртқўлканнага улоктирадилар. Бу ҳолни кўриб, даминбойческиликлар оҳ урсалар, тешикмозорликлар байрам қилишади. Хуллас, битта сўз ариқнинг у бетида анақароқ, бу бетида манақароқ эшитилади. Ана шунақа. Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзиданам сўзи қизиқ, деган гап ҳам тешикмозордан чиққан. Масалан, оддий, “ажабсанда” сўзини олайлик. Тешикмозорликлар бу иборани чойхонада эшитсалар ўзини товоқ тўла, буғи чиқиб турган, қўй ёғи-кўй гўштили димламани танаввул қилишга шайлайдилар. Жанжал-панжал бўп турган жойда бўлса, шу сўзни ишлатган одамнинг қулоқ чаккасини пойлашади.

Тешикмозор оқсоқллари эзгу ишлар қилиб, элнинг корига яраб юрган жўмард одамларнинг кўнглини қўтариб, мақтагиси келса, “ажабсан-да！”, деб гап бошлайдилар. Дилозор, текканга тегиб, тегмаганга кессак отиб юрадиган кимсаларни койисалар ҳам, “ажабсан-да！”, деб янишади.

Албатта, Тешикмозорда “ажабсан-да” одамлар ҳам анчагина. Мана, ўшалардан биттаси, камина: сизнинг қаршиңгизда қаердаги чўпчакларни айтиб бошингизни айлантириб ўтириби.

Латифа:

Тешикмозорлик Қўйливой отанинг олти ёшли набираси Жавоҳир бобосига деялти:

– Оппогдада, катта бўлсам, сизга “Мерседес” оббераман.

- Яшанг, ўғлим! Бувингизга нима олиб берасиз?
- Бувимларгами? Чак машина олиб бераман.
- Уларгаям “Мерседес” обберақолинг.
- Обберарди-им, “права”лари йўгу?..
- Бира тўла “права”си минан обберасиз-да...
- Ҳозирдан, бунақа қингир ишларга бошламанг-да, одамни, Оппогада!

“ТЎХТА ЖИРАФА”

Тешикмозорда баъзи одамларнинг исми шарифи ёнига лақабини қўшиб айтиш урф. Худди айрим ғарб мамлакатларидаги каби, кишининг исмига тиркалиб шахснинг олийжаноблигини белгилаб келувчи “пан”, “ди”, “мисье”, “фон” ёки “жаноб” сингари сифатларини тан олмасликдай оғир олинади. Масалан, турклар исми ёнига “афандим” ёки “хоним афандим”ни қўшиб айтсалар мойдай ёққанидай.

Юқорида эслатдим, Тешикмозорда лақабсиз одам тешикмозорлик эмас, деб. Бизнинг лақабимиз, тўғрироғи отамизнинг лақабини ҳам айтдим. Отамизнинг лақаби, дейишимнинг боиси бор. То, ота тирик экан, унинг лақаби болаларига ўтақолмайди. Отанинг лақаби болаларига юқмай, яъни насиб этмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Чунки ота бу “унвон”га не ҳасратларда, машақкатлар тортиб, муносиб гап-сўзи, хатти-харакатлари билан мушарраф бўлганда, ахир.

Ана, Тўхтакул буванинг лақаби “жирафа” эди. Шундай ажойиб лакаб унинг ўғилларига ўтмади. Ҳаммаси “тўнғиз” бўлиб кетишди.

Тўхтакул бува қандай қилиб “жирафа” бўлиб қолган, дейсизми? Буни ҳам айтсан қизик. Тўхтакул гўштни сувяркан. Қишлоқчиликда кўпроқ палов ейилади. Сабаби паловнинг осон ва камхаржроқ пишиши бўлса керак: бир чўмич ёғ, битта пиёз, икки-учта сабзи бўлса бас, камбағалнинг хўраги тайёр-да. Кенжавой гуруч энди тешикмозорликлар учун дехқончилик. Гўштнинг ўрнига

дамтовокнинг остидан иккита тухумни чақиб, бостирвортсангиз, тешикмозорча палов тайёр бўлиб турибди-да!

Бир куни беш-олти улфат ўшандака камбағалча палов пиширишибди. Таомни гумбаз килиб товоққа солиб бир-икки ошам олишлари билан устидаги тухумнинг ранги ўчиб кетибди. Улфатлар сарасоғ солишса, Тўхтақул бува ҳар ошам тухумга беш-олти дона гуруч қилиб тушираётган экан. Улфатлардан бири ҳазиллашиб:

“Тўхтавой, ошни товоқнинг тепасидан эмас, қирғоғидан бошлаб ейиларди шекилли?” – дебди.

Иккинчи улфат бошқачарок шама қилибди:

“Бошқа қишлоқларда бир ошам гуручга бир парча тухум кўшиб ошашаркан, баъзан кўшмасдан ҳам олишавераркан!”

Тўхтақул эса парво қилмасмиш. Палов яримламай тепасидаги тухум тугабди. Бундан ранжиган учинчи улфат ҳам тилга кирибди:

“Тўхтавойнинг йили жирафа бўлиши керак. Ҳалакит берманглар, у ҳазир ўз мучалига мос озиқланяпти. Жирафалар барг ейишни дарахтнинг учидан бошлайди, ўқимаганлар!”

Ўша ўтиришдан Тўхтавой “Тўхта жирафа” бўлиб чиққан, дейишади.

Болалигимда бўлиб ўтган яна бир воқеани мен ҳам ўла-ўлгунча унутмасам керак. Оғилхонада мол-қўйларнинг тагини тозалаб турсам дарвозадан “Тандир бувў! Тандир бувў!” деган овоз келди. Чиксам, ташқарида юқорида лақаби “арава” деб эслаганимиз Ўсканбойнинг акаси Мўйсинбой тоға. Салом бердим. Алик олиб, бoshимни силаб эркаларкан, деди:

“Қалайсан, тандирча? Тўй тандир қани?”

Билдимки, Мўйсин тоға уйимизнинг энг катта тандири – отамни излаб келган. Ҳаял ўтмай отамнинг ўзи ҳам чиқиб келди. Улар анчадан бери кўришмагандай, қуюқ сўрашишди. Қитмири гапни Мўйсин тоға бошлади:

“Тиркаш хуржун” устингиздан шикоят қилди. Кейинги пайтларда сизни бир-икки боғ ўтин билан оқартириб бўлмай қопти. Жағлари тушиб, оғзи кенгайиб кетган. Ичидаги олов турмайдиган бўп колган, дейди. Ҳавотир олиб кўргани келовурдим.”

“Жуда яхшида, – дейди отам ҳам асқия айтишадиган одам келганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб ва гапида давом этади, – Тўғри, ҳозир ғўзапояларнинг ҳам ғози қочган. Бир боғ, ярим боғи билан мана буларни ҳам оқартириб бўлмай колди, – деди мени кўрсатиб. – Бизга ўхшаган тўй тандирларигаку ғўзапоянинг бир “арава”-си ҳам кам. Колавурса, илгариги ўзимизнинг бакувват “Кўқон арава”лар йўқолиб, ҳозиргилари заиплашиб кетди. Иккита нўргил йигит устига чиқиб кўйса тарвайиб, ишга ярамай қоляпти. Сиз ҳам эҳтиёт бўласиз, бирор таси мени оқартиришга етадиган ўтин-пўтигини ортиб кўйса, бел-мелингиз майишиб, кўтарам бўлиб ўтиранг.

“Менга жон тортиб гапиряпсиз-да, раҳмат! – дейди Мўйсинбой тоға ҳам бўш келмай. – Сизни оқартиришнинг зўр йўлини топдим.”

“Яшанг. Зўр йўли қанака экан?”

“Бакувват бойланган ғўзапоядан икки боғини бир қилиб оғзингизга тиқиб гугурт чақворилса, ўзингиз корайиб, ўзингиз оқариб ётасиз!”

Латифа:

– Оппоғдада, – дебди бир куни Қўйливой отанинг етти ёшли набираси Жавоҳир, – сиз ҳам бувижонимга яхши кўриб уйланганмисиз?

– Э болам-а, бизнинг замонларда ҳозиргидаи ўлдими-толдим, куйдим-ёндимлар йўғ эди. Ота-оналаримизга ёқибди деб ўйланаверганимиз.

– Мен ҳам сиз билан бувижонимга ёққан қизга уйланаман.

– Менга ёқадиган қиз борми ўзи?

– Бор. Синф раҳбаримиз Таваккалхон ая-да!

“БҮЙНИНГ УЗУЛГУР!..”

Тешикмозор аёллари ҳам, фавқулотда очиқ күнгил, дилсүз, шу билан бирга, чийратма гапларга анчагина чечан бўлишади. Рашқчиликдаку, дунё аёллари бир томону тешикмозорлик аёллар бир томон. Хожаларини ўзга аёл тугул, ўзининг соясидан ҳам қизганишади. Бу борада эрларининг бирон хато-патосини сезиб қолишса борми, илмоқ-ишора, қокитма гаплари билан этларини узиб-узиб олишларини кўрсангиз. Ҳол-аҳвол сўрашишларини айтмайсизми? Қарғишилариям, ўзларига бирам ярасадики. Мана, тешикмозорлик икки қўшни аёл гуваласи тўкилибгина турган деворнинг икки томонида туришвонишиб, сухбатлашишяпти:

“Хуй, қўшни! Сабохон! Бияққа бир қараппўйинғ!..”

“Эссонмисиз, Қумропа?”

“Бунда-ай, деволдан овоз бераям демайсиз? ”

“Кеча, овоз берай деб мўраласам, мўйловини шопдай қилиб, эрингиз Раҳим акам турипти. Ўлақолмасам, деб индамайгина писақолдим. Нимагадир, Раҳим аками кўрсам, қочқим келади.”



“Шу, шарти кетиб, парти қолган гўрсўхтанинг нима-
сидан қочасиз?..”

“Ундан демант... Нимагадир, хўжайнингизнинг сири
бор, одамни босадаган...”

“Хе, сири бўмаям ўлсин, бўйнинг узулгурнинг. Дўко-
нидаги биттасимиан искалашиб юради, деб эшитаман.
Нима қилай, ўзимдан саккиз ёш кичкина бўлса, бу гўр-
сўхта!..”

“Вой ўлмасам! Қанақа қилиб?..”

“Акангизга, бошпумини ўзгартириб текканман. Ўзи
билмайди, буни.

Билиб колса, мени отамнига оббориб қўйиб, дўко-
нидаги анови мегажинини опкеволади. Бу гапимни ун-
га-бунга гуллаб ўтирамант, тагин!”

“Ўлиппами, гуллаб.”

“Манави, кастрилкани олинг. Қўй ёғи. Эрингизга ош
қилиб беринг.

Хурсанд бўлади. Рахим акангизнинг пули кўп. Еб ту-
гатмасак, мен ўлганимдан кейин бошқалар келиб ейди.”

“Ундан демант, опа! Узо-оқ яшанглар. Қўй ёғига ош
қилиб бермасам ҳам бунингиз кутириб ётибди. Калтак
емаган куним йўқ. Кеча кечкурун, десангиз, Қумропа,
бунингизи, хуйи бир тутди, бир тутди! Бир гапига қар-
ши, гап қиганидим, шунақаям... уриб ташладики!..”

“А-а, ашнаками?..”

“Ҳа-а! Қочиб бориб, товуқнинг катагига кириб, аранг
жон саклаппан. Илоё иловандо, тепган оёқларинг ака-
шак, урган қўлларинг қўшмашак бўлиб, қўлларимга
қарў-ўб, мўлтираб ўтирасанг, розимасман, деб қарга-
дим-қаргадим, катакка кирволиб! Қарғадим-у, орқаси-
дан, астопилло келтирдим. Нима қилсаям олтита ойто-
воғминан, еттита емахўрни шунингиздан топдим-да,
опўш!..”

“Ҳай, қўшни, катакни яхши эслатдингиз. Товуғла-
рингиз туғяптими?”

“Ўлат теккан. Ҳаммаси судрали-и-б юрибди. Ома,
туғяпти.”

“Тухумини нима қиляпсиз?”

“Егани құрқаяппиз.”

“Бизницидаям, шу овхол. Катта тоғора тұла тухум... Шу бугунчаям, емай туринглар. Кечқурун, анови, бүй-нинг узилгур Раҳим акангиз уйга келар-у. Беш-олтитасини пишириб, едириб құяман. Эрта-индин ўлмаса, сизлар ҳам сяверасизлар, тузукми?! ”

Ана шунақа гаплар. Аёллар масаласида, хүroz бутун дунёда бир хил қичкиради, деган гап, ғирт сафсата...

Латифа:

Тешикмозорлик Қўйливой ота набираси Жавоҳир билан телефонда суҳбатлашыпти:

- Отам ўғлим! Бормисизлар?
- Бормиз. Ўзингиз тузук бўп қолдизми?
- Раҳмат. Қачон келасизлар?
- Кеча борамиз десак унамадингизу...
- Тумов бўп қоганидим, юқмасии, дедим-да... Энди шамоллашим анча яхши, келаверинглар.
- Борсак, анча яхши шамоллашингиз юқиб қолмайдими?

ОТАЛАРИ... “ПАНЧЕР”

Тешикмозорликларнинг фарзанд кўриш масаласида ҳам ёзилмаган, фақат шу ерлик эр-хотинлар билиб-билиб амал қиласидиган тартиб қоидалари бор. Тешикмозорликлар бир-бирининг илми-амали, мартабасига эмас нечта фарзанд кўрганига қараб қадрлайдилар.

“Анови Тошқўзими? Етти ўғил, саккизта қиз кўрган”.

“Йўқ, саккизта қизи, еттита ўғли бор!”, – деб баҳслашадилар.

Аслида, иккови битта гапни айтиб талашишыпти. Гап шундаки, бу борада, битта қиз ёки ўғилнинг у ёқ, бу ёкқа ўтиб қолиши ҳам, ўша Тошқўзининг издиҳомларда қаерда ўтириб, қаерда туриши, юришига барадла таъсир

қиласы. Демек саккизта ўғил күрган Саксонбайнинг мақоми барып көрді: давранинг түрига ўша ўтади. Бу ерда күп ўғил туғдирған оталарга “накаут”чи боксчидай, әхтиром билан муносабатда бўлишади:

“Хў, фалончими? Ёмон, “панчер”да! Ўн етти “род”-дан, ўн бештасини ўғил қиворған!”

Тешикмозорликлар анор, памидор, баклажон ва олхўрига миришкор. Улар етиштирган маҳсулотларни асосан, дунёнинг бешта мегаполиси – Лондон, Шанхай, Вашингтон, Дубай ва Бонн шаҳарлари ейди. Ўшалардан ошса, россияликларга ҳам онда-сонда марҳамат қилиб туришади.

Кўйливой буванинг ўн битта ўғли бор. Ҳаммасини хорижликларга баклажон едириб катта қилган, деб кўйишади одамлар. Ҳа, у ўз пайтида (Шўро даври назарда тутиляпти) Россияга Камаз-Камаз юк жўнатиб, копларда пул билан қайтиб қариган тешикмозорликлардан. Сухбатини олай деб, йўқлаб борсангиз:

“Бола-чақалардан нечта?”, – деб албатта сўрайди. Оғзингиздан чиққан рақам бўликроқ бўлса сиз билан ёзилиб сухбатлашади. Шу орада, ичкарига овоз бериб давзираға ошнинг шаъмасини ҳам қилиб қўйган бўлади. Борди-ю, рақам озғинроқ бўлса бир пиёла чойгаям таклиф қилмайди. Чунки Тешикмозорда битта-иккита чулдирвака билан умрини исроф қилган одамга нописандроқ карашади. Тешикмозорга бирорни кадр қилиб излаб бориб қадрим билан қайтай деган одам, биз айтган гапларга жиддий қарайди. Мабодо, бола-чақа масаласида камбағалроқ бўлсангиз ҳам, ёлғонни Худо кесчирсин деб, шу ернинг катта оғиз оталаридай, каттароқ рақамни айтвормасангиз сувга бўккан бўлкадай бўлиб қайтасиз.

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливой оқсоқолининг олти ярим ёшли Жавоҳир, ҳамда беш ёшли Бегижсон исмли набиralari кураши тушияпти. Кичик набира кўпроқ йиқилиб

аламидан йиглаб юборибди. Юнатиш учун бобо катта навирасини бир-икки үйқилиб бершига күндирибди. Бироқ кичик навира ҳовридан тушинасмуи. Оқсоқол яна орага тушишига түгри келибди:

— Бас. Акангни роса үйқитдинг. Ярашиб олинглар.

Ҳамон ҳүккялаётган Бегизсон нима дермуши:

— Мен ҳам йиглатмагунимча кураштиринг-да!

ҮФИЛ ТУФМАСА, ОТАМАН

Эллик беш йилдирки, Оташ хоббони билан Бўташ гупир бир-бири билан янишади. Қизиқ. Мен – ит, сен – итдан қолсам, қулоғимни кесодирман, қабилида иш тутишади. Бири “Жигули” олса, иккинчиси керилиб “Волга” минволади. Униси пахтага бригадир бўлса, буниси пиллага бригадир бўлволади.

Үйланишлари ҳам қизиқ бўлган экан. Оташ хоббони Наманганинг Уйчисидан уйланибди. Бўташ гупир шундан қолсам, отимни бошқа қўяман, дебди-да, келинни ундан ҳам нарироқ, Тўракўргоннинг Ахсисидан олиб келибди.

Оташ хоббонининг хотини ўнта ўғил туғиб, кейин қиз туғишга ўтибди. Бўташ гупирнинг завжаси тўққиз ўғилдан кейин қиз туғиб қўйибди. Бўпти жанжал, бўпти тўпаланг. Аламига чидамаган Бўташвой катта ўғли Эргашвойни (бу исм ҳам бежиз эмас, ўғилнинг ортидан эргашиб ўғил туғилаверсин, дегани) қошига чорлаб, ғазабини сочибди:

— Энангни кўзимдан йўқот! Оташнинг олдида юзими ни ерга қаратди. Обориб, отасиникига ташлаб ке!

— Ота, — дебди Эргашвой, — онамнинг отасиям, онасиам ўлган.

— Ўлган бўлишса, ўлган ерларига ташлаб ке!..

— Қўйинг энди, ота! — дея ёлворибди Эргашвой. — Юртга шарманда бўмайлик. Одамлар айтмайдими, Эргашвой элликка кирган энасини опкелиб, ўлиб кетган бобосиникига ташлаб кетибди, деб.

— Деса, яна яхши. Эл оғзига элак тутолмайсан. Кўра-ди ҳали бу энанг. Мен, их, демасдан ўнта ўғилни рад қиппўядаган, боявўй хотин оламан!

Бу можаро қишлоқ катталарининг аралашуви билан, ҳар қалай, босди-босди бўлган, дейишади. Бироқ, Бўташ гупирнинг хотини ўша қиздан кейин қаторасига яна учта ўғил туқкан. Оташ хоббонининг эса ўнта ўғилдан кейин қиздан боши чиқмай қолибди. Энди унинг ҳамияти қўзибди. Завжасида, навбатдаги “мехмон”нинг тўлғоғи бошланганида ярим шиша ароқни ичиб, кўшотар милтиғини ўқлаб остоңада ўтириб олибди. Доя кампирга:

— Борди-ю, бу сафар ҳам “Холва” деган хабар опчи-қадаған бўсанғиз, иккаланғизиям қоннингиздан отаман! — дебди.

Хайрият, хотинининг ҳам, доя кампирнинг ҳам Худога айтгани бор экан. Ол қулим, деб, Худо ўғил берворган экан ўшандада, Бўташ хоббонига ҳам.

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливойдан тўрт ярим ёшли набираси Азизбек сўраётганимуши:

— Отпогдада, сиз бизни түгилмасимииздан олдин ҳам “жоним болам”, деб чакиравмидингиз?

— Албатта, жоним болам, албатта!

— Унда нега мен ҳечам эслолмаяппан?

ЧЕРТ ПОБЕРИ, ЕЩЁ, ТЕШИКМАЗАР!..

Тешикмозор қишлоғининг машҳур бўлиб кетиши тарихини кўпчилик билмайди. Бу феномен Шўролар даври билан боғлиқ. Ёши улуғроқ одамларга маълумки, Советлар жамиятининг нимаси кўп, унвону орден-медаллари кўп эди. Масалан, дейлик, ёнма-ён эгатда ашулашлар айтиб мусобақалашиб, кунига 450–500 килодан пахта тераётган икки аёл (икки қаторли комбайн ҳам бир кунда шунча пахта терган)ни кўз олдингизга кел-

тилинг. Бу жабҳада иккала аёл ҳам учтадан илғор тे-
римчининг нормасини бажаришяпти. Лекин улардан
биттаси ғолиб сифатида тақдирланиши зарур. Иккалоп-
вини ҳам тақдирлаш керак, дейсизми? Унда, совет ни-
шонининг қадри қоладими? Ҳўш, нима қилмоқ керак?
Бир йўли бор. Нишон суръатда икки қадам илгарилаб
кетганига насиб этади. “Ҳалқ хўжалигининг икки қа-
дам илғори” нишонини ҳам, албатта, Москов беради.
Ҳалқ хўжалигининг нимаси кўп, соҳаси кўп. Ҳар бир
соҳанинг ўз илғорлари, ғолиблари, қаҳрамонлари бўла-
ди. Ҳар бир илғор, ғолиб, қаҳрамонни меҳнатига яраша
моддий рағбатлантиришнинг ўзи бўладими? Бунда, ху-
куматнинг ҳазинаси ҳилвираб, ўпирилиб тушмайдими?
Қолаверса, моддий рағбат моддий манфаатдорлик туй-
ғусини уйғотади. Моддий манфаатдорлик туйғуси эса
буржўйларга хос иллат. Шу маънода, бир мирилик тан-
гадай ялтироқ нишонларни сахийлик билан тарқатиш
ҳар жихатдан максадга мувофиқ. Шундай қилинса, ўн
сўм сарфлаб, ўн миллион сўмни марказга оқизиш мум-
кин. Бу бир. Иккинчидан, аҳоли пулга эмас унвон, орден
ва медалларга мазахўрак бўлади.

Аҳолининг қозони қаттиқ қайнаб кетмасин. Эн-
гил боши бутланиб ҳам, яланғоч ҳам қолмасин. Бун-
дай авомни эвош қилиш осон бўлади. Бу кўйга туш-
ган аҳолининг ёш боладан фарқи қолмайди. Ёш бола
эса, хўрозқантга ўч бўлади. Ҳудди шунинг учун ҳам бу-
тун-бутун завод, фабрикаларни “хўрозқанд нишонлар”
ишлаб чиқаришга мослаштиrsa арзиди. Ахир, ўзингиз
ўйланг. Шоир Ҳамид Олимжон ёзганидай, у бурчидан
балккан қуёши бу бурчига етгунча ҳорийдиган мамла-
катнинг милён-милён илғори, ғолиби, қаҳрамонлари
бўлади. Уларга тарқатиладиган “хўрозқанд” ҳам озмун-
ча бўладими??!

Ҳай, майли, Тешикмозорга қайтайлик.

Теварак атроф қишлокларга берилган мукофотларни
туман каттаконлари чўнтағида элтиб топширган бўлса,

тешикмозорликларга тегишилисими олиб келиш учун кажавали мотоцикл зарур бўлган, деган гаплар юради. Тасаввур килинг, Тешикмозорда ҳар икки хонадон бекаси “Қаҳрамон она”. Юқорида айтганимиздай, камидан ўнта фарзандни туғиб вояга етқиза олмаган тешикмозорлик аёл отини бошқа қўяди. Бунинг устига шу аёл далада ҳар куни илғор, ҳар ҳафта ғолиб. Бу ҳам камдай, саккиз-тўқиз йилда “Қаҳрамон она.” Ия! Нега ажабланасиз?! Ўн йилда ўнта фарзанд туғиб берган аёл, шулардан камидан уч топқирини эгизак, ёки учазак қишлоғмайдими?.. Қилган, албатта! Ишонмасангиз, тешикмозорлик шўро даври аёлларининг сандигини очириб, бўғчаларини кўринг. Ҳар биридан камидан бир-икки киодан ялтироқ орден, медал чиқмаса биз ҳам отимизни бошқа қўямиз! Ия!!

Узр, бироз қизишиб кетдик?!

Эскилар билади. Московда Шўро даври нишондорлари хужжатларига раёсат раиси Подгорнийнинг ясами, имзосини босиб турадиган хизмат раҳбари – Георгадзе деган амалдор бўларди. Ўша одам сезиб қолибди. Бундай қараса, бир кунда муҳр босилган “Қаҳрамон она”ларнинг саксон фоизида “Андижанский область, Избасканский район, село Тешикмазар” деб ёзилган экан. Шунда у ясами, имзони ҳар босганида “Черт побери, ёщё Тешикмазар!” деб турган, дейишади.

Ана шунаقا! Тешикмозор сўзи, Тошкентни қўйинг, Кремлнинг ўзида ҳам, деярли ҳар куни тилга олиниб турган.

Ана энди, Тешикмозорликлар карилламай, ким ка-рилласин?!

Латифа:

Тешикмозорлик Қўйливой етти ёшли набираси Бегижонга оёқларини теналатяпти. Тўрт ёшли Раҳона уни нари итариб, деди:

– Кочиб туринг, биттасини мен тепала қиласман.

ОТАМИЗГА, ШАФТОЛИ ҚОҚИ...

Мактаб сабогини тугатиб уйга қайтаётсам дарвозада ичкаридан кузаётган басавлат уч эркак бир аёлга дуч келдим. Ўзларини тутиши, сиполаниб қадам олишларидан раҳбарларданлиги кўриниб турган меҳмонларни онам кузатиб чиқди:

“Бирпасда ошим пишарди-я, айланайлар?!”

“Худо хоҳласа, сизни қаҳрамон қилган шу ўғлингиз-нинг тўйларида келамиз, ош егани?”

Онамнинг читти гул кўйлаги ёқаси тагида, ҳозиргина “Тошхон селсовет” тақиб кўйган, гирдига “Мат героиня”, деб ёзилган беш юлдуз нишони ялтираб турарди.

Онам бунақа ўрдин, медал тарқатувчиларни кўп кутиб, кўп кузатган. Уларнинг олдида йўлига мулозамат қилса ҳам, чиқиб кетишгач:

“Ўлақолсин, шу темиртакнинг ўрнига, боламга икки метргина кўхлик кўтариб келишмайдими! Йўқ, бундай қилишса, хўқиматининг ғазинаси камайиб қолади!”— дедя яниб қўярди.

Бу гапни эшитган отам эса онамни чаласаводликда айбларди:

“Хў, ўқимаган, кўхлик нимадан бўлади, биласанми? Сурипдан бўлади!”

“Ўша сурп деганингиз, сиз экиб, мен териб топширган пахтадан бинога келадими, ишқилиб, ўқиган?!”

“Пахтам-пахтам, дийсан. Пахтани сен билан биз экспак ҳам давлатники, ахир! Давлат уни о-опкетиб “оборона”га ишлатади. Билмайсанда, чаласаводсан!”

“Во-йий! Бу кишимнинг кетмон-кетмон саводига ўлайми. Юриптилар, шу-унча саводлари билан шудгорда, чорикларини судре-е-б!”

“Чорифимни судрасам ҳам пахта мудофа хом-ашёси, мудофа эса давлат сиёсатийканлигига ақлим етади, ўқимаган!”

“Давлатингизнинг икки энлик сурпини боламга кўхлик қип қўйсам, мудопаси юмшаб кетармикан?!”

“Хўй, хотин! Оғзим бор деб вайсувирма! Хўкиматминан ҳазиллашиб бўладими! Шундай гапларийчун, не-не одамларни авахтада чиритишган-а! Пахтанинг сиёсати қагтиклигини, сурпни магазинларда селсоветти испарағасиминан факат капанликкагина ўлчаб со-тилётганини биласан! Кўй энди, дийдиёларингни. Сен энди оддий одам эмассан. Кўша-кўша орден, медаллар бериб қўйишибди. Мана, бугундан бошлаб “Қаҳрамон она”, деган номинг бор. Бунақа гаплар ҳаммадаи чиқса-ям биздан чиқмаслиги керак!”

“Медал беришган бўлса, аёз демай, ёз демай, мири берса оз демай, жонларимни жабборларга берсиб, уммай-жуммай ишлаганим учун берди. Ўрдин беришган бўлса, тўқиз ўғил, беш қизни гуппа-гуппа туғиб, хўкиматингиздан кўхлик ҳам сўрамай, вояга еткизиб қўйганим учун беришди! Шу темиртакларнинг миннатини сиз қилмай қўяқолинг!”

Отам билади, онамнинг жаги бир очилса, ҳадсганда тинмайди.

“Хўкимат сенга ўрдин бериб ҳам балога қолади. Биз эркакларни лоақал раҳматга лойик кўришмаса ҳам юриппиз, жи-им, бир чеккада!” – деди-ю, нари кетди ва айвондаги сўрига чиқиб, ўнг қўлини бошига тираб, узала тушиб ётиб олди. Катта жоруб билан ҳовли саҳнини откелдисига олиб супураётган онам эса, баттар жаҳл отига минарди:

“Тунов куни, Бахри холанинг жанозаси пешин номоздан қопкетти.

Сандигида капанлиги йўғакан. Беш метр ундан, ўн метр бундан сўраб юриб, шомга аранг улгитишиди, раҳматликни...”

Шунда отам: “Ана, кўрдингми?” – дея фикри тасдиқланганини эслатмоқчи бўлган эди, онам баттар бо биллади:

“Нимасини кўрай! Бир умр пахтам, деб агатларда ўрмалаб ўтган бир муштипар кампирнинг ўлиги, капанга зор бўлиб, кўмилмай ётганини кўрайми?!

Шу гапни айтмасам саводли бўламанми?!”

Карасам, бу можаро катта жанжалга айланиб кетадиган. Икки ўртадаги муносабатни юмшатиш мақсадида отамга салом бердим:

“Ассаломалайкум, ота!”

Отам, ҳар қалай эркак киши-да. Саломимни, онамни куйиктирмай қўяқолинг, маъносида тушунди, шекилли, истар-истамас, алик олди:

“Валайкумассалом. Онайни оғзи бир очилса шу ҳовлидан этак қоқиб кетишиларинга рози қип ташлайди. Муҷали ит-да, ит! Қачон, қаерингдан чакса этингни узиб олишини билмайсан!”

Отамнинг бу зардасини ҳам тушунса бўларди. Тўғрида, шунча болани катта қилишда ота сифатида эркаклар ҳам аёлдан кам жабру жафо кўрмайди.

Иzzат-икром, ордену медаллар эса фақат оналарга қаратилишидан бироз норозилиги ҳам ўринлидай, на заримда. Отамнинг кўнглини қандай кўтартсам экан, дея бироз каловланиб туриб қолдим ва хаёлимга келган бир фикрни айтдим:

“Ота, ўн бешта бўлсак сизга ҳам орден беришаркан.”

Ўйлаб топган бу гапим энди отамнинг ростмана жаҳлини чиқарди.

“Хе, бекорди айтибсан! – дея зарда билан сўзимни бўлди отам. – Сўрадим, ҳозирғина кеганлардан. Сенларди йигирмата қип қўйсам ҳам, менга шоптоли қоқијам беришмасакан!”

Латифа:

Тўрт ёшли Райхона бобоси Қўйливой отанинг юзига юзини суркаб, эркадана бошлиди. Оқсоқол тешикмозор-часига пўтиса қилди:

– Қоч, соқолим юқиб қолади.

Райхона ҳайрон бўлиб сўради:

– Соқолангиз касалми?

ҮН ЕТТИДАН ЎТСА, ҚИЗ...

Бундан әллик йиллар илгари Тешикмозорлик йигит-қизларнинг уйланиб, турмуш қуришлари ҳам қўшиларга қараганда сал бошқача – тешикмозорчароқ кечарди. Йигитлар нимагадир, қиздан бир ўпич олиб, отаси билан шахсан чўкиштириб ичмагунимча, бирон гап айттолмайман, дейишга ийманарди. Қизлар бўлса, йигитга қўлимни ушлатиб кўрмагунча, ўламан саттор, тегмайман, деб туриб олишни Тешикмозор шаънига иснод, деб билишарди. Қариндош-уруғлар бўлғуси “ошиқ-мошиқ”ни ўртага олиб, учрашувга олиб чиккунларича, эна сутлари оғзига келарди. Чунки, фалончи билан пистончи “хо(x)ладим”га чикибди, деган гап тарқалишини қишлоғимиз ахли азалдан оғир олишган. Бизда, қиз ўн олти, йигит йигирма ёшдан оша бошласа, энди бу икки ёшнинг тақдиди билан бутун қишлоқ шуғулланади. Үн етти ёшгача қиз, йигирма ёшгача йигит ўз жуфтини топавермаса, ота-она у ёқда турсин, қишлоғнинг ёши улуғлари, айникса, қари-қартанглари у дунёси куйиб кетаётгандай типирчилаб қолишади. Қарабисизки, тешикмозорлик қизлар ўттиз бешида буви, эр йигитлари кирқ ёшида бобо бўлиб турибди-да!

Бўлса, нима бўлибди, дейизизми?! Ҳай, мусулмон! Теварак атрофнинг қизлари йигирма бешида, қўча-кўйларда тўлтош ўйнаб, йигитлари ўттизида ҳам катта шаҳарларда “ўра ковлаб” юришади, ахир!

Хуллас, менинг отам ҳам, ўзимиздан ўн беш чақирим наридаги қишлоқда яшовчи Оқчавой аканинг, хисобчилик билим юртини битириб келган қизига унаштиришни ният қилди.

Маълум бўлишича, қизнинг отаси – бўлғуси қайнотам, физикадан дарс берар экан. Ана холос, бу фанни зўргалатдан учга битирганимни, физикани ҳам, ўқитувчинини ҳам кўргани кўзим, отгани ўқим йўқлигини отам билмайди-да! Яхшиямки, домламиз попирис чекарди. “Класком” орқали уч дона сигарет берганга уч баҳо кў-

йиб берарди. Акс ҳолда, мен ўрта мактабни ўн беш йилда ҳам битириб чиколмасдим. Физикадан баҳо ололмай хуноб бўлиб юрган кунларимизда, физикларнинг қизига ҳам уйланмаймиз, деб қўйган жойларимиз бор эди. Отамнинг меҳри эса, айнан, физика ўқитувчисининг қизига товланиб турибди-ку!

Ана энди, тешикмозорлик оталарга хос, фазилатга ҳам, қусурга ҳам йўйса бўлаверадиган, даққи юнусдан қолган бир одатга ҳам қисқача тўхталмасам бўлмас.

Тешикмозорда, отанинг хўкми хўк. Бирон гап оғзидан чиқдими, тамом. Ўша иш албатта амалга ошиши шарт. Отанинг гапини икки қилганни нафакат ота, балки, бутун Тешикмозор кечирмайди. Эҳтимол, бола пакири тушмагур ҳам хақдир, деб суриштириб ўтиришмайди. Кечиришмайди, вассалом!

Шундай бўлса-да, мен отамга, у қизга уйлана олмаслигимни айтишга аҳд қилдим. Мавридини топиб, бу ҳақда онамга ёрилдим. Албагта, оҳимни онам йиғлаб-сиқтаб, айтган гапидан ўлса қайтмайдиган отамга етказди. Бироқ, отамни аҳдидан қайтаришдан кўра очунни ўқидан чиқармок осон эди.

“Ҳа, биз топган қизни ололмас эканми! Ундай бўлса чақирчи”, – дебди отам. Қалтирабгина, олдиларига кирдим.

“Қани ўглим, ўтилингчи бияққа”, – дедилар отам.

Сўзи ерда қолмасин учун, гўё олдиларига силжигандай ўрнимда бир қимирлаб қўйдим.

“Хўш, шунака қилиб, биз топган қизни олмайсиз, шундайми?”

Отамнинг авзойи қаттиқ бузилгани сизлашидан кўриниб турарди. Аммо фикримдан қайтиш мен учун ҳам энди оғир эди. Ҳар қалай, шу тешикмозорлик, бир гаплик, қайсар бир падарнинг боласи эдим-да, мен ҳам! Отамнинг сўзига жавобан бирон гап айтишим лозим эди. Бор кучимни йиғдим. Кувватим саволни тасдиқлашга зўрға етди:

“Шундай...”

“Хечам, гап сиғмайдими?”

Индамадим. Индамаганим отамга каттиқ ботди.

“Ундаи бўладиган бўса...”

Отам одатда, бирон оғир сўз айтиш керак бўлиб қолсагина ҳозиргидай гапидан тўхталиб қоларди. Кўркиб кетдим. Ғишт қолипдан қўчган эди.

Ҳаётимда отамдан эшитган энг оғир, энг даҳшатли сўз янгради:

“Ундаи бўладиган бўса, ана, мол-ҳол, ана, ҳовли-ҳаят... Ана энанг!.. Кўйдим!..”

Отам шу гапларни айтиб, чопонини елкасига ташлади-да, ўрнидан шартта қўзғалди. Нест бўлиб қотиб колган шўрлик онам иккимиз ҳушимиизга келганимизда отам аллақачон дарвозадан ҳатлаган эди.

Отам шу кетганча, икки кун кетди. Сўраб-суринтириб, учинчи кун деганда дарагини топдик...

“Ота, – дедим каловланиб, – мен ғофилни кечиринг! Тавба килдим! Итга уйлан, десангиз, уйланай. Фақат... онам билан...”

Тавbamга таянганимга ўзим ҳам иқрор эдим. Отам, ҳар қалай, юмшади. Елкамдан тоғ ағдарилгандай, онамни отамга қайта никоҳлатиш учун, маҳалла имомининг уйига қараб чопдим.

Бу гапларни мен, у ер, бу ерда тешикмозорнинг оталирига таъриф беришгандарида, жуда “бир отар бўлишади”, деб қолишиша иштибоҳга бориб ўтирмасин учун ҳам айтдим қўйдим-да!

Ана шунаقا. Тешикмозорда ўғил уйлаб, қиз чиқариш ҳам бир дунё гап.

Латифа:

Тешикмозорлик Кўйливой отанинг тўрт ёшли набираси Бегижсон бобосига телефонда деяпти:

– Оппогдада-а, бизни согиндингизми?

– Согиндим, болам! Қачон келасизлар?

– Сиз янаям согиниб турорвинг, кечқурун борамиз.

ҚАЙНОТАМНИНГ УЙИ ҚАЕРДА?

Алалхусус, отам танлаган қызга уйланишга рози бўлдим. Ва, мен ҳам, тешикмозорнинг бир боласи сифатида, азалий удумларимизга амал қилишга, қиз билан чимилидиққа кирмагунча учрашмасликка аҳд қилдим. Аммо бу аҳдимнинг устидан чикишга қанчалик эришман, билмас эдим. Тўй олдидан, заксадан ўтмоқ керак. Заксчи деганлари эса икки ёшни учраштириб, “хоҳладим”латиб, кўл қўйдириб олмагунча, кўнгли ўрнига тушмас экан.

Тешикмозорчасига уйланаман, дединги, дединг. Йигитнинг сўзи битта бўлади. Энди аҳдингда тур, дедим, ўзимга ўзим. Йўлини ҳам топдим: қизнинг юзига қарамайман, вассалом! Савол-паволларига эса “ҳа” деган сўз бор. Шу сўзни айтаман, олам гулистон.

Шундай қилиб, заксадан ҳам иложи борича аҳдимга заха еткизмай, бир амаллаб ўтиб олдим. Гумбура-қасир тўй бошланди. Ҳар ернинг ўз бузилмас таомиллари бор, биласиз. Бироқ никоҳ ўқитиб, келинни олиб келиш учун куёв томоннинг навкар тортиб бориши бутун ер юзида бир хил бўлса керак.

У пайтларда тўй, лоф бўлмаса, нақ хуфтонда бошланаарди. Шом қоронғусида бир автобус улфатлар билан карнай-сурнай, ногорани варанглаттириб, шафёрга:

“Учқўза томонларга ҳайданго-ҳайданг!” – деб, йўлга чиқдик.

Чувама қишлоғидан ўтдик. Пахтаободга ета қапа, чап томонга бурилиб, тўхтадик.

“Келинпошша қишлоғига келдиго-келдик!” – деди куёвнавкарлардан бири.

Шафёр бўлса:

“Куёв айтсин, қаёққа, ҳайдай-о, ҳайдай?” – деб турарди.

Куёв бечоранинг йўли эса бу томонларга биринчи бор тушиши. Тун қоронғусида, карнай-сурнай, ногора чалиб, тўй бўлаётган уйни излаб, адашиб юрганларни

томуша қилишга чиққанлардан йўл сўрардик. Униси у ёққа деди, юрдик, адашдик. Буниси бу ёққа деди, юрдик, адашдик. Учкўзанинг йўллари ҳам лабиринтнинг ўзгинаси экан. Охири, машшоқларнинг ҳам уни ўчди. Масалага эгнига Марғилонча алак чопон, бошига Чуст дўппи кўндирган куёвтўранинг шахсан аралашувини тақозо қиласди. Бу алпозда карнай чалиб юраверсак, тонг оттиришимиз тайин эди. Начора, машинадан тушдим. Қизчасини кўтариб, йўл четидан кетаётган аёлга юзландим:

“Оқчавойканинг куёвини опкелётган эдик. Қайно-тамнинг... э кечирасиз, қайнотасининг уйини тополмай, сарсон бўляпмиз. Айтворолмайсизми, қиз узатилаётган уй қаёқда?”

Жўраларим эса келиннинг юзини ҳам, уйини ҳам кўрмай, оила барпо этаётган жўраси, яъни менинг аҳволимни жўр бўлиб, қўшиқ қилиб қўйлашарди:

Суйган экан бир қизни,
Күёвнавкар бўп келдик.
Қиз уйини излабо-о-й,
Зору, сарсон бўлдиг-о!
Билмайсизми, келинчак,
Яшар қайси кўчада?
Айтақолинг, опажон,
Куда бува уйлари,
қайдаб-қайдада?!

Кўёвнавкарлар Учкўзанинг имомига никоҳ ўқитиб, Тешикмозорга қайтиб келишганида, мачитнинг сўфиси бомдод намозига аzon айтиш учун таҳорат олаётган эди.

Латифа:

Тешикмозорлик Хўйливойниг бироз хасислиги ҳам бор эди. Баъзан сартарошга берадиган пулга ҳам оғриниб, сочини кенжесатойига текислаттирарди. Навбатдаги “попрет” маҳали у ўғлидан сўрабди:

— Сочимнинг неча фоизи оқарибди, ўғлим?

Үгил жавоб берибди:

— Кирқ фоизи.

— Ҳайрият, — дебди ичида Ҳуйливой, ва яна сўрабди, демак, олтмиши фоизи энди оқарар экан-да?

Үгил ҳам тешикмозорлик Ҳуйливойнинг ўғли эмасми, кўрқибгина бўлса-да, ростини айтибди:

— Йўқ, олтмиши фоизи... тўқилиб кетган.

УЙЛАНИШ

Бу ёғини сўрасангиз, Тешикмозорнинг қизлари Тешикмозорнинг ўзидан ортмайди. Йигитлари эса, ўз қизларидан ошириб, бегона қизларга гап отмайди.

Тешикмозорликлар қудалашмоқчи бўлсалар, бир-бирларини қўни-қўшнилардан суриштириб, гапчувалатиб юришни тешикмозорликка номуносиб иш деб ҳисблашади. Боиси, тешикмозорда ёмон хонадоннинг ўзи йўқ. Факат, бир масалада иштибоҳ бўлиши мумкин. Гап тешикмозорга теварак атрофдан келадиган совчилар ҳақида. Бу ҳолатда, иш мушкулроқ. Хатога йўл қўймаслик мақсадида, қиз томон кишлоқ оқсоқоллари иштирокида, андижонча палов дамлаб, куёв бўлмишнинг отаси, амакиси ҳамда тоғаларини меҳмонга чорлайди. Ва, таомилга кўра, ошдан кейин, албатта, икки ўртада асқиянинг бирон пайровида “ташлашиш” бошланади. Куёв томон ҳам бўш келмай, “фирменний тешикмазарский” гапларга яқин гаплардан топиб-топиб гапириб, қиз томоннинг асқия, ҳазил-мутойибаларига муносиб жавоблар қайтариб туришса иш пишди, деяверинг. Борди-ю, харидорлар оғзини очи-иб, лаллайиб ўтиришса, қиз томон гапни қисқа қилиб, салбий жавоб айтиб юборишилари ҳам ҳеч гап эмас. Чунки тешикмозорликлар ҳазил-мутойиба бегона бўлган хонадонга қиз бермайди. Ундай жойга қиз узатиб қўйиб, тешикмозорлик, деган номимизга доғ тушириб олмайлик, деган хавотирда эҳтиёт бўладилар. Агар, томонлар ўртасида бу борада

муаммо чиқмаса, бошқа барча масалалар иккинчи дарражали гапга айланади. Қиз томон, муносиб ҳазилмон оиласалардан совчи келса, айни тенгимиз экан, қизимизни текин берамиз, деб ўzlари хам харакатга тушиб қоладилар.

Тешикмозорда тешикмозордан ташқаридан қиз олишга хам нихоятда инжиқлик билан қаралади. Мабодо, иш шу даражага етиб, ўзга қишилоқлик қизнинг Тешикмозорга келин бўлиб тушиши аниқ бўлиб қолса, талаб қилинадиган сифатларнинг айримларини айтай. Келин бўлмиш, тешикмозорлик қиз жувонлар сингари, йўқни йўндириб, дала, томорқа ишлари, отхона, молхона юмушларини дўндириб, рўзғорнинг унча-мунча бор-йўғига ўзини кўндириб, қозони бир ҳафта, яrim ҳафта ўчоқка чиқолмай қолса нолимай, турмуш уринишларини очик юз, хуш кайфият билан ичига ютиб, кўча ҳандон, уй зиндан эркакларининг чизган чизигидан чиқмайди, камида ўнта ўғил, беш қиз...ни туғиб... қаҳрамон она, деган орденларни оли-иб...

Э, нималар деяпман ўзи, а?! Бу гаплар, алжирашга хам арзимайдику-я!..

Аслида, тешикмозорлик йигит-қизлар ана шу “фазилатлар” и билан хам тешикмозорнинг ўзидан ошмайдилар, биз сизга айтсак.

Ҳай, майли. Келинг, бу нозик масала. Мен бу борада бошқа ҳеч нарса демай. Сиз хам ёз, деб қисталанг қилманг. Чунки кўрдингиз, нимагадир, гапларимнинг бири боғдан келса, бири тоққа қараб кетяпти...

Латифа:

Тешикмозорлик Хўйливой пилорамада ишилаб, ўнг оёгини аррага олдирворган ўнг ён қўшинисининг тугилган кунида совгага боши қотиб чап ён қўшинисига маслаҳат солибди:

— Нима нарса совга қилсанки, ўзимга ҳам фойдаси тегса?..

— Калиш сотиб олинг. Бир пойи ўзингизда колади, — дебди чап ён күшни.

БУРХОН ДУО

Тешикмозорликларнинг теварак-атрофдаги қишлоқтардан ажралиб турадиган фазилатлари ҳам бирдалай. Масалан, дейлик, дуо бобида. Булбулнинг кўзидайгина шу қишлоқдан донғи довонлар ошган хўпам машхур дуогўй инсонлар чиққанини кўпчилик билмайди. У ёғини сўрасангиз, дуогўйлик бизга Одам Атодан мерос, деб керилишади тешикмозорликларнинг ўzlари. Бир ҳисобда, уларнинг бу керилишига асос ҳам йўқ эмас. Чунки, чор атрофда бўладиган издиҳомларнинг барида дуони азалдан мана шу тешикмозорликлар амалга оширади. Бу ишни улардан ўткизиб маром-мақомига етказадиган валламат ҳали-вери биронта қишлоқда туғилганича йўқ. Туғилмаса ҳам керак. Негаки, койилмаком дуо қилиш фақат тешикмозорликларгагина дуо кетган-да!

Айтишларича, қадим замонларда шу атрофда Бурхон саркор деган нихоятда нотик, сўзга чечан одам ўтган экан. Дуога кўл очганида ҳатто энг инжиқ подшолар ҳам тиниб қолган, дейишади.

Тарихни титкиласангиз, Соҳибқирон Амир Темур мўғилларни айни мана шу — Тешикмозордаги беомон жангларда тор-мор келтириб, чиққан жойиг... э, кечи расиз, қийратиб кириб юборган, деган маълумотлар бор. Ўша буюк ғалабага аталган тантаналарда Соҳибқирон ҳазратларини шахсан Бурхон саркор дуо қилган ва Бурхон дуо, унвонини айнан ўша куни олган, деган гаплар юради. Бу гап қанчалик рост ёки ёлғонлигини билмадигу, ҳар қалай, Қўқон хонлиги даврида ўтказилган барча “Дуо мусобақалари”да тешикмозорликлар “ғолиблини қўлга киритиб, шоҳсупанинг юқори поғоналарини ишғол этиб” келганликлари тиллардан тилларга ўтади. Бу гапда жон борлигини шундан ҳам билса бўладики,

Кўқон хони саройининг бош дуохони ҳам, унинг атрофидаги ўттиз тўқиз дуогўйларнинг ўн беш, йигирма нафари доим бизнинг тешикмозорликлардан тайин этилган, деб гапиришади.

Яна ўрни келиб қолди, шу жойда муҳим бир гапни қистириб ўттай, Шўро даврида тешикмозорлик дуохонларга ҳам қирғин келди. Уларнинг гапга чечанлигидан ташқари бир озгина лақма ва гўллиги ҳам бор. Московдаги Кремлга бориб ўрис пошшоларини дуо қилишга бўйинлари ёр беравермаган. Ҳатто “йилтир мўйлов” Сталинни ҳам дуо қилишмаган. Бунинг оқибатлари ёмон бўлгани бугун жуда сезиляпти. Ҳакиқий дуогўйлар қирилиб битган экан ўшандада. Фазилат ҳам суяқ суради. Тешикмозорда дуогўйлик, салгина ўмбил-дўмбидрок тусда бўлса-да, ҳар қалай, қайтадан жонланяпти. Ўмбил-дўм бил, дейишимизнинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Мана яқинда, ўша, Собиржон уруғ сўраб борганида беш-олтита кизини галалатиб етаклаб чиққан Камолбой тўққизинчи супра қоқдисини куёвга узатар маҳал бир четдаги чорпояда ҳар бири тақимига биттадан “оқ бола”ни босиб олиб пиёлабаданг қилишга ётган оқсоқоллардан узатилаётган қизига дуо беришларини сўрайди. Ҳаёли “оқ бола”ларда бўлган, ҳар бири ўз лақабидан келиб чиқиб дуога кўл очган Ўсмон.gov, Аширмат кўрқоқ, Адаш бўқоқларнинг “пурмаъно” дуоларини сизга алжираб ўтирамаймиз, ҳозир.

Тан олиб кўя қолай, дуогўйларимизнинг дуолари бироз заҳа еган кунларни бошидан кечиряпти. Раҳматли Бурхон дуо ва бошқа таърифи кетган чечанларнинг рухларини чирқиратиб ўтирамайлик. Шунга розимисиз? Ҳай, отангизга раҳмат! Худо хоҳласа, қатиқ кетса юки қолар, деган гап бор. Тешикмозорликларнинг дуоларига яна сон битган кунларида, таърифини келтириб таърифлашга ваъда бериб, сўзимизни шу ерда муҳтасар қиласиз.

ОНА МЕХРИБОНМИ, ЁКИ ОТА?

Биласиз, бу савол азалдан Ғарб олимларининг бошини обдон қотириб келаётган саволлардан. Элшунослар ана шу саволга узил-кесил жавоб топиш учун дунёнинг бир нечта мамлакатида кўп йиллардан буён илмий изланишлар олиб боришади. Ана шу илмий ишлар таҳлили ва хulosаларини чоғиширув марказларидан бири сифатида Тешикмозор қишлоғи танланганидан сизни хабардор қилиб кўйиш ҳам бизнинг бурчимиз. Чунки, саводи йўқ одамга ҳам маълумки, бундай мухим, халқаро илмий изланишлар олиб борувчи олимлар унча-мунча жойни алим сунмайдилар.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан буён бот-бот, қаншарида кора кўзойнак, бошида шалвираган шляпа, калта иштон, елкаси ярим очик кўйлак кийган, тешикмозорча лаҳжани жудаям расво қилиб гапирадиган, қизлигини ҳам, эр кўрган-кўрмаганлигини ҳам билиб бўлмайдиган, инглизми-ей, парангми-ей “хоним”лар келиб, одамлар билан сұхбатлар ўtkазиб туришади. Улар кўпроқ, ёш болалар билан тиллашадилар.

Бир гал, Худойназар буванинг кенжаси Мадрайимжоннинг оғзидан эшитганларини ёзиб кетишгач, ҳамма ёқни комиссия босиб, дунё остин-устун бўлиб кетган эди. Ўшанда, гапимни икки қиладиган бўлиб қолдингми, деб, ўғлининг қулоғини чўзиб қўйган Худойназар бува жаҳон ҳамжамиятига энди, болаларимнинг отини тоқ айтсан ҳам хотиним талоқ бўлсин, деб тилхат ёзиб бериб, аранг қутулган эди. Иккинчи можаро: қўчага отланди, дегунча, ортидан эргашиб безор қиладиган етти ёшли ўғлини толнинг гаврани билан савалаб, эт-бетини сал-пал қўкартириб қўйган Тиркашали билан боғлик.

Шалвираган шляпали хонимлар бу болани ҳам топиб, жазо тафсилотини сўрабди. Боламисан, деб у ҳам қачо-онги бир воқеани йиғламсираб туриб айтиб бериб-

ди. Ана сизга, жаҳоншумул шов-шув. Ана сизга, мояро. Бу ҳақда ёзмаган Гарб матбуоти қолмади. Нима эмиш, Тешикмозорда “пиёдализм”ча жазо усуллари ҳамон ҳукм сурәттган эмиши.

Гарбнинг сариқ матбуоти тешикмозорлик аёллар боаларга эркакларга қараганда меҳрибонроқ, деган хуло-сада қатъий эди. Бироқ, Эжахон аянинг ўғли Шавқиналининг тилидан чиқиб кетган бир нобоп гап бу хуносани ҳам чиппакка чиқарди.

Гарб мухбирлариям кейинги пайтларда, ошириб-тошириб гапириш бўйича, тешикмозорлик лофчилардан ҳам ошиб тушяпти. “ТРАНС ХРЕН” агентлигининг кечагина тарқатган ахборотига кўра, Эжахон ая етти ёшли ўғли Шавқиналининг юмшоқ жойидан бир бураб қўйиб юборган экан, буралган жойи жойига келгунича бола ўзини Куйганёр(олти км)да кўрибди.

Болага ота меҳрибонми ёки она, деган масалада бўладиган бир гапни айтами? Бу борада Гарб хонимчалири Тешикмозорда минг йил ўралашсин, бирон жўяли гап топиб кетишлари душвор. Чунки, тешикмозорликлар ҳам анои эмас. Билишади, ўз сирларини қаерда, қачон, қандай яширишни. Шалвираган шляпали олималар топиб, жаҳонга овоза қилаётган баъзи “информация”лар эса қайнаб турган қозон юзидаги кўпикдан айрим пуфакчалар, холос.

Мана, биз ўзимиз. Саккиз фарзандни катта қиляпмиз. Худо хоҳласа, аёлим билан, ниятларимиз катта. У “Қаҳрамон она”, ўзим “Қаҳрамон ота” бўлгунча “жанг” қилиш ниятидамиз. Агар, ҳеч кимга гуллаб қўймасангиз, ўз бошимдан ўтган, болага ким меҳрибонроқ эканлиги ҳақида аниқ тасаввур берадиган бир воқеани ҳикоя қилиб бераман. Келишдик, а? Кулоқ солинг. Бир куни дессангиз, кечки таомдан кейин, янгангиз билан, Тешикмозор таъбири билан айтганда, бир этак боланинг ўртасида яйраб, валақлашиб, ўтирган эдик. Бирдан, ер қимирилаб қолса бўладими? Уйнинг шифти, гарсиllibab

бориб келяпти, денг. Бунака пайтда на хотин, на бола-чақа құзга құринаркан. Жон ҳалпида үзимни эшикка урдим. Ортимдан катта ўғлим, ундан кейин йўлга юрадиган барчаси ҳовлиниңг ўргасига – бехавотиррок жойга қочиб чиқишиди. Зилзила босилишини кутдик...

Үйнинг ичида ким колди, дейсизми? Ҳа, яшанг! Биғиллаган учта бола – йўлига эндиғина юра бошлага-ни, эмаклаётгани ва бешикка белангани. Албатта, икки бола ва бешикдаги чақалоғига баравар тармашиб, “вой болам”лаб, ўрнидан даст туриб кетолмай, ўдаланаётган, келин аянгиз...

Болага ким меҳрибонроқ?

Ҳали эр қилиб, ҳеч йўқ бешта болани бели оғриб туғиб қўрмаган анови хонимчалар қаёқдан ҳам билсин, ким меҳрибонлигини. Ахир, ота-буваларимиз айтиб кўйибди-ку: она меҳрибон, она меҳрибон, она меҳрибон, деб.

Ва, яна... ер қимирамаган пайтларда... ота ҳам меҳрибон!

Латифа:

Солиқ нозири ҳисоботдан қочиб юрган бир тешикмозорликнинг дарвозасини тақиллатибди. Ичкаридан аёл кишининг “Киму?”, деган овози эшишилибди.

– Солиқ идорасидан Болтавойман!

– Э... “Миёв”. Йўқ, “Вов! Вов!”. Эгамиз уйда йўқ, “Вов!”. Кечроқ келинг, “Вов!”.

Солиқчи катта аспол йўлга етгунча, уй ичидан вов, вов, деган, охирида, у-у-ув, деган овоз эшишилиб турди, дейшишади.

“ЗОВУР БЎЙИ” ЧОЙХОНАСИ

Хабарингиз борми-йўқми, Тешикмозорда дунёда ягона, бировга айтмангу, биронта ҳам идоранинг рўйхатидан ўтмаган, норасмий “Кулгу маркази” фаолият юритади. Унинг ташкил этилганига ҳам эллик йилдан ошди-ёв!

Манзили қишлоққа кираверишда, чап қўлда, Шўро даврида ҳашар йўли билан тикланган бино. Жамоатчилик асосида иш юритадиган бу масканнинг номи “Зовур бўйи” чойхонаси, деб аталади. Жамоатчилик асосида, дейишишимизнинг боиси, бу масканнинг қатъий маош белгилаб кўйилган ошпази ҳам, шифокори ҳам йўқ. Бу вазифани, асосан, шу ернинг ажойиб кулгисевар ахоли-си беминнат адо этишади. Йўқ, улар сиздан хизмат ҳаки талаб қилмайди. Фақат, кўнглингизга чўккан ғам-андуҳ ва айрим дардлар бўлса, кўй ёғи, кўй гўшти, девзира гу-руч масаллигини қилиб, беш-олтита диляқин улфатлар билан Пойтуғ, Тўрткўл, Жонобод, Лўжумбек, Куйганёр, Урганжи, Чувама томонларга мангиб кетмай, “Зовур бўйи” чорпояларидан бирини эгаллаб, паловхонтўра нияти билан, қозонлардан бирининг тагига ўт ёқиб юборсангиз бас. Кўшни ўчоқларда куймаланаётганлар-нинг биронтаси сизни албатта гапга тутиб, ўз мухитла-рига чорлайди. Ишонтириб айтаманки, ўзингиз ҳам, кўп куттирмай, уларнинг ҳангомаларига аралашиб кетасиз.

Сопол чархтовоқларга солинган лоларанг паловхонтўранинг ёғини чиганоқдан оқизи-иб тановул қилганингиздан кейин, ўзингизда пайдо бўлган бир довудий кувват ҳароратида кўшни чорпояларда ўтирганларга қараб, қарсиллатиб асқиялар айтиб ташлаёт-ганингизни сезмай қоласиз. Ўн кун осма укол тагида ётиб бўшашибмаган асабларингиз Тешикмозорнинг кулги марказида икки-уч соатдаёқ ипакдай мулоим торгади, қолади. Руҳий ҳолатингизга келсак, бир ой макка еган хўроздай кеккайиб, кариллаб юрмасангиз, ўша кунги ошнинг ҳаражати “Зовур бўйи” чойхонасига тан.

Латифа:

*Тешикмозорлик Хуйливойнинг катта ўғли катта кў-
чада чопиб кетаётган экан, қаршиисидан Отам хоббони
чиқиб қолибди.*

- *Ҳа, йигит? Шошиб қаяқча?..*
- *Отам билан онам жсанжсаллашятувди. Ҳар эхти-
молга қарши, Сўфи буваникига...*

— Отанг билан онанг уришаётган бўлса, маҳалла раси Дадаш дупирга бор. Сўнида нима бор?

— Дадаши бува ярашириади, холос. Сўфи бува ҳам ярашириади, ҳам никоҳ қиласди, — дермиши.

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари. Тешикмозорга келиб автобусдан тушилса, кўча бошидаги “Аралаш моллар” магазини қаршисидаги чойхона чинорлари соясида, камида, ўн беш-йигирма чоғли, кўр тўкиб, чойлашиб ўтирган оппок соколли нуроний чолларга кўз тушарди. Нурдин максим бува, Мамаш бува, Имомали бува, Раҳмонберди бува, Жалил бува, Райимберди бува, Қозокбой бува, Тиллабой бува, Бойкўзи бува, Мадамин бува, Дехконбой бува, Абдужалил бува, Раҳмонберди бува, Турғунбой бува, Нурдин хожи бува, Абдуллажон бува, ...

Э-э, бувалар, бир эшалон эди десам, Асакамиз кетмайди.

Улар қишлоғимизнинг тирик чинорлари, тирик дарвозалари эдилар.



Ким келиб, ким кетяпти, хисобда, эътиборда эди.

Чойхона айвони тўсинига илингандар қатор тўрковаркларда, такиллатиб сайраб турган беданалар. Улар мана шу ерда ўтирган инсонларга тегишли. Бирориники иккита, бирориники учта. Албатта, ҳар ким, энг тобга келган, кечани кеча, кундузни кундуз демайдиган сайратмаларини олиб чиккан. Бир тўрксовок “пит-пилик”деса бас, ҳаммаси басма-басига бошлайди. Бироқ ҳар бир бедананинг сайраши ҳар хил мақомда. Тўғри, уларнинг овози бир хил. Нима деб сайраётганини ташкаридан келган одам дабдурустдан тушунворолмайди. Лекин, қайси бедана нима деб, кимнинг лақаби, кўриниши ёки юриш-туришига ишора қилиб сайраётганини эгалари таржима қилиб туришади. Масалан, бир бедана “Ит балиқ! Ит балиқ!”, деб хониш қиласа, бошқаси “Ит ялак! Ит ялак!”, деб сайрайди. Демак, чорпоялардан бирида “ит”, унинг ёнидагисида эса “балиқ” лақабли одам ўтирибди.

Қозоқбой буванинг беданаси давкарроқ. Бу ердаги чолларнинг лақабини бутун Тешикмозорга овоза қилаётган, андишасиз беданаларга танбех бериб туради: “Қисталоқ! Қисталоқ!”деб.

Қарабизски, асқия бошланди-да! Пайров – “бедана”.

“Нодирмат ака, – дейди Расулмат оқсоқол, – бугун беданаларингизнинг машқи пастроқми. Кечаси қоронгиди билмай, қитифи борроқ ерига тегиб-нетиб қўйганмисиз, ё дон-понидан хасислик қилганмисиз: сиздан сал ўпкаланишяпти: “Шилтароқ! Шилтароқ” деб.”

“Расулматжон, оввало, сизга раҳмат, беданаларимизнинг сайрашини табиатингиздан кеп чиқиб баҳолаганингиз учун, – дейди, Нодирмат ота ҳам бўш келмай. – Беданаларимизнинг хонишларини яхши уқмапсиз. Аслида, улар, сизнинг бўй-бастингизга ишора қилишябди: “Калтароқ! Калтароқ!”, деб.”

Пайровга Шодмонқул оқсоқол кўшилади.

“Нодирмат ака, Расул кори аканинг гапларидан хафа

бұманг. У киши қүшларнинг тилини яхши тушунмайды. Аслида, бу срдаги беданаларнинг ҳаммаси

“Ганивойни янишяпти, “Дўлтароқ! Дўлтароқ!”, деб.”

“Беданаларнинг тилини ҳеч бирор ингиз билмас экансиз. – дейди Ҳаким оқсоқол. – Яхшилаб қулоқ со-лайлиг-а, улар Ҳамид оқсоқолнинг қоқсуяклигига ишора қилишяпти, “Қилтириқ! Қилтириқ!”, деб.”

Нос тұла лунжини ковуш-ковуш қилиб, ғапни тоб-лаб, асқияга Исог бұқон құшилади:

“Бетта ўтиргалларди бирортасиям, беданаларди тилини менчалик билмейди. Оламайдондағи бедано-яға қоровуллик қиганимда, уларды тилини сув қилиб, ичворғамман. Үзими беданаларимминан, сайрашиб га-плашаман. Кеча, құшнимиз Ҳабиулло ҳожининг беда-насидан “Ви-виқ?! Ви-виқ?!” деб, ҳол сұрасам, бечо-ралар, эгасидан ранжиб, ошнаңғыз бизни сайратишини сирайм үйламсай қўйған. Тенгқурларимизминан, айни сайрашиб юрадаған пайтларимизда тўрқовоғиға қомаб, ойвониға освоған. Үмримиз увол кетяпти. Кесаси-ю кундузи, қароргоҳимиз шу – “Тўрқовоқ! Тўрқовок!” – дейди.

Исөғ оқсоқол тўғри айтяпти, – дея асқияга аралашади Узок оқсоқол (лақаби “Карнай”) – Кеса мснинг беданаларим ҳам Ҳожи аканинг беданалари минаң роса сай-рашди. Қулоқ солсам, бизни келардан сұрашяпти:

“Қалай, хўжайнинглар қўноқ, тариф-париғдан қисмаяптими, ишқилиб?”

У ёқдан, беданаларингиздан бири хавотирли оҳангда, “Астароқ! Астароқ” деб овоз берди ва кетидан сизнинг дон сепаётганда қўлларингиз қай аҳволга тушишини на-зарда тутди шекилли, қўшиб қўйди: “Қалтироқ! Қалтироқ!” – деб.

“Тўғри айтасиз. Беданаларимиз роса ҳасратлапшиши-ди. Мен ҳам сезнинг дам бериб турғанингизни сезиб турдим, – дея қўшнисининг ғапини тасдиклади Ҳаби-булло ҳожи. – Бизнинг беданаларимизни яхши тушун-

мабсиз. Улар “Қалтироқ!”, “Қалтироқ!” демади. Улар, сизнинг гапиришингизга таассуб килиши: “Хирқироқ! Хирқироқ！”, деб. Эшитдингизми-йўқми, ора-сирада биттаси “Ви-виқ! Ви-виқ!” деб турди.”

“Эшитдим.”

“Ҳа, баракалла. Бу нима дегани, биласизми?”

“Беданангизнинг тилини ўзингиз яхшироқ биласиз. Айтоворрасиз!”

“Айтоворрайликми?”

“Айтоворрасиз!”

“Ҳафа бўлиш йўғ-а?

“Йўқ”!

“Ўша беданамиз ҳам аслида “ви-виқ, ви-виқ” лагани йўқ. Улар бошингизга ишора қилишяпти: “Қоқ қовоқ! Қоқ қовоқ!” деб...

Чойхонадаги пайровларнинг ҳаммасига бир китоб камлик қилас.

Бугун, эса!..

“Зовур бўйи” чойхонасини обод қилиб ўтирувчи тешикмозорлик ўша аскияси бутун, оқ яктақ, оқ иштоң, серсоқол асил чоллар бугун негадир кўринишмайди. Уларнинг ўрнини ўзимизга ўхшаган сурнай шалвар, котирма ёқа, майда сухан, сийрак соколлар эгаллаб олишган. Аскияларининг пайрови ҳам ўзларига ўхшаган замонавийроқ – дарров, липпадан олишади.

ТЕШИКМОЗОРЛИК ҲАБИШВОЙ ТОШКЕНТДА

Иккинчи қисм

ЭШИТГАНМИСИЗ, ЙЎҚМИ...

Тешикмозорда туғилиб ўзга юртларни гуллатиб юрган жаҳонгашта тешикмозорликлар бугун дунёнинг кайси бурчагида йўқ, дейсиз? Улар ҳаёти билан алоқадор саргузаштлар ҳам, қайсиdir маънода, Тешикмозор кишлоғи билан боғлиқ бўлиб чиқади-да. Шундай эмасми?

Эшитганмисиз йўқми, бир пайтлар Водийда қизиқ бир гап тарқалган эди. Эмишки, сайёralар ичидаги олтиариқликлар бодринг сотмаган, олмосликлар қиз узатмаган, тешикмозорликнинг асқияси етмаган битта жой бор. Бу – Миррих экан.

Ҳар қандай ҳазилнинг тагида озми-кўпми ҳакиқати бўлади. Йўқса, унча-мунча гап гап бўлиб элнинг оғзига тушармиди. Ана шундай, эсласа арзигулик ҳангомалар тешикмозордан ташкарида ҳам тиқилиб ётибди. Улардан айримларини ушбу рисолага киритсак, ўкувчининг тешикмозорликлар ҳақидаги тасаввурлари янада ба-дастирроқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Кимдан бошласак экан? Келинг, Тешикмозорда туғилиб, пойтахтда ўқиб, узоқ йиллар турли газета-журналларда ишлаб, айни пайтда нафақаҳўрлик қилаётган кекса журналист Ҳабибулло Мирғозиев (Ҳабиб Мирғоз) нинг хотираларини ўз тилидан эшита қолайлик.

Сўз Ҳабиб Мирғозга... Йўқ, яна бир оз сабр экан... Яшириб нима қилдик, нафақага чиққан эски журналистларнинг кўпи замонга мослашолмай, “занглаб” (бугунги кун талаби даражасида фикрлаёлмайдиган), олди-қочди,

шилдир гап-сўзлар, ҳатто, тайёр “пресс-релиз”лардан хабар ҳам ясай олмайдиган, кирчанғи қаламкашга айланиб қолгани ҳам бор гап. Ана шунинг учун ҳам, улар бирон ерда ишлаган тақдирда ҳам, нафақасининг ярми берилсаям шукр қилин. Яримта гап, чала хабар, кўнков макола қилолмаса, марҳамат қилиб... бошши қотириш масин.

Тўғри, бу гаплар виждонини ютган айрим пўконидан ел ўтмаган газетчи корчалонларнинг фикри, холос. Шундай бўлса-да, Ҳабиб Мирғоз олтмиш ёшдан кейин нафақага чиқди-ю, иш-пиш деб бош мухаррирларнинг бошини қотириб юрмади. Жа, ёзгиси келиб қолса (илҳоми келиб, деган сўзни ишлатмадик. Олтмишдан кейин қанака илҳом. Илҳом билан ёзган одамни газета, журналлар ишлатган бўларди-да. Унақалар ишлашяпти, иссик жойларида) енгилгина кулги уйғотадиган (қаттиқ кулгу демаяпмиз. Қаттиқ, десак сатира бўп қолади-я) латифанамо нарсалар коралаши-иб, сариқ-сурук матбуотларда онда-сонда кўринишиб ҳам туришади. Ҳангомализнинг ушбу – иккинчи қисмида энди Ҳабиб Мирғознинг ўша, илҳоми кеп кетиб ёзиб қўйган латифаларидан айримларини жойлаштиришга қарор қилдик. Ахир, у ҳам ёзганлари билан бирон ерда кўриниб, хуморидан чиқиши керак-ку!

Шундай қилиб, ана энди сўз Ҳабиб Мирғозга.

БАБАЖИШ МУХБИР

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Шўролар империясининг жон таслим қилиш талвасаси бошланган. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбida бир ғайри-ихтиёрий, виждоний унсурлар уйғониб кетган. Фуқаролар бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўзи ўзининг гирибонидан олиб, ўзини ўзи ҳам танқид қилиб ташлаётган кунлар. Матбуот ниҳоятда доно. Бизга ўхшаган мухбирчалар истаган соҳага кириб боради. Исталган шахсига ақл ўрга-

тади. Йүл-йұриклар күрсатиб, қайта тарбиялаб “тұғри йүл”га солиб юборади.

Тұғри йүлни, ҳадеганда, тополмаган раҳбар шахсларининг эса ковуши тұғриланиши...га усталик билан йүл қўйилмай, “ўз хатосини факат ўзи тузатиши”га кенг имкониятлар яратылған. Бутун ер юзини титратиб турған улкан Шўро империяси бир тожихол раҳбарнинг қанақадир тайинсиз, даллидовдир деймизми, сохта буровли деймизми, тутуриқсиз сиёсатига үралашиб қолган олашовур кунлар.

Камина ҳам яқиндагина мухбир бўлиб ишга келганим, “Шўро гулистони” номли отахон газета мақом мартабасига мос, ҳадди аълосига етказиб ишлашга астойдил тиришиб турған йилларим. Тахририятимизга юқори идораларнинг республика телевидениеси билан ҳамкорликда жамоатчилик чорвасининг вилоятлардаги аҳволини ўрганиб, ёритиб бориш топшириғи келди. Лойиҳага кўра телевидениедан уч киши, газетадан камина, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти чорва фермаларида уч кун жавлон уриб, шарт-шароитларни обдон ўрганиб, бир дунё хотиралар билан (учта қўйининг бошини еб) пойтахтга қайтдик. Камина, ўз таассуртларимни оқизмай-томизмай, индинига ёқ (мехмондорчилик, дастурхонлар мазмун-моҳиятига тил теккизмаган ҳолда) газетхонларга етказдим. Телекамераларга муҳрланган видеотасвирлар эса газетада мақола чиққан куни тушликка яқин белгиланган қирқ беш минутлик тұғридан-тұғри дастурда бутун мамлакатга намойиш этиладиган бўлди.

Салкам бир соатлик бу кўрсатувнинг тайёргарлик жараёни бошланди.

Уч сотихча келадиган ҳайҳотдек студияни машхур сухандон Үлмас Собиров ва ҳали ишхонасининг ўзи ҳам тузукроқ таниб ултурмаган ёшгина журналист – яъни, камина – эгаллаб ўтирибмиз. Ҳабишвой, дейман ичимда ўзимга ўзим, бугундан эътиборан сени бутун ре-

спублика таниб олади. Мамлакатнинг энг зўр “диктори” кўрсатув лавҳалари орасида саволлар билан сенга мурожаат киласди. Сен эса бунга жавобан, тасвирдаги кадрларга дадил-дадил, бурро-бурро шарҳлар берасан. Фикрларинг телевидениеда ўттиз йилдан буён ўралашиб юрган анави, қирриқ-қирчанғи мухаррирнинг бош-кети йўқ саволларида чуваланиб ётмайди. Соҳа манфаатларидан келиб чиқиб, қисқа, лўнда хулосалар ясайсан...

Эфир вактига ўн беш дақиқача қолганда, ўша кунги кўрсатув учун нохуш бир воқеа содир бўлди. Тай-ёргарлик жараёнини кабинетларидаги мониторлардан кузатиб ўтирган ТВ коттаконлари ўз ходимининг сафар чоғида чорвадорларга микрофон тутиб берган саволларини яроксиз деб, қирқиб ташлашга қарор килишган. Камина сўқкан жумлалар эса яроқлироқ деб топилган.

Ўлмас Собировнинг салмоқлаб, хатто, ҳарфларга ҳам маъно-мазмун юклаётгандай, ўзига хос, улуғвор оҳангда гапиришлари ТВнинг айрим раҳбарларига ёқ-майроқ юраркан. Хуллас, ўша куни “котгалар” кўрсатув бошловчиси Ўлмас Собировдан ҳам воз кечишга, унинг вазифасини ҳам камина зиммасига юлашга қарор қилишиби. Бу хабардан дили ранжиган машхур сухандон ўрнидан шарт туриб студияни тарк этди.

Ўлмас аканинг ортидан кўчагача чиқдим: ялиндим, ёлвордим. У ортига қайтмади. Бир кундаёқ бутун республикага машхур бўлиб олишга орзишиб турган бир мухбирчанинг ўша лаҳзалардаги аҳволини бир тасаввур қилсангиз эди.

Кўйингки, бу иш менинг қўлимдан келмайди. Кўрсатув “провал” бўлиб қолади, деб қилган таваллоларим ҳеч кимнинг қулоғига кирмади.

“Котталарнинг гапини икки қилмайдиган”, сафар чоғида “брак” саволлар бериб ҳамманинг миясини су-юлтириб хайфсан олган айрим “телевизиончи дўстлар” имизга бу жон сақлаб қолиш учун айни қулай имконият, қолаверса, умрида бирон марта кўрсатув олиб

бормаган бабажиш “газетчик”ни телскамера билан як-кама-якка қолдириш орқали бурнига сув киритиш, ТВ раҳбариятининг эса ўша куни катта хатога йўл қўйганлигини исботлашлари учун ҳам айни фурсат эди. Айни имкониятдан улар, ўшанда, юз эмас, икки юз фойдаланишди-ки, бу ҳақда қутироқда тўхталармиз...

Ҳабиб Мирғоздан:

Руҳий қасалликлар шифохонасига тушиб қолгап тешикмозорлик бир жинни бош шифокор ўринбосари Дўлта Кабировнадан сўраётганимиши:

- Духтир, биз сизга ким бўламиз?
- Сизларми?.. Ҳаммангиз менинг болаларим бўласизлар.
- Унда, отамиз ким?
- Энг катта духтир, Болта Тешаевич ҳаммангизнинг отангиз бўлади.
- Унда нега анати Дияс жинни “Сталин отамиз, Ленин бобомиз” деб ашула айтиб юрибди?
- Ҳа, Диасми? Парво қилманлар. Униям, аслида, ўзим түкқанман.
- Демак, ҳамма жинниларнинг онаси сиз бўласиз. Отамиз Болта Тешаевич, шунақами?
- Шунақа!
- Унда, ҳаммамиз “Болта отамиз, Дўлта онамиз”, деб қўшиқ айтишимиз керак экан-да.

БЎМ-БЎШ... МИЯ

Шундай қилиб, мамлакат телевидениеси тарихидаги энг кулгили деймизми, энг bemаза якун топган деймизми, ўша кўрсатув бошланди. Эфир давомида Ўлмас Собиров менга бериши керак бўлган саволлар ўнг қўлимда, уларга берадиган жавобларим эса чап қўлимда. Вазиятдан келиб чиқадиган бўлсанк, саволни ўзим ўқиб, ўзим жавоб беришим керак. Шундай бўлиб чиқади-да! Нима қиласиз, деган хавотирда иккинчи қаватдаги ой-

наравон ичида ўтирган режиссёрға ишора киламан. У билмайман, дегандай, лаб буриб елка қисади. Ишоратидан билдимки, билганимча ҳаракат қилишим мүмкін. Күрсатув бошланадиган пайт бўлди. “Микрофон” деб ёзилган табло ёнди. Демак телетомошибин менинг нимадир дейишимни кутяпти. У пайтларда ҳамма кўрсатувлар “Ассалому алайкум”дан бошланарди. Ҳозирги сухандонлар бу каломни кўрсатув яримлагандага ёки қачон ёдига тушиб қолса айтади. Айрим каналларнинг кун бўйи узатиладиган дастурларида эса на салом, на хайр бор. Бошловчилари бу жумлани тузукроқ талаффуз қилишомаса керак-да!

Ишонч билан айта оламанки, ўша куни кўрсатувни “ассалому алайкум” билан бошладим. Аммо, хайрни қачон айтдим, умуман айтдимми йўқми, эслай олмайман. Айта оладиган бир гапим шуки, саломлашишдан кейинок бу хум бошда бирон фикр қолмади. Гўё у ердаги умрим бўйи ийққаним-терганим фикрлар туйқус ўчиб кетгандай. Ақлим косасига бундок мўраласа-ам!.. Ҳеч вақо йўқ! Беш дақиқа олдин қаторлашиб турган чиройли, мазмунан товусдай товланиб ётган сўзларим қаёқка ғойиб бўлди, билмайман. Хуллас, миямнинг ичи, “нол”. Бўшлиқ! Шунақа бўшлиқ-ки, гўё Саҳрои Кабир. Йўқ, ундан ҳам баттар.

Кўрсатувни томоша қилган таниш-билишларимизнинг айтишича, салом-алиқдан кейин мавзуга доир нималарнидир айта туриб, ғўлдираб қолибман. Бу орада, экран икки бор ўчиб ёнибди... ва, кимнингдир:

“Ҳабиб Мирғоз, ўзингизни қўлга олинг! Сиз айтидиган гап сценарийнинг бешинчи бетида!” – деган овоз кетибди.

Олдимдаги қофозларни титкилаётганимда эса экран яна бир бор ўчиб, ёнибди... ва менинг “Бу ишни эплай олмайман, деб айтдим-ку, сизларга!” деб, ойнаравон томон зарда билан қўл сермаганим ҳамда томошибинларга барайиб қолганим билан... кўрсатув тугабди.

Бор гап шу!

Ха, дарвоке! Кечирасиз! Гап охирига етмаган экан. Кўрсатув ўн биру ўттизда бошланган бўлса, ўн минут ўтмаёқ мен телемарказнинг ҳовлисида турардим. Ка-ловланиб ташқарига ўзим чикиб кетдимми ёки чикариб ташлашдими, буни ҳам айтольмайман.

Ҳабиб Мирғоздан:

Тешикмозорлик ўша жинни тунги навбатчи врачнинг хонасига келиб хархаша килаётганимиш:

- Духти-ир, духтири...
- Нима дийсан?
- Онамиз Дўлта Кабировнани чакириб бери-инг.
- Кабировнада нима ишинг бор?
- Уйқум келмаянти.
- Дўлта опанинг уйқингга нима даҳли бор. Бор, ёт!
- Ётди-им, ухломаяппан. Онам алла айтиб турса, кўкрагига бошимни кўйиб, бирпасда ухлаб қоламан.
- Бўлди, бас, суюлма. Йўқол, кўзимдан!..
- Йўқолмайман. Дўлта Кабировна алла айтмагунча, ухламайман. Нима, Фаёз жинни ўз боласи-ю, мен ўгайманми? Уни ҳар куни бағрига боси-иб, алла айтиб ухлатади.

КЎРДИҚ, КЎРДИҚ, Ч...Ч...П КЎЙДИНГИЗ!

ТВ воқеасининг кулминацион нуқтаси, эртасига содир бўлди. Кеча, энг зарур пайтда, “0” бўлиб қолган миямда энди фикрлар шунаканги ғужғон ўйнардики. Бу фикрлар, асосан, эрталаб ишхонага кириб борганимда, кечаги кўрсатувни кўрган ҳамкасларим ҳайрат ва ачиниш назари билан менга тикилишиб қарашса, ўзимни оқлаш учун керак бўладиган мулоҳазалар эди.

“Худо! – дейман, ичимда. – Мени бугун, кимга йўлиқтиранг, йўлиқтир. Фақат, муҳарриримиз Иззат Хайимовичга дучор қилмасанг, бас!”

Иззат домланинг адабий жамоатчилик ўртасидаги “кличкаси” негадир “танка”эди. Мен домланинг бу лакабини илгари ўзига яқин ва хайриҳоҳ талаба ёшлар ва

суюкли шогирдларига ғамхұрлиги, уларга мустаҳкам қалқонлиги рамзи, деб үйлаб юрардим. Аслида ҳам шундай эди. Бирок, домланинг бу фазилати раҳбарлик фаолиятида олдидан чиқкан тұсикларни мажаклаб үтмағунча тұхтамайдыган темир машинага айлантириб қўйиншини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман.

Ха, шу лаҳзаларда у кишига дуч келиш... Бундан кўра ҳақиқий танкнинг остидан омон чиқиш осонрок эди. Бирок, авайланган товонга ғарав харис. Лифтдан таҳририят остонасига шундок ҳатлайнин десам, ким турибди, денг! Үша, бутун бошли фашистлар германияси мажақлаб, ер билан яксон қилиб ташлаган Совет тандидай бўлиб, “бўғоз попка”сини қўлтиқлаб, Иззат домла турарди.

“Тамом, кунинг битди, Ҳабиб Мирғоз!”

Юраги товонига тушиб кетган бечора Мирғозиевнинг ярми лифтнинг ичидә, ярми ташқарида, котиб қолган эди. Бу ғайришуурый мувозанатни домланинг ўзи бузди.

“Хуш келибдилар редакциямизга, ўртоқ Мирғозиев!”

“Рахмат, домла! Ассаломалайқум!”

“Ва алейкүй-ум... Нималар қилиб юрибдилар, ўртоқ Мирғозиев?!”

Ҳабиб Мирғоз таҳририят топширигини адо этиб, мақолани чиқариб, телевизорда кўрсатувлар ташкил қилиб юргани ҳақида нималарнидир ғўлдирайди. Иззат домла ходимининг бу довдирашларига жавобан истеҳзо аралаш кулибгина, дейди:

“Кўрдик, кўрдик, кеча ч...ч...п қўйдингиз!..”

Ана үша, бабажиши мухбирча – Ҳабиб Мирғоз – яъни камина бугун бутун Тешикмозор танийдиган қаламкаш. Бирок у энди телевидениедаги ҳамкаслари кўрсатувларга таклиф қилиб қолсалар лўқкиллаб кетавермайди. Чунки, ким айтади, телестудиянинг ўртасида яна бир бор Иззат домла айтган ишни қилиб қўймайди, деб.

Хабиб Мирғоздан:

Князниң оила аъзолари нонушта дастурхонига йигилишган. Беш яшар набираси овқатдан бош тортиб, инжисілік қилаётганимуш:

- Бобо, хотинимни қўйиб юбормоқчиман!
- Қайси хотинингни? – сўрабди ажабланган князь.
- Қайсинасини бўларди, Маша холани-да!
- Вой тирранча-ей! У сенинг хотининг эмас, энаганг бўлади, ярамас!
- Нима фарқи бор. Мен ҳам сизга ўшишаб энаганинг ёшрогига уйланаман.

КЎТАРИЛИШ

Хар ёмоннинг бир яхши томони бўлади, деганлари рост экан. Ўша “ч...ч...п” воқеасидан кейин талмовсираброк юрадиган бўлиб қолган эдим. Кутилмаганда ишхонада обрўйим ошиб кетди. Дастребига бу тасодиф сабабини билолмай, ўзим ҳам ҳайрон бўлиб юрдим. Айтишларича, мазкур ҳодиса керакли жойларда обдон ўрганилиб, муҳокама қилинибди. Айборлар аниклашиби, жазоланибди. Телеканалнинг айрим масъулиятсиз раҳбарлари ишдан ҳам олинибди. Ҳабиб Мирғозни, яъни мени, гарчанд, эфир вақтида хато қилиб қўйган бўлсан ҳам, сўзимни “салом билан чиройли бошлаганим ва танг бир ҳолат бўлишига қарамай қўрсатувни муваффакиятли якунлашга... ҳаракат қилганим...” учун Телекомитетнинг фахрий ёрлиғи, уч ойлик маош миқдорида пул мукофоти билан тақдирлашибди. Иш жойим – “Шўро гулистони” газетаси бош муҳаррири номига эса мендай уддабурро ёш муҳбирни тарбиялаётгани учун раҳматнома юборишга карор қилинибди. Раҳматнома сўнгига, мабодо, Ҳабиб Мирғоз телевидениега ўтиб ишлаш орзусини билдирса, қўрсатувларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан пишик-пухталашуви ҳамда адабий-бадиий савиясининг кескин ошувига омил бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланган эди.

Бош-кети йўқ, чувалатма саволлари билан ҳар қандай сухбатдошни гангир бош қилиб қўядиган, анави, киррик-кирчанги мухаррирнинг тақдири не кечди, дейсизми? Карвон ортга бурилса, чўлоқ тuya олдинга чиқади, деганларида, у киши, жабр қўрган ходим сифатида, телеканалнинг Бош мухаррири лавозимини эгаллади.

Ҳабиб Мирғоздан:

Тешикмозорлик икки улфат – Козимжон билан Тоғисиддин қиттатай-қиттатайлашиб ўтиришибди.

– Мен, – дейди Козимжон, – ойда икки-уч бор ичяпман, холос.

– Ўх-хў! Сиз алкаш бўлиб қоляпсиз, огайни! – дейди Тоғисиддин. – Мана мен, ўтган бир йил мобайнида, борйүғи, уч марта ароқ ичубман.

– Йўге! Қачон-қачон?

– Янги йилда. Бир.

– Хўш?

– Тугилган кунимда.

– Икки. Хўш?

– Ва, яна... Ҳар куни!

АЖОЙИБ НАРСА ЭКАН, А?

Сафарларимиз ҳангоманамо гаплардан ҳам холи бўлмас эди. Устоз билан ўртамиздаги ана шундай алоҳида синов ҳангомалардан бири, Олтинтопган туманида бўлди. Сафарнинг иккинчи куни эди. Устоз Тўлкин Сардорнинг кўзи учрашувларда бизга ҳамроҳ бўлиб юрган райком котибасига сал бежороқ жовдираб қолганлигини сезиб қолдим. Сезди-му, аммо бирорвга ғиринг демадим. Деб бўларканми!..

Навбатдаги тадбир манзилига етиб келганимизда райком котибаси такиллабгина олдинга ўтаркан мулозамат юзасидан, деди:

“Бизнинг энг обод, ахил, ҳар жиҳатдан намунали қишлоқларимиздан бири – “Марҳабо”га хуш келибсизлар!”

Котибанинг ортидан, ипакдай майин овозларидан эриб хипча бели, бўлиқ болдиrlарига сукланиб, димоғида “мҳ, мҳ”лаб бораётган Тўлқин Сардор ҳайратини яширолмай, енгимдан астагина тортаркан, деди:

“Қара! Ажойиб нарса экан, а?!”

Албатта, мен ҳам устоз назаридағи хилқатни кўриб турган бўлсам-да, одоб юзасидан ўзимни ҳайратга арзигулик бирон нарса кўрмаётгандай тутиб, лаққиланиброқ жавоб беришга мажбур эдим. Шундай қилдим ҳам.

“Бу хонимда қойил қолгулик алоҳида фазилат кўрмаяпман-ку, устоз?!?”

Тўлқин Сардор ўша дамда “бир ҳисобда, кўрмаганинг ҳам яхши” деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Бироқ, шунга ўхшаш саволини иккинчи бор берганда қайтарган мужмалроқ жавобим, устознинг зардасини қайнатди:


“Сенинг таъбинга қойил қолмадим, Ҳабишвой!”

Бу, устознинг менинг аёллар бобидаги фаросатимга берган баҳоси бўлса ажабмас. Бола пақир ишқ-муҳаббат борасида ҳали анча ғўр, деган ҳулосага келгани аниқ эди.

Тўлқин Сардорнинг бу масалада анчагина суюги йўқлигини илгарилари ҳам бир-икки бор эшигтган эдик. Бироқ у ҳам, аввало, эркак-да. Ёши олтмишдан ошган бўлса-да, истараликкина одам. Юзлаб кишилик давраларни соатлаб бемалол ўтқизиб-турғизиб, йиглатиб-кулдириб, ушлаб турадиган, сухани равон нотиқ одам. Райком контибасининг ҳусни жамолигаку, ҳақиқатан гап йўқ эди. Бундай аёлга, кўнгли суст кетмайдиган эркак... борми-кан ўзи?!

Топилади, Ҳабишвой, топилади! Мана, ўшалардан бири, ўзинг! Шернинг ҳамласидан кўркиб, думини қисган кўппакдай бўлиб юрибсан-ку! Юрасан-да! Юрмай ҳам кўрчи!

Тўлқин Сардорнинг ҳайрати ҳадеганда босилавермади. Шаҳардаги ҳарбий қисмлардан бирининг шахсий таркиби билан учрашув тугаб, кузаяпмиз.



Котиба командирлар билан газетамизга бўладиган обуна масаласида маслаҳатлашаётган чоғи эди. Устознинг ҳаяжони яна хуруж қилди. Тирсаги билан мени туртди ва кўз учида аёл томон ишора қиласкан, шивирлади:

“Ана қадду ана қомат! Ана хусну ана малоҳат! Гўзалакан, Ҳабишвой! Йўқ, офат!”

Ошиқона ҳаяжонларнинг давоми, нимагадир, таънаомуз гинахонликка айланди:

“Шундай хурилиқонинг фазилатларини пайкамаётганинга ҳайронман! Ким айтади сени, жигит деб, ижодкор деб! Эҳ, ҳозирги ёшлар!..”

Ҳабиб Мирғоз қараса, устози андишанинг отини кўрқоқ ҳисоблаяпти. Бу одам, эртага, ҳозирги ёшларнинг эр етиб, эркак бўлиши қийин кечган. Улар учун айрим, нозик ишларни биз қилиб берганмиз, деб қолиши ҳам турган гап. Йўқ! Бу ҳолатда, вазиятга яраша гап қилмаса, бўлмас. Лекин кескин гапириш ҳам яхши эмас. Ишни Тешикмозорчасига, ҳазил-хузил йўли билан, фикрни сал ҳимариброк ошатвормаса, иш чатоқ! Ҳа, шундай қилмассанг, Тўлкин Сардор сен ҳақингда аёллар-

A. Бойқұзиев

га “ишқивозлиги паст” деган хulosага бориб қолиши турган гап.

“Устоз,— дедим ноилож,— ўша, сиз күраётган хилқатни... биз ҳам күриб турибмиз!..”

“Күриб турган бўлсангиз, — деди у киши нимагадир Ҳабиб Мирғозни сизлаб, — қанчалик кўрётганингизни кўрсатинг-да, жигит!”

“Кўрсатар эдигу...”

“Хўш, кўрсатар эдингизу!..”

“Кўрсатар эдигу... Кейинги гал ҳам сиз билан бирга сафарга чиқиш ниятимиз ҳам йўғ эмас-да!..”

Жавобим устоз Тўлқин Сардорга нашъя қилди. Кафтларини тиззаларига шапатилаб, бор овозда, хохолаб кулиб юборди. Ҳаётида бундай ажабтовур кулгини эшитмаган қисм қўмондони Тўлқин Сардорнинг ёнига келиб деди:

“Аскарларимиз кўпдан буён бунақанги болахонадор қаҳқаҳага гувоҳ бўлишмаган эди. Ростини айтсам, кулгингизга беш кетдик. Ишонтириб айтаманки, ушбу кулгингиз қулоғига кирган ҳар бир аскаримиз энди сиз чиқараётган “Шўро гулистони” газетасини ётволиб ўқиди”.

Айтишларича, Тўлқин Сардорнинг кулгиси, ўшанда, Тешикмозордан ҳам эшитилибди. Эшитганлардан бири, нима дебди, денг? Хохолаётган киши ё тошкентлик ё фаргоналик. Кулдиргани эса, аниқ, ўзимизнинг тешикмозорлик, дебди.

Шунаقا! Тешикмозорликлар кулишингизга қараб сизни намангандик Ҳафизхон лофчи кулдиряптими ёки ўзимизнинг Маташ лофчи, беш чақирим наридан, бехато айтиб беради.

Тўлқин Сардор Тешикмозорлик Ҳабибуллони кейинги гал хизмат сафарига бирга олиб чиқдими, йўқми, деб сўровчиларга бизнинг ҳам саволимиз бор:

“Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?..”

Латифа:

Оташ хоббони бир куни рақиби Бўташ гупирни сина-моқчи бўлиб сўрабди:

- Сочларим тўкиляпти. Нима қилсан экан-а?
- Ухлаш олдидан нафталин сепиб ётинг.

ТЕШИКМОЗАР НЕГА ТЕШИКМОЗОР?

Ҳангомамиз бошида Тешикмозор атамасини изоҳлашни куйироққа қолдирган эдик. Ана шу ваъдамизни бажаришнинг мавриди ҳам кепқолди шекилли.

Хўш, Тешикмозор қишлоғининг номи нега Тешикмозор?

Бошиданоқ айтиб қўяқолай, бу борада фараз ва тахминлар кўп. Аммо ҳозирча ягона бир тўхтамнинг ўзи йўқ.

Келинг, яхшиси гапни избосканлик тарихнавис адаб Абдулла Комилнинг фаразидан бошлай қолайлик. У кишининг талқинича, ушбу атаманинг ўзи нотўғри. Чунки мозорга тешик сифати ёпишмайди: қабр тешик бўлиши мумкин, мозор эмас. Унинг яна айтишича, Тешикмозор асли “бешикмозор” сўзининг бузилган формаси. Бу фикрда у Андижон муаррихлари сардори Сайфиддин ҳожи Жалилов билан яқдил.

Тешикмозорнинг ўзида яшаб ўтган ва айни кунда барҳаёт зукко, зиёлисифат инсонларнинг қарашлари эса сал бошқача. Қишлоқ жойлашган манзил-макон яқин-яқинларгача, аникрофи, Ўрис пошшонинг паравозига темир йўл ўтказилган йигирманчи асрнинг бошларида ҳам қамишлар ўсиб ётадиган ботқоқликдан иборат жойлар бўлган. Одамлар қизиқчиликка қамишнинг томири патакланиб ётадиган ботқоқни тепиб, ким ўзарга лўппиллатиш ўйнашган. Икки юз эллик, ҳатто уч юз қадам наридаги қамишларни ҳам лўмбиллатиб ғолиб бўлган азаматларни кўрганлар шу кунларда ҳам бор: тирик. Лекин билан Исталин ўйлаб уюштирган йигирманчи,

үттизинчи йиллардаги очарчиликларда одамлар пулга киргулик нарсаларини орқалаб шу темир йўлдан пою пиёда Андижонга элтиб сотган. Пулига нон ва егуликлар олиб кайтаётганларида қамиш тўқайлари орасида яшириниб ётган оч-яланғоч қарокчилар уларни тунаған. Кўп холларда, ўлдириб ҳам кетишган. Жасадларни топиб олган инсофли йўловчилар шу яқин орадаги тепаликка наридан-бери кўмиб кетганд. Табийки, бундай тўқайлар бўри, қашқирсиз бўлмайди. Боз устига улар ҳам оч. Йиртқичлар жон саклаш учун қабрларни ҳам тешган, дейишади... Назаримизда, тарихчи акаларимиздан кўра тешикмозорлик оддий аҳолининг гапларида кўпроқ жон борга ўхшайди.

Аҳолининг аксарияти ҳам шу фикрни ётволиб ҳимоя қиласади.

Бу масалада Тешикмозор сўзбилармонлари Оташ хоббони ва Бўташ гупирларнинг фикри қандай, дейсизми? Қандай бўларди, ҳар доимгидай, чапараста-да: униси боққа тортса, буниси тоққа судрайди. Қайси бири ҳақлигини Худо билмаса... Бизга ўхшаган омиларнинг гапи гоҳида Оташнинг, гоҳида Бўташнинг шайнинга шоҳ ташлайди. Нима бўлса-да, сиз ҳақсиз: уларнинг фикри ҳам тўғри, нотўғрилигидан қатъий назар, фикр. Ҳангомамизга киритмай иложимиз йўқ!

Бўташ гупирнинг “версия”си будир: Тешикмозор, биз ўйлагандай, кечагина пайдо бўлган қишлоқ эмас. Бу атама ҳатто қадимги Чин манбаларида Тай Ши Ма Зар кўринишида тилга олинган эмиш. Демак Тешикмозор қишлоғининг тарихий илдизларини бир неча минг йилликлар қаъридан излаш керак бўлади. Албаттa, бу атаманинг мазмун моҳиятини Бўташ гупир тушунтириб ўтирумайди. Ҳар ҳолда, маҳаллий аҳоли лаҳжасида йиллар давомида сайқал топиб, деймизми, эзғиланиб-мезғиланиб деймизми, бугунги Тешикмозор кўринишига келгани аник.

Оташ хоббони Бўташ гупирнинг бу илмий фаразларини сафсата, деб билади. Нимаймуш, оғайниси Бўташ

гупир бу масалада ҳам гупиргани гупирган эмиш. Унинг онт ичиб хоббониланишича, Тешик сўзи ўрисчанинг “тише” (астароқ) сўзидан келиб чиқсан. Бойси, бу ерларга биринчи бўлиб поездни ҳайдаб келган бош паравозчи (албатта ўрис) ўзининг ёрдамчисига темир йўл ёқасига қўмилган жабридийда марҳумларнинг руҳини безовта қилмаслик учун ҳар гал Тешикмозорга яқинлашганда машинани секинлатиш учун “Тише!” “Мазар”, яъни “астароқ ҳайда” дея буйруқ бериб турган.”Тише мазар” бориб-бориб “тешимозор” га, охири “тешикмозор”га айланган. Ўрис паравозчилар ўрнатган тартиб Никалай пошшо қулаб, Шўро нураб, Ўзбекистон мустақилликка эришибди ҳамки, канда бўлгани йўқ. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам Тошкентдан ўқириб, пишқириб келаётган поезд айни Тешикмозорга яқинлашганда мулла минган эшакдай, мулойим тортади. Бу гапимизга ишонмаганлар “любой” пайтда тешикмозорга келиб, поезднинг ўтишини кузатсин, дея фикрини михлайди Оташ хоббони.

Яна бирталай олди қочди фактларимиз ҳам борку-я...

Тешикмозорнинг нега Тешикмозор эканлигини тасаввур қилишингиз учун шунинг ўзи ҳам кифоя қиласди, деб ўйлаймиз.

Латифа лоф:

Тешикмозорлик икки лофчи лоппиллашияти:

- Мен жуда замонавий соат яратдим. Бураворсанг бас, вақт неччилигини ўзи аниқлаб олади.
- Бе, шу ҳам соат бўйти-ю. Мен ихтиро қилган соат шу ердан туриб Кремлинг соатларини тўғрилаб қўяди.

Тугар жафосига яна бир латифанамо гап: Ҳангомамиз бошидаги ўша, мешқорин Кўйливой эллик ёшдан ошганда ижодга канадай ёпишиб, ёзганларини газета-журналларда ёрита бошлабди. Бу орада бещолти ёшларга кириб қолган набира бобосининг меш қорнини эзиб сўраётганимиш:

A. Бойқұзиеев

— Бобожон, қорнингиздаги мана бу гаплардан гапириб беринг?

— Йүк, — дебди, бобо, — мен уларни ўринли, ўринсиз сўзлайвериб исроф қилибман. Энди бехуда оғзимни очмайман.

— Унда, бунча катта гапни нима қиласиз? — сўрабди яна набира.

— Ёзаман, дедим-ку, ёзаман болам! — дебди мешқорин бобо.

Мана, биз ҳам ёздик. Чидаб, ўқиганингиз учун раҳмат!

Ҳангомамиз тамом. Ҳа, айтганча, яна ким билади, ётиб-ётиб ёзгимиз кепқолиб, ул-бул нарса қоралаб қўйсак ёзғириб юрманг. Камбағалда, лафз бўладими?..

Ана энди, тамом.

БИР ГАПИРИБ, ЎН КУЛИБ... У ЙИЛЛАР ҲАМ ЎТДИ-КЕТДИ

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари...

“Муштум” журналига ўша даврнинг энг довюрак “редактор”ларидан бири ёзувчи Иброҳим Раҳим (Оллоҳ раҳмат қиласин) бош муҳаррир эди. Таҳририятга Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Олим Кўчкорбеков, Зоҳиджон Обидов, Алижон Холиков (бош рассом) сингари атоқли ҳажвиётчилар, Кутби Носирова, Мурод Парнихўжаев, Сайд Равшанов, Бекмирза Маҳмудов, Абдумажид Сатторовдек “боевой публицист пилятонист”лар, Ориф Фармон, Мирзо Кенжабек, Адҳам Жўрабоев, Мурод Тиллаев сингари бошловчи ёзувчи шоирлар жам бўлганмиз.

Таҳририятда ижодий кайфият зўр. Бир гапириб, ўн кулиб, гуриллатиб ишлаймиз. Ойда икки-уч марта асабларнинг чигилини ёзиб олиш ниятида чойхона палов еймиз. Бекмирза Маҳмудов – бош ошпаз. У киши мабодо ўз вазифасини “бажаролмай қолса”, камина ёки Абдумажид aka ўт ёқувчиликдан ошпазликка кўтарилиб, тушиб юрамиз. Баъзи-баъзида бош раҳбаримиз Иброҳим aka ўн, ўн беш, гоҳида яхлит йигирма беш сўмлик тутқазиб:

– Бирор чойхонада ош дамланглар. Етмаганини ўртоғлардан йигарсизлар, – деб марҳамат қилиб қолардилар.

Раҳбаримизнинг сўзини ўлдирмаслик учун бўлим мудирларидан уч-тўрт сўм йиққан бўлардигу, (аслида, ўша пайтларда йигирма беш-ўтгиз сўмга чойхонада икки марта ош дамласа бўларди) тушдан кейин “Пушкин парки” гами, Собир Раҳимов бодигами, ишқилиб, одам сийракроқ, салқинроқ жойга қараб жўнаб қолар-

дик. Айниңса, ташаббус рахбардан чикқан куни барча бехато борарди. Бизга үхшаган ҳамёни ҳилвираган, бирок қүй ёғи, қүй гүшти, кенжавой гуручдан дамланған текин паловни гүппиллатиб тушириш бүйича обдан “миришкор” бўлиб кетган ходимчаларнинг лаганларда жавлон уриб меҳнат қилишларини бир кўрсангиз эди. Турган гап, кўпдан қуён қочиб кутулмас, деганларидай, беш-олтита “оқ бола”ни ҳам ағанатиб ташлардик.

Ўтириш бир меъерга етганда, албатта, бош муҳаррир “ўзини ўзи билиб”, секин жиларди. Ана ундан кейин Бекмирза аканинг лирик чекинишлари, Ориф Фармоннинг “бўкиришлари”, Абдумажид аканинг кекиришлари, Мирзобек ва каминанинг шер бўлиб ўкиришларимизни томошшо қилинг...

Нельмат ака, Саъдулла ака, Олимжон ака, Зоҳиджон аканинг “аския”лари, Сайд ака, Мурод ака, Бекмирза ака, Абдумажид акаларнинг “паския”ларидан чойхонанинг шифтлари ларзага келар, қаҳқаҳалар зарбидан деворлари зирқираб, шувоқлари тўкила бошлар (лоф эмас), чойхоначининг мияси чайқалиб, “кантужин” бўлиб қолишига кўзимиз етгач, у киши бу кишини, бу киши у кишини ҳасса қилиб, эрталабгача бир-биrimизни уйларимизга кузатишиб юрадик.

Шу гапларга ҳам мана, ўттиз йилдан ошяпти. Бугун ўша устозларнинг кўплари дунёдан ўтиб кетишиди. Ёшлигинда бирга, ёнма-ён ишлашган ажойиб сиймоларни, ҳофизанга муҳрланган ўша бетакрор дамларни соғинадиган кунлар ҳам келар экан...

Қайтарилмас хотиралардан айримларини қоғозга туширилди. Баёнда ноқисроқ чиққан жойлари бўлса, елкама-елка ўтказган ўша азиз дамлар ҳакқи-хурмати, биздан ранжимассиз, азиз “Муштум”чи ҳамкаслар!

ИЖОДИЙ ЗИДДИЯТ

Каттагина хонада иккита бўлим жойлашган. Беш киши ўтирамиз.

Адабиёт ва санъат бўлимида атоқли адаб Неъмат Аминов мудир, машхур шоир

Зоҳиджон Обидов катта мухаррир. Ориф Фармон адабий ходим. Маданият ва маърифат бўлимида Кутби Носирова мудира, камина ходим.

Зоҳиджон ака кўзи тушган нарсага, ҳатто одамларга ҳам, кўриниши ва ҳолатидан келиб чиқиб, маталми, ҳазилнамо байтми тўқиб ташлашга ниҳоятда уста. Орифжон ҳам ҳозиржавобликда у кишидан қолишмайди.

Зоҳиджон ака Орифжондаги ишга бироз бефарқлик, ёшликка хос тоқатсизликдан озурда бўлса, Орифжон устоз шоирдаги андак баландпарвоз аммо баъзан ўзига ярашиб ҳам тушадиган кинояли кесатикларидан ранжиб, бир-бирларини янишиб юришарди. Икки ўртада қанақадир бирор билар-бilmас ижодий зиддиятга ўхшаш бир ҳолат бор эди.

Бир куни Зоҳиджон ака қандайдир мавзуда эҳтирос билан гапира бошлади. Орифжон секин туриб, эшикка йўналди. Бу ҳол устоз шоирга бироз малол келди шекилли, захрини байтга битиб юборди:

*O. Фармон чиқди-кетди,
Бурнида қурти билан...*

Ориф Фармон оstonага етган ерида ортига қайрилди ва Зоҳиджон Обидовнинг мўйловини нишонга олиб деди:

*З. Обидов қолаверди,
Лабида мурти билан.*

Зоҳиджон ака ҳар ҳолда шоир, таъби нозик тантинисон эди. Орифжоннинг байти ўзиникига қараганда бирмунча назокатли, қолаверса, гидирдан ҳоли эканлигини тан олди шекилли, оғзини ка-атта очиб, хандон отиб кулдилар.

ОРҚАСИ БИЛАН ГАПИРИШ

Иттифоқо, “Муштум” ходимлари бир хонага йиғилиб, ҳангома сархонасининг чўғини қапалаб, даврани гуриллатиб турибмиз. Неъмат ака, Саъдула ака, Бекмирза ака, Сайд ака, Мурод ака, Алижон ака, қўйингки, “Муштум”чиларнинг ўша кунлардаги энг “мировой” акалари шу ерда. Негадир Ориф Фармон кўринмасди.

— Орифжон қаерда? — сўради Неъмат ака.

— Хонасида, ишлаб ўтириби, — деди Адҳам Жўрабоев.

— Мақола тушириш нормасини бажармагани учун кеча “летучка”да гап эшитгану, — дея аниқлик киритди кимдир. Шу пайт Сайд Равшан:

— Тўхтаб туринглар, ҳозир Орифни бир лақиллата-миз, — деди-да, олдидаги телефон гўшагини рўмолчаси билан ўраб, Орифжоннинг рақамини териб, ғўлдиради:

— Сў-лўм ўлўй-кў-ўм. Ўрип-жон керак эди.

Шундоққина кўшни хонада эса Орифжоннинг куйиниб, жигибийрон бўлаётгани эшитилиб туриби:

— Ҳа, мен! Орифжонман! Нима дедингиз? Жуда хира эшитиляпти!

Тушунтириброк гапиринг!..

Хуллас, Сайд ака мазмунсиз, тутуриксиз сўз ва оҳанглар билан Орифжонга анчагина ишлов берди-да, чаққонгина Адҳам Жўрабоевга буюрди:

— Ана энди ўзини чақиринг бияққа...

Остонада Орифжон пайдо бўлди. Кўриниб туриби у бу “фитна”дан бехабар. Сайд ака фурсатни бой бермай, ҳужумга ўтди:

— Мухлисларингиз қўнгироқ қилишяптими дейман, бигиллаб ётибсиз?

Орифжоннинг авзойидан кўнглига ҳазил сифадиган жой қолмаган, Сайд аканинг саволи ўлганнинг устига тепгандай бўлди шекилли, пўнгиллади:

— Билмийман, қанақадир бир bemаза трубкага кети билан гапиряптими-ей...

Хона кулгидан ларзага келди.

БЕШ СҮМЛИК КЕККАЙИШ

Ўша йиллари “Ўзбекистон коммунисти”, “Партия турмушки” журналлари ҳам “Муштум” таҳририяти билан бир қаватда эди. Бу икки нашр жамоаси ўзларини Марказкўм ходимлари фаҳмлашар, мағрурлик, сиполикни бир лаҳза эсдан чиқаришса, “ЦК” кулаб тушадигандай тутишарди ўзларини. Улар орасида таҳририятлардан бирида масъул вазифада ишлайдиган ўрта ёшлардаги одам ҳам бўларди. Салом берсанг, энсаси қотгандай, амалдорларга хос мартабалани броқ алиқ оларди. Бу ҳол Орифжоннинг ҳам ғашини келтириб юрарканми, бир куни:

— Оғайни, шу кишини бир болламаймизми? — деб қолди.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлдим мен.

— Шошмай туринг, — деди-да, қаерданdir уч-тўрт қулоч қора ғалтак ип топди. Бир учига беш сўмлик шўро пулинни тешиб боғларкан, ўзича пўнгиллади, — ха, эгилмайдия, кўрамиз...

Ишни битиргач, йўлакка тикилиб калондимоғ ҳам-касбимизнинг тушликдан қайтишини кута бошладик. Бир оздан сўнг Орифжон шошиб ичкари киаркан, шивирлади:

— Келяпти...

Бино хоналари каридорнинг икки ёнида жойлашган эмасми, йўлак кундузлари ҳам ним коронги бўларди.

Орифжон пулни йўлакка иргитди. Ипнинг иккинчи учи ичкарида — ўзининг кўлида.

Қия эшигимизга яқин келганда димогдорнинг кўзи “пулхўрак”ка тушди. У аввал у ёқ, буёққа алланглади. Ҳеч ким кўрмаётганига ишонч ҳосил қилгач, энгашиб

пулга құл чүзді. Ип бироз тортилди, пул жилди. Шабададан күзғалди, деб үйлади шекилли, яна интилди. Пул, яна жилди. Қараса, хұрак эшик томон үрмалаяпти. Таппа босмокчи бўлиб кескин ҳаракат қилған эди, беш сўмлик шиппа ичкарига кириб кетди. Кўз-кўзга тушди. Дилозорнинг миҷжалари қаҳрдан қизариб, юzlари ғазбдан гезарип кетди. Унинг авзойидан партия журнали ходими билан бундай ҳазил-мазах ўйнаш яхшиликка олиб келмаслигини туйкус англаб стган эдик. Бир ойча нафасимизни ичимизга ютиб юрдик.

Ростини айтсам, хавотирли жимжитлик ҳам ич-этингни симиллатиб кемирувчи оғир дард каби азоб берар экан...

ЎЙНАШИ ТОПИЛМАДИ

Бош муҳаррир хонаси. “Муштум”нинг ижодий жамоаси жам бўлиб журналнинг навбатдаги сонига мўлжалланган расмларни танлашмоқда. Бош рассом Алижон Холиков чап қулогига эркак киши тасвирини сирға қилиб тақиб олган, сингилтабиатроқ алпоздаги нозанинни кўрсатиб, бунга нима дўйсизлар, дсандай қараб турибди.

– Қулогидаги ким? – сўради Иброҳим ака.

Раҳбардан бундай саволни кутмаган эканми, бош рассом миясига келган сўзни айтиб юборди:

– Эри.

– Ия,— деди ажабланиб Сайд Равшан, – унда сирғасининг иккинчиси қаёқда қолди?

Ходимлар ўртасида гап қочди.

– Ҳар қандай юморда ҳам ҳаётйлик, энг муҳими шарм-ҳаёс бўлиши керак, – иддао қилди бошқа бирор.

– Ахир эри битта бўлса нима қилсин, бечора,— дся луқма ташлади яна кимдир.

Мунозарани жимгина кузатиб ўтирган бош муҳаррир бош рассомга амр этди:

– Ундаи бўлса, хонимнинг иккинчи қулогига ўйнашини илиб қўйинг.

Бош рассом раҳбарнинг бу гапини нозикроқ тушундими ёки тасвирдаги аёлнинг ўйнаши топилмадими, ҳар қалай ўша расм журналда босилмай қолиб кетди.

“СУВАРАК” СОЧИДА

Неъмат ака таътилга чиқиб, дам олиш учун Сочига кетган. Хонада

Зоҳиджон Обидов, Мирзо Кенжабек ва камина қолганмиз. Бир пайт телефон жириングлаб қолди. Гўшакдан машхур шоир Толиб Йўлдош домланинг овози янгради. Толиб ака “Муштум”чилар билан жуда иноклашиб кетган, шунинг учун бўлса керак ҳамма билан ўз иниси ёки ўртоғидай муомала қилас, бу ҳолатни ҳеч ким малол олмасди:

Ким бу?! Суварак қани?!

Билдикки, Неъмат Аминовни йўқлаяптилар (улар ўзаро шу даражада ҳазил-хузулли, қадрдон эдилар). Ўша кунларда ёзувчининг “Елвизак”, “Суварак” номли қиссалари “Ёшлик” журналида босилиб, жуда машхур бўлиб кетган пайтлари эди.

– Сочида, дам оляптилар, – жавоб қилдим мен.

– Дам оляпти дигин. Қачон келади?

Толиб ака жавобимни ҳам кутмай гўшакни қўйдилар.

Валий шоирнинг бу гаплари бизга нашъя қилди. Кўп ўтмай Неъмат ака ҳордиқдан қайтиб, ишга чиқди. Толиб аканинг навбатдаги ҳазилини эшитиб, котиб-қотиб куладилар.

– Ҳа қария, йўғимизда нолу бир қилиб қўйибди-да. Ҳали қараб турсин.

Уч-тўрт кун ўтгач, телефон яна жириинглаб қолди. Икки улуғ ижодкор ўртасида салом-алиқдан сўнг тахминан мана шундай савол-жавоб бўлди:

– Мен сизга Сочидан совга опкелдим, Толиб ака.

— Кам бўма. Яхши йигитсанде, оканг айлансин.
Совғанғ нима?

— Шапка.

— Размери неччи?

— Олтмишчинчи.

— Э-э, катталик қиласын.

— Ничево, озгина пайтава ўрасанғиз, лоппа-лойик
келади.

Неъмат ака шошилиб гүшакни жойига кўяр экан,
мамнун жилмайди:

— Биру бир қилдик, қхх...

ЭҲТИЁТЛАБ СЎКИШ

“Муштум” журнали бош мухаррирининг ўринбосари
Олим ака

Кўчкорбеков юмшоқ табиатли, ажойиб одам. Ходим-
ларни уришса ҳам эҳтиёт қилиб уришардилар. Биз бу
андишани кўпинча суиистеъмол ҳам қиласидик.

Ўша куни Мирзо Кенжабек билан хонада ишлаб
ўтирган эдик. Толиб Йўлдош домла кириб келдилар-да,
икки-уч ой олдин топширган ҳажвий шеърлари тақди-
рини сўраб қолдилар. Ошиғич ўтказган суриштирув-
ларимиздан маълум бўлди, асарлар ҳамон Мирзо
Кежабекнинг тортмасида, “пишиб” ётарди. Вазиятдан
чиқиши керак. Бўлмаса, домла Мирзабекнинг таъзирини
бериши тайин.

— Шеърни тушириб юбордик шекилли, — талмовсира-
ди Мирзабек.

— Ҳа, а-анча бўлди. Замредакторда бўлса керак,— қўл-
лаб юбордим мен ҳам.

Муаллиф шаҳд билан Олим аканинг хонасига кириб
кетди. Воқеа бирдан бундай тус олишини биз ғўр хо-
димчалар қаердан билибмиз. Шеър раҳбарда, десак То-
либ ака ҳовридан тушиб, қайтиб кетади, деб ўйламай-
мизми...

Толиб аканинг бош муҳаррир ўринбосари кабинетини роса “шудгор” қилаётгани анчагача эшитилиб турди. Шоир муҳаррир ўринбосарини обдан бўралагач, шитоб билан ташқарига йўналди. Олим ака “Тўхтанг, ҳой мусулмон, кулоқ солсангиз- чи”, деганича қолди. Бизнинг эса, дамимиз ичимиизга тушиб кетган. Иш расво бўлган эди.

Бир оздан сўнг остонаяда Олим ака пайдо бўлдилар. Бечоранинг бўйин томирлари бўғриққанидан бармоқдай-бармоқдай бўртиб чикибди.

— Толиб ака валий шоиру... онадан келиб сўкиниши чатоқ-да.

Шеърларини тезда кўчиритириб беринглар. Шу сонга тиқвормасак, яна балога қоламиз, — дедилар-да, бизга оддий танбеҳни ҳам раво кўрмай қайтиб чиқиб кетдилар.

Хавотирдан нафаси ичига тушиб кетган икки ходим шу лаҳзада Олим акани шунақанги яхши кўриб кетдик...

ЕТИШТИРИБ БЎПТИ

Ҳа, қуидаги воқеалар бўлганми, йўқми, аниқ айттолмаймиз. Бирок...

Хуллас, атоқли ўзбек адаби Саид Ахмад домла сафарга чиқсалар, яйраб кетишини у киши ҳақида шогирдлари ёзган асарлардан кўп ўқиганмиз.

Шогирдлари ҳам устоз адабни турмуш ғалвалари-ю, ижод ташвишларидан сал ҷалғитиш ниятида ҳар хил сафарлар уюштиришар, йўл-йўлакай турли ҳангомаларни ўйлаб топишар, антиқа саволлари билан домланинг қитиқ патига тегиб, яйраб кулиш пайдан бўлишганини яхши биламиз. Ана шундай сафарлардан бирида машхур адаб Үткир Ҳошимов домладан сўраётганмиш:

— Устоз, шу, Фарғона томонларда Учариқ, Бешариқ, Олтиариқ, деган жойлар бор. Нега Еттиариқ, Саккизариқлари йўғикин-а?

– Бу гапни бир айтдинг бошқа гапирма, болам.

– Нега энди? – ажабланибди Үткір ака.

– Нега бўларди, водийликларнинг тили асқия билан чиқса ҳам, сув ҳақида гап кетганда ҳазил-пазилни билишмайди. Фарғона каналиниям мана шунақа, беихтиёр айтиб юборилган гап-сўзлар туфайли, бор-йўғи қирқ беш кунда ковлаб ташлашган. Сенга, менга ўхшаган ёзувчилар оғзидан чиққан гапни, тем более, ўйлаб-нетиб ўтиришмай, амалга оширишади, кўяди. Сув танқисроқ бўп турган шу кунларда Еттиариғу Саккизарифинијам ковлашволиб, сув қани, деб туришса, нима киласан? Мен сенга айтсам, “Уфқ” ни ёзмоқчи бўлиб Ёзёвон чўлларини кезиб юрганимда, ҳазиллашиб, Фарғонани Худо қизиқчи, асқиячилардан роса сийлагану, кучли сатирик ёзувчиси йўқ-да, деб айтган еrim бор эди. Ўша гапим уларга айил ботган эканми, кўп ўтмай, Олтиариқнинг бодрингидай килиб Анвар Обиджонни етиштириб, Тошкентга юборишиди.

Икки улуғ сўз санъаткорининг сухбатини тинглаб ўтирган учинчи бир ёшроқ ҳажвчи (ҳа, келинг, исми Шафак Тонг бўлақолсин) гапга аралашиб, маслаҳат берган бўлибди:

– Унақа бўладиган бўлса, фарғоналиклардан кечирим сўрамасангиз яхши бўлмайди, устоз.

– Бекор айтибсан, – дебди Сайд Аҳмад ака. – Турмада, шўро нозирлари жигаримни эзворишганидаям ғиринг, демаган, келиб-келиб Олтиариқнинг бодрингчиларига бўйин эгаманми! Эсинг борми?..

– Хўп дейвурсангизчи, устоз. Ўша битта хато гапингизни деб Анвар Обиджонга ўхшаган сатириклардан яна беш-олтитасини етиштириб, МДҲ га тарқатвориша, бутун дунёни олтиариқлик ҳажвчилар босиб кетади, ахир...

– Ҳеч, бунақа бўмайди, – чўрт кесибди адиб. – Биз ҳар қандай яхши экиннинг уруғиниям икки-уч йилда айнитволамиз. Олтиариқлар энди Анвар Обиджонда-касини етиштириб бўпти...

* * *

Яқинда Дўрмонда устоз Ўткир Ҳошимов билан сухбатлашиб қолдик.

— Саид Аҳмад домла ва Сиз билан боғлиқ хаёлимда айланиб юрган бир воқеани бўлиб ўтгандай килиб ёзиб қўйдим, деб юқоридаги воқеа тафсилотини сўзлаб бердим. У киши:

— Воқеа содир бўлганми-йўқми, деб ўтируманг. Бўлиши мумкинлигига кўзингиз етса, иккilanмай ёзинг. Ҳар холда, ёзилгани қолади, — дедилар.

— Анварнинг таланти масаласига келсак, — дея сўзини пухталади адиб, — Саид Аҳмад aka ҳақ. Олтиариқликлар энди минг уринишмасин, Анвар Обиджон калибридаги ҳажв устасини етиштириша олмасалар керак. Яна ким билади, дейсиз, Фарғонанинг тошлоғида ҳам ҳикмат битади.

НЕГА ҚУШХОНА ДЕЙИШАДИ?

Машҳур ёзувчи Ўткир Ҳошимов устози Саид Аҳмаддан сўраётганимиш:

— Саидаҳмад aka, ҳайвонлар сўйиладиган жойни нега қушхона дейишади?

— Кассобхона, дейишса, опкелинаётган буқалар бўкириб, ҳамма ёкни бузиб юборишади-да, болам.

БОЛА БҮЛИБ ҚОЛСАЙДИК ПҮЧОҚ ШҮРВА

Кенжатойимиз Дилёрбек тўрт ёшмиди... Бир куни:

– Дада, шўрва пишириб берсам ичасизми? – деб қолди. Зифирдайгина боласининг бунаقا меҳрибончилигидан қайси ота-она эриб кетмайди, дейсиз.

– Албатта, – дедим хурсанд бўлиб.

У балконга чиқиб уч оёқли қозонтуширгичда турган декчамизга чойгумдан сув қуиди. Бурчакдаги челакка ташланган картошка, сабзи, пиёз пўчоқларидан (албатта, лой-пойи билан) қозонга ташлади. Уч литрли бонкадаги мошга кўзи тушиб, ундан ҳам бир сиқим солди-да, қозон остига қофоз қалади. Ишқилиб, гугурт чақиб юбормасин-да, деб турибман. Хайрият, ўт ёқмади.

Ойиси икковимиз боланинг ҳаракатларини кузатиб, кувонамиз. Мен:

– Ҳа, баракалла! Ҳа, баракалла! – деб алқаб турибман. Ойиси ҳам кувончини яширолмайди: “Дадаси, қариган чоғимизда бизни шунимиз боқадиганга ўхшайди!” деб қўяди.

Бироз ўтгач, у:

– Дада, шўва писди, – деди-да, чўмични олиб хонтахтадаги косалардан иккитасига ярим-яримлатиб қуиб, олдимизга келтириб қўяди.

– Ғалати иш бўлди-ю, – дейман ойисига қараб. Ичайлик десак пўчоқ-сўчоқ аралашган лойқа сув... Ичмайлик десак, ваъда бериб қўйганман.

– Бор таваккал, – дедим ичимда. – Нима бўлса бўлди. Боланинг сазаси ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин... Пўчоқ шўрвани хўплаб-хўплаб ича бошлидим. Ойиси бўлса “Вой ўлмасам,вой ўлмасам”лаб ку-

лади. Мен болагинам пишириб келган пүчоқ шўрвани мақтайман:

— Оҳ-оҳ, зўр шўрва бўлиди.

Аҳволимни сезиб турган аёлим ўзини тўхтатолмай, хохолаб кулади.

Дилёр бўлса, пиширган овқати дадасига маъкул келиб, ичиб юборганидан ўзида йўқ хурсанд, нуқул илжаяди.

Мана, бу йил ўғлимиз Дилёр ўн еттига кирди. Кап-катта йигит бўлди.

Энди пиширган шўрвалари ўша илк пўчоқ шўрвачалик ширин чиқмаётганидан баъзан хафа бўлиб кетамиз.

ПЛАСТИК ОПЕРАЦИЯ

Лўғимбек қишлоғидаги истироҳат боғида ижодий кечамиз белгиланган. Ўғлимиз Дилёржон, набирамиз Жавохир билан йўловчи машинада Избосканга отландик. Ҳаш-паш дегунча уловимиз Ангрендан эниб, до-вонга ўрмалай бошлади. Бундай сафарларда одатда, сергакроқ кетиш мақсадида шопирларнинг ўзлари йўловчиларни гапга тутишади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Ҳайдовчи йигит сўзамолгина экан: гапимиз гапимизга қовушақолди. Сухбат мавзуси ҳаёт мазмуни, умрнинг ўткинчилигию, инсон қадр-киммати миёнасида айланарди. Сорбонимизга далда бўлиш учун, мен ҳам сухбат ҳароратини пасайтирмасликка тиришаман:

— Ёшимиз ҳам мана, олтмишни қоралаяпти. Шу до-вонларда “Қайдасан, Андижон！”, “Қайдасан, Тошкент！” деб, умримиз ўтяпти-да...

Набирамиз Жавохир бу гапимни “қариб, адойи та-мом бўляпмиз”, деган мазмунда тушунди шекилли, меҳрибончилик кўрсатди.

— Дўда, Тошкентга қайтсак, юзингизни пластик операция қилдирамиз.

Бир каричгина боладан бундай гап чиқишини ким кутибди, дейсиз.

Хаммамиз лол бўлиб қолдик. Шопир йигит эса кул-гидан ўзини зўрға тўхтатиб, ҳангомани давом эттириш ишиёқидами, ёки боланинг пластик операция ҳақида-ги тасавуруни янада ойдинлаштириш ниятидами, Жа-воҳирни саволга тутади:

- Пластик операция қилдирса нима бўлади?
- Дўдамни яшартириб кўяди.
- Дўданг яшариб қолса нима бўлади?
- Мазза қилиб бирга ўйнаб юрамиз.
- Ҳозир ҳам бирга ўйнаб кетяпсизлару?
- Бекинмачоқ, қувлашмачоқ ўйнамайдилар-да!
- Бекинмачоқ, қувлашмачоқ ўйнайлик, деб айтмагандирсан-да?
- Айтганим билан дўдам югуролмайдилару. Говдала-ри ко-отта. Ўзим билан баравар бўлиб қолсалар, тезда беркиниб оладилар. Мен қийналиб-қийналиб, зўрга то-паман.
- Говдаси ко-отта бўлса ҳам, қийналиб-қийналиб зўрга топаверасан-да.
- Қанақасига қийналай?! Қаерга яширинса ҳам ба-рибир кўриниб қолаверадилар.
- Дўданг яширинаётганда кўзингни юмиб, қарамай тургин-да.
- Дўдам дараҳтлардан ҳам йўғону. Кўзимни юмсан ҳам қорни кўриниб туради.
- Унда, дўдангни баланд деворнинг орқасига яшириб кўйиб, кейин излашинг керак экан...

Суҳбат шу ерга етганда, дараҳтнинг панасига “ра-дар” кўйиб, пойлаб турган ДАН ходимининг ҳуштаги янгради. Инспектор қизил таёғи билан машинамиз тўх-таши лозим бўлган жойни кўрсатиб турарди.

– Э-эҳ, – дея хўрсинди шопир йигит, ғаладонни тит-килаб, ҳужжатларини оларкан, гапни яна ҳазилга бура-ди, – ДАН ходимларининг дараҳтлардан ингичкалиги

чатоқ-да. Тезлик ошиб кетувди. Иштарапи ҳам дўдангнинг қорнидай катта бўлади энди, болам...

Шопир йигит инспекторнинг олдидан тезгина қайтди. Яна йўлга тушдик. Энди унинг беш дақиқа олдинги сўзамоллиги-ю, дилкашлигидан асар ҳам қолмаган. Унинг бу фазилатларини ДАН ходими ўзи билан олиб қолған эди.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ҲАМ КУЛИШАРКАН... РУСЛАРДА АСКИЯ ЙЎҒ-У...

Ўрисларнинг машҳур шоири Михаил Светлов ўзимизнинг Азиз ака Абдураззоққа ўхшаган оддийгина, камсуқумгина инсон бўлган деган тасаввур бор, менинг хаёлимда. Ҳа, ўппа-ўзи. Адабиётга, жамиятга муносабати, юриш-туриши, кулиши, юз тузилиши, ҳаётга кўз қарashi-ю, соч тарашигача айнан ўзи. Қариган чоғларида майиздеккина чол бўлиб, давраларда ёшу қарининг кўнгил чироғига айланиб қолишлариям қуиб қўйгандай, бир-бировига ўхшаш.

Нафсирамбериини айтганда, Азиз ака ҳам Светловдан кам шоир эмас эди.

Унинг ўз замондошларига, айниқса, дўсти Сайд Аҳмад домлага нисбат бериб тўқиган латифа ва ҳангомаларини Михаил Аркадьевич эшитса борми, кулавериб биқинини ушлаб қолиши турган гап эди.

Тўғри, рус адабиётида аския деган тушунча йўқ. Райкин, Жванецкий, Петросян сингари, манаман деган қизиқчилари ҳам кулгини бўғзингдан аскиячи Махсум ака Козоқовдек портлатворолмаган. Лекин бу рус адабиёти оташин кулгидан бегона, дегани эмас. Бу тилнинг ҳам шунақанги мутойибалари борки, бир эшитган одам яна эшитсан деб қолади.

Ҳар қалай, ўзбек ўқувчиларига осон бўлган: Азиз ака асарларини она тилимизда ёзган. Латифа ва ҳангомаларини ўзбекча айтган. Қийин-қийин, Светлов жанобларига қийин бўлган. У киши ўзбекча ёзолмаган. Аския, ҳазил-мутойибаларимизга тақлидан ёзганларини ўзбекчалаштиришга уннаб кўрган дейишади. Ҳазил-мутойибаларининг таржимаси бироз ўхшабдию, аскияси мутлақо чиқмабди. Охири “Ничсого, ўзбеклар талантли

халқ. Русчани ўз тилидан равонроқ гапиришади, дейдилар. Жуда бўлмаса, ўрисчага миллий яктак кийдирвора-диган Мирзакалон Исмоилий, Мияд Ҳакимов, Мирзиёд Мирзоидов, Қодир Мирмуҳамедов, Ҳасан Тўрабеков, ИброҳимFaфуров деган таржимонлари бор, деб эши-таман. Зора, Иосиф Игиннинг мен ҳақимдаги “Улыбки Светлова” номли рисоласи ана ўшаларнинг қўлига тушиб, ўзбекчага ҳам ўгирилиб қолса”, дея орзу қилган экан.

Афсуски, Светлов умид қилган улкан таржимонларнинг қўпи дунёдан ўтиб кетишиди. Шоир ҳақидаги ҳангомаларни ўзбек тилига ўгириш бизга ўхшаган, чала мулла онтармачи “мутаржим”ларга қолди.

Шоирнинг ана шу армонини эътиборга олиб, у ҳақида тўқилган ҳангомаларни ўзимизнинг тилга баҳоли кудрат ўзимиз онтариб қўяқолдик.

Шундай қилиб, сўз, Иосиф Игинга.

Иосиф ИГИН

СВЕТЛОВ ТАБАССУМЛАРИ

Бир гал Светловнинг суратини чизаётгандим.

– Сенинг шаржларингда жуда гўзал чиқаман-а! – деди у ҳазиллашиб.

Суратини солаётган пайтларимда ҳам атрофидан одам аримасди. Унга талпинган инсонлар оқимини кўп йиллар давомида кузатдим: ёшлар, кексалар, машхурлар, номашхурлар, танишлар-нотанишлар...

Клублар, театрлар, кўча-кўйларда ҳам одамлар у билан мулокотга интилишарди. Светловнинг ўзи ҳам бошқалар сухбатига доимо муштоқ эди. Ҳатто, ишлаётган пайтларидаям. Эндинга ёзган шеърини кимгадир ўкиб берсам деб, орзикиб турарди. Ёлғиз қолса, кун ёки тун демай, кўнгил яқинларига кўнгироқ килаверарди. Бир сафар, ана шундай қўнгироқларидан уйғониб кетиб, сўрадим:

— Ҳозир соат неччи, биласанми?

— Дўстлик, кечакундузни билмайдиган тушунча. — дэя жавоб берди у.

Учрашиб қолган пайтларимизда, албатта, ён дафтарига қораланганди бирон байт ёки фардни ўқиб берар:

— Қалай? — деб сўрар ва жавобни ҳам ўзи берарди. — Менимча, ёмон эмас. Шсър бўп кетади-ёв...

Тириклигидәк, афсонага айланиб улгурган бу инсон, ҳайрон қоладиган даражада содда ҳам эди. Ёшларни чин юрагидан севарди.

— Метрикани ўйлаб топиб, одам зотини ёш-карига ажратганлар ноҳақ, — дерди у. — Барча бир одам! Фақат, ҳаёт тажрибаси бировида озроқ, бировида кўпроқ. Тажрибаларингни бўлишсанг, ёшлар улгаяди. Ўзинг эса, яшариб, улар билан тенглашиб қоласан.

Свестлов ўз ҳаётий тажрибаларини ёшлар билан ҳеч қандай ўгитларсиз ўртоқлашарди. Шундан бўлса керак, кўплаб шоирлар бутун у билан яқин бўлганлигини ифтихор билан эслайдилар.

— Мен — Михаил Аркадьевичнинг ўқувчисиман, — деб ёзади Смеляков.

— Унинг олдига келганимда, бор-йўги бир мистро қурувчиси эдим, — дэя эслайди Сергей Смирнов.

— Янги шсърларимни эълон қилишдан олдин, — дейди Марк Соболь, — уларга Михаил Аркадьевич қандай баҳо берган бўлардийкин, деб ўйлайман.

Кимдир шундай деган эди: “Агар у орамизда машҳур шоир эмас, оддий одам сифатида яшаб ўтганида ҳам инсоният кўп нарса ютарди”.

Свестлов билан биз икки бор танишганмиз. 30-йилларнинг бошларида, Москва полиграфия институти талабаси эдим. Шоир Эдуард Багрицкийни талабалар кесасига таклиф этиш менга юклатилди. Унга қўнғироқ қилдим. Ўзимни яхши ҳис қилиб турсам, албатта бораман, деб айтди.

Ўша кун, тўғрироғи, учрашув онлари келди. Талаба-

лар йиғилишган. Шоирни олиб келиш учун уйига бордим. У ёғоч калавотда, туркларга хос, чордана курган ҳолда ўтирап, оғир-оғир нафас оларди. Пешонасини ёпиб тушган нурсиз соchlарининг ранги юзларига ҳам уриб кетгандай. Қаршимдаги одам ёшига нисбатан, анчайин қари кўринарди. Ваҳоланки, Багрицкийнинг, ўтиздан салгина ошганлигини яхши билардим.

Каравотнинг ёнидаги стулда, ориққина, буроқ сочла-ри тўзғиган бир йигит, кулибгина ўтиради.

Хонанинг ичи аквариумлар билан тўла. Улар асосан, девор бўйламасига, ойна раҳларига териб чиқилган. Ортганлари стулларга ҳам кўйилган.

Аквариумларда алламбало шакл-шамоилдаги ба-лиқчалар. Чавақчалари гала-гала бўлиб гоҳ у, гоҳ бу томонгачувиллаб учар. Каттароқлари сувнинг ўртароғида солланиб сузишарди. Ана, биттаси, бурнини ойнага ти-раб, бақрайиб турибди.

– Мен бугун пешонасини деворга тираб ташқарига тикилган мана шу балиққа ўхшайман, – деди Багриц-кий ва ёнида ўтирган кишига юзланди. – Эшитдингми, Миша, талабалар йиғилишиб, кутишаётган экан. Эҳти-мол, сен бориб келарсан?

– Бориб, уларга нима дейман? – сўради ориққина йи-гит, – Багрицкий ва унинг ғаройиб балиқчалари ҳақида эртак айтиб бераманми?

– Амаллайсан. Шеърларингдан ўқийсан. Масалан, “Рабфакчилар”инг билан бошлаб, “Гренада” билан якун-лайсан.

Тушундимки, қаршимда турган иккинчи одам Михаил Светлов.

Михаил Светлов талабалар билан мулоқотни шеъри-ят, санъат мавзусидан бошлади ва табиийки, гап ўз-ўзи-дан ҳаёт муаммоларига уланиб кетди.

– Талантсиз одамларга осон, – деди у, – бирон соҳада иши юришмаса, бошқасига уриб кетаверади. Талантли-ларда эса, танлаш имконияти йўқ.

Шеър ўкиётганды у адашиб ҳам кетар, бундай паллаларда керакли сатрларни залдагиларнинг ўзлари эслатиб қўйишарди. Бу эса, шоирни аудиторияга янада яқинлаштиради.

Биз у билан йиллар ўтиб, уруш тугагач, ҳамфир дўстлар даврасида қайтадан танишдик. Михаил Аркадьевич, албатта, мени ёдидан чиқарган, мен ҳам соchlари оқарган, бироз энкайиброқ қолган бу одам, талабалар кечасида шеър ўқиб берган ўша ёш шоир эканлигини дабдурустдан пайқай олмадим.

Шоир Светлов, дейишганида, Архангелскийнинг “Керакмас, керакмас, ашъор керакмас!” деб бошланувчи пародияси ёдимга тушди:

– Ана шу сатрлар сиз ҳақингиздамиди? – деб сўрайман.

– Албатта, қария! – дейди у кулимсираб . – Мен ҳамон ўша ўгитга амал қилиб яшайпман. Мана энди, кам ёзаётганликда айблашяпти.

Телефонларимизни ёзиб олдик. Баъзи-баъзида қўнғироқлашиб, учрашиб турдик. Бироқ, дўстлигимиз ва кизғин ҳамкорлигимиз анча кейин бошланди. Тўғрироғи, охири яхшилик билан тугаган, учрашганимизда бот-бот эслаб туриладиган бир қўнгилҳолликдан бошланди, деса ҳам бўлади.

Бу воқеа 1950 йили бўлган эди.

Марказий санъат уйи ресторанида бир хоним билан қаймоқлашиб ўтирадик. Ёнимизга Светлов келиб қўшилди ва кўп ўтмай, ҳонимнинг менга бўлган қизиқиши тамом сўнди. Улар ўртасидаги гурунг эса шунақанги қизиб кетдики, гўё, мен йўқдай эдим. Ҳонимнинг эътиборини қайта қозонишга уриниб кўрдим! Қаёқда дейсиз?! Халақит бермай тур, дегандай, қўлини сермаб қўярди.

Ўша пайтларда, ижодкорлар ўртасида бир-бирларига ўртоқлик ҳазиллари ёзиш ёки чизиш яхши анъанага айланиб бораётганди. Альбомимни очиб, Светловнинг ўша дамдаги ҳолатини қофозга тушира бошладим. Қараб

тургин ҳали, дедим ичимда алам билан, суратинг канчалик ўртоқларча чиқаркин!

Мен, ўч олишга шайланган эдим. Иш жараёнида, беихтиёр, улар ўргасидаги сухбатнинг унсиз иштирокчи сига айландим. Светловнинг ажойиб ҳазил-мутойибала-рини тингларканман, ичимдаги алам туйғусини унутган эдим. Расмни тугатиб, шоирга кўрсатдим. Тасвирда менинг жаҳлимдан нишон ҳам йўқ эди. Светлов ўз суратини кузатаркан, кулиб қўйди ва шу ернинг ўзида, тагига тўрт қатор шеър ёзиб берди.

Бу ерда қаҳрамонимнинг ёқимтой сиймоси ғолиб келган эди.

Шоир ҳақидаги илк шарж ва унга ёзилган дастлабки шеър шу тариқа пайдо бўлган.

Шундан бўён кўп йиллар ўтди.

У ҳақидаги нарсаларни кўздан кечираман. Мана, қораламаларимга ўз кўллари билан битиб қўйган сатрлари: тўртликлар, ҳазил-мутойибалар, лирик шеърлар. Улар бизнинг ажойиб сухбатларимиз, учрашувларимизни эслатиб туради. Шу папкадаги нарсалар, кўлёзмалар бўлмаса, ўша бетакрор лаҳзалар одамнинг ёдида сакланниб қолармиди, йўқми?

Бугун унинг дилга хузур бағишлайдиган сухбатларини, дилкаш сиймосини соғинаман. Қачонлардир узилиб қолган сухбатларимизни хаёлан давом эттиришга тиришаман.

Кунда-кунора учрашиб юрган одаминг бир кун келиб бу ёруғ оламни тарк этишини, сен эса у ҳақда бошқаларга гапириб юришинг мумкинлигини, одатда, сира ўйламайсан.

Кейинги пайтларда ўқувчилар, талабалар, ишчи-хизматчилик, олимлар, қўйингки, турфа тоифа одамлардан кўплаб хатлар оляпман. Уларнинг аксарияти Светлов ҳақида сўзлаб беришимни сўрашади. Ушбу рисола ана шу сўровларга жавобим бўлақолсин.

Ушбу китоб шоир ҳақида турли йилларда, турли ва-

зиятларда яратылған қисқа-қисқа ҳикоялар, ўртоқлик ҳазилларимдан таркиб топған хотиралардир.

Унга киритилған фикрлар, оғарышмалар бирданиңа ёзилмаган, албатта. Уларни хотирамда қандай қолған бўлса, ўшандай қофозга туширишга ҳаракат қилдим. Архивимда сақланып-табада Светлов ўз кўллари билан битган ёзувлар, дастхатлар ҳам ўкувчилар учун қизикарли бўлса керак. Шу маънода, уларнинг ҳам айримларини рисолага киритишга карор қилдик.

Светлов билан “Дўстлик музейи” номли китоб тайёрлашга киришган пайтларимиз эди. Нашриёт ҳукуқшуноси “Муаллифлар” деган жойига

“И. Игин ва М. Светловнинг бирдамликдаги ҳамкорлигига” деб ёзиб кўйди. Бу, демак, у менсиз матнларни, мен эса усиз суратларни топшира олмаслигимизни билдиради.

Ишланаётган ҳар бир суратни Светлов билан келишиб, сўнг чизардим. Мавзулар, сюжетлар, холосаларни ҳам бамаслаҳат ҳал қиласардик. Шартномада кўрсатилған вактда, суратлар тайёр бўлди. Светлов бўлса, матнларни ёзишга, ҳадеганда, киришавермади.

– Хавотир олаверма, қария, – дерди у қатъий қилиб.
– Бирон кун уйинга бориб, ҳаммасини бирпасда ёзиб ташлайман.

Мен эса, кутардим.

Ундан кейин ҳам кўп бор кўришдик. Нималар ҳакида сухбатлашмадик, дейсиз. Бироқ ишимиз масаласида лом-мим демасди. Алҳол, бир галги учрашувимизда сўрадим:

– Келасанми, ўзи?
– Сешанба куни, – деди у.
– Тилхат бер! – дедим мен.

Ён дафтаримнинг тоза варагини очиб кўлига тутқаздим.

– Ҳар эҳтимолга қарши, бирон кун қўшиб ёзаверайнин, – деди у кулимсираб ва ёзди:

Тешикмозор ҳанғомалари

Сешанба ё чоршанбада,
Борадирман, албатта!..

Имзо
17. I. 59.

Ва албатта, у...яна келмади.

Иттифоко, Адабиётчилар уйида учрашиб қолдик.
Дарҳол тилхатни күрсатдим. У менга аччиғланғаннамо
тиклиб турди-да, олдинги тилхатининг остига шундай
деб күшиб күйди:

Үтар жума, шанба, то...
Бормагайман, мутлақо!

Имзо
19. III. 59.

Табиийки, ўртамизда анчагина нари-бери гаплар ҳам
үтди. Шу бўйи, бир неча ой учрашмадик.

Жанжал ўз йўлигаю, аммо китобни тайёрлаб, топши-
ришимиз шарт эди.

Светловнинг уйига боришга қарор килдим. Кутилма-
ганда, июнь тонгларининг бирида, ўзи келиб қолди. У
ўзини ўртамизда гўё ҳеч гап бўлмагандай тутарди.

– Сен мендан эмас, Ермиловдан хафа бўл, қария, –
дер экан, “Кўшиқ қалби” номли янги чиққан китобини
қўлимга тутқазди. Китобнинг сарварағида қуидаги сўз-
лар битилган эди.

Гиналар бас, жаҳлингни босиб,
Мен билан дўст бўп қол, Иосиф!

Имзо
26. VI. 59.

У чўнтагидан бир даста қоғоз чиқараркан, деди:

– Бир нималарни қоралагандим, кўр-чи.

Булар ҳамкорликдаги китобимизга киритиладиган
эпиграммаларнинг матнлари эди. Светлов қолган нар-
саларни ҳам ёзиб тугатмагунча, меникода қолди. Китоб

“Ношаръий никоҳ” номли мана бу картина билан яқун топарди. Свєтлов эса, унинг остига қуйидаги сатрларни битиб қўйди:

*Бу никоҳ ношаръий, гирт ёлғон,
Ким, ўзига уйланган? Қачон?*

Имзо

Лснинградга борадиган бўлиб қолдим. Посзднинг жўнашига эса бир исча соат бор. Вақтни ўтказиш учун Актёрлар уйидаги қаҳвахонага кирдим.

Столлардан бирида Свєтлов ўтиарди.

- Бўкиб улгурисан чоғи? – дедим ҳазил оҳангода.
- Йўқ, ҳали сувга ҳам тушганим йўқ, – дея жавоб қилди у ўзини жиддий тутиб.

Свєтловнинг айни пайтдаги кайфияти қувноқ бир сухбатни ваъда қилиб турарди. Бироқ у соатига қардию, шошиб қолди.

- Кечирасан, – деди у. – Бир ҳурилиқ билан учрашим керак, – дедиую, шошиб чиқиб кетди.

Қаҳвамни ичиб бўлгач, мен ҳам кетишга шайландим. Шу пайт, кутимаганда у ортига қайтиб кирди.

- Нима, – сўрадим мен, – дўндиқча келмадими?
- Унданам баттар, – деди у қайғули оҳангда, – учрашувга келишган жойимиз ёдимга келмаяпти

Унинг кайфияти шунақсанги бир маҳзун алфозда эди-ки, айни ҳолатини ён дафтарчага қоралаб қўйиш керак, деган фикр келди, хаёлимга.

Қораламани чизаяпману, унга учрашув жойларини бир-бир эслатаман: Пушкин ҳайкали, Марказий телс-граф, метро станциялари, савдо расталари... Йўқ, айнан, ўша жойнинг номи йўқ эди.

- Уфқда эмасмиди? – ҳазиллашдим мен.
- Ҳа, нима бўпти? – дея сўзимни оғзимдан юлиб олди у. – Бу сўзларингни, хатто, шеър қилиш мумкин.

У қўлимдаги дафтарчани тортиб олиб, ҳаёлига келган икки сатрни ёзди:

*Сен-ла учрашамиз, айтайми, қайды,
Хув, Осмон Ер билан туташган жойда...*

Орадан түрт йил ўтди. Ён дафтаримни вараклар эканман, бу сатрлар қандай ёзилғанлигини эслашга ҳаракат қиласман ва топаман. Ҳа, актёрлар уйи қаҳвахонасида. Айни, ўша, Светлов билан ўтирган жойимизга келиб, унга құнғироқ қиласман ва ўша икки сатрни унга ўқиб бераман.

– Ким ёзған буни? – деб сўрайди у. – Тайёр шеър-ку!
– Тўғри – дейман мен. – Сен давом эттирсанг ёмон бўлмасди.

– Муаллифичи? – дейди у.

Ҳеч кимдан, ҳеч қандай даввойи достон бўлмаслигига ишонтираман. Уч кундан кейин у менга қуидаги шеърни ўқиб беради:

*Сен-ла учрашамиз, айтайми, қайды,
Хув, Осмон Ер билан туташган жойда...
Талпина уфққа, юрагим ёнар,
У эса қочади, севгидан тонар...
Уфқ қочар, мендан қочади,
Гўмроҳ бир кимсадан қочгани каби...*

Кўп ўтмай, шеър “Москва” журналида босилиб чиқди. Бу эса, анчадан буён ҳеч нарсаси ёритилмаётган шоир учун алоҳида бир воқеа эди. Ўша шеър сабаб деймизми, шоирнинг ижод уфқида янги-янги дийдорлашувлар бошланди. Гоҳ у журнал, гоҳ бу газета унинг асарларидан намуналар чоп этиб, шоирнинг муҳлисларини хурсанд қила бошлишди.

Бир ярим йилдан кейин унинг, айнан, ана шу шеъри билан очилувчи “Уфқ” номли китоби ҳам дунё юзини кўрди.

Светловнинг юбилейи. В. Кавериннинг хатини ўқиб эшилтиришди. Унда: “Мен Светловнинг нафақат талантига, балки, ҳайрон қоларли даражадаги камтарона ҳётига ҳам ҳавас қиласман. У борига қаноат қилиб яшай олади”, деган жумлалар ҳам ёзилған эди.

— Менга, — дея эътиroz билдирганди ўшанда Светлов, — бундай камтарона ҳётнинг кераги йўкку-я, аммо бундан бошқача яшашнинг иложи ҳам йўк-да!

* * *

Кутилмаганда ишлари юришиб кетган бир драматург кўп ўтмай, тилла занжирли, каттагина олтин соат тақиб келди. Бу курилмани кўрган Светлов кинояномуз деди:

— Оғайни, шу машинангнинг, анави, энг кичкина стрелкаласини сотсак, зўр майшат қиласардик-да!

* * *

Светловдан агитплакатга шеърлар ёзиб беришни илтимос қилишди.

— Ну иш менинг қўлимдан келмайди. — деб узр айтаркан, Маяковский билан бўлиб ўтган, ташвикий шеърлардан ҳафсаласини пир қилган бир воқеани айтиб берди.

— Мен, Маяковскийни жон-дилдан севардим. Унинг менга, — ёш шоирга нисбатан меҳру муҳаббатини доим хис қилиб турсамда, бир-бировимизга мутлақо ўхшамаслигимиздан хижолат чекардим. Шу боис унга рўпара келиб қолишдан чўчиб, ўзимни олиб қочиброк юрадим. Бир гал “Известия” газетасининг сўрови билан бир нечта қофияли шиорлар ёздим. Босилиб чиқсан куннинг эртасига, Ёзувчилар уйи томон кетаётсам, қаршимдан Маяковский келаяпти. Шартта ортимга бурилдим. Бироқ, у мени қўриб улгурган эди. Бутун йўлакни бошига кўтариб, бакирди:

— Қаёққа? Светлов! Сизни қидириб юрибман!

Ноилож, олдига келдим.

У мен билан куруккина саломлашаркан, чўнтағидан газетани чиқариб, деди:

— “Известия”да ўқидим. Биласизми, Светлов: мен шиор ёзишни биламан, шунинг учун ёзаман. Сиз эса, билмайсиз, ёзмаганингиз маъкул.

Светлов бироз жим тургач, қўшимча қиласади:

— Афсус, Сизга “шиорбоз” плакатчи шоирлардан биронтаси учрамагани чаток бўлди-да!

* * *

Тасвирий санъатдаги ўта замонавий оқим тарафдори сифатида танилган бир режиссёр Сикстин мадоннаси ҳақида деди:

— Ҳайронман, шу хонимни неча асрлардан бўён макташади. Менга эса, унчалик ҳам ёқмайди.

— Шунча замонлардан бўён, бутун инсониятга ёқиб келаётган экан, — эътиroz билдириди Светлов, — биронта кимсага ёқмасликка ҳам ҳаққи бордир, ахир.

* * *

— Шоир, ўз ўқувчисига ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлишга мажбур, — деган эди Светлов.

Бошка сафар эса:

— Адабиёт, ёзувчисидай талатли ўқувчи бўлганда-гина талантли адабиёт бўла олади. — деганди.

* * *

Переделкинодаги Ижод уйи устунларига қалдирғочлар ин кура бошлишди. Бир куни Светловни ана шу қалдирғочларга чўпак билан пўписа қилиб турганининг устидан чиқиб қолдим.

— Жин урсин, бу ерда нималар бўлаётганига тушунолмаяпман, — деди у инларга ишора қилиб. — Улар уя қуришни бир пайтда бошлишган эди. Кўриб турганингдай, биттаси тугаллаёзди. Иккинчисиники эса, ҳали ярмига ҳам етмай, тўхтаб қолди.

— Демак, — дедим мен, — улар ҳам одамларга ўхшар экан-да. Биттаси ишchan, бошқаси ялков.

— Йў-ў-қ, асинча! — сўзимни бўлди у. — Анави, сен ялков деб ҳисоблаётганинг тумшуғида қаердандир олиб келган лойни инига ёпишириб кетгач, манави, ишchan деб ўйлаётганинг секингина, ўша лойни кўчириб келиб, ўз инига қалаяпти. Қарабсанки, меҳнаткашнинг иши ўлда-жўлда, ўғри, муттаҳамнинг иши вада ванг. Мен, ана

A. Бойкүзиеев

шу текинхўрни чўпак билан ҳайдаб, жафокаш омманинг ҳақ-хукукини ҳимоя қилиб турибман, бу ерда. Сен бўлсанг, уларни одамларга ўхшатиб ўтирибсан-а! Наҳотки, одамлар шундай жирканч ишга қўл урсалар?

* * *

Бир денгизпараст шоир ҳақида деганди:

– Томоғигача сувга ботиб ётса ҳам, дунёни сув босса тўлиғимга чикмайди, деб ўйлади.

* * *

Сочларини бўяб олган аёлни кўриб, Светлов деди:

– Сочнинг оқи ҳам бронзанинг зангидаи гап. Бунга ҳам сазовор бўлмоқ керак.

* * *

Светлов қовоқхона ёнида К. исмли композиторни учратиб қолди.

– Нимагадир, ишлаёлмаяпман, – деди композитор. – Оқидан аралаштириб, бирор бокал отиб чиқмасам бўлмайди.

– Чўкаётган одамнинг умиди чўпдан, – деб қўйди Светлов.

* * *

Бир кечада битган бир шеърим устида, – дея ҳикоя қилган эди Светлов, – ярим йилдан қўпроқ тер тўқдим. Ёз тунлариди. Уйқум қочиб, илҳом кепқолди. Қофоз йўқ. Календар варағига ёзиб, ўчириб, йиртиб ташлайверибман. Тонг сахар, шеърни тутатиб, бундоқ қарасам, – декабрь!

* * *

Бутун уруш давомида ҳаво ҳужуми пайтларини бомбапаналарда нарса тўқиб ўтказган бир таникли адиба, охири, хотиралар ёза бошлади.

– Бу хоним, – дейди Михаил Аркадьевич, – бугун, урушнинг бошидан охиригача, қўлимизда игна билан жанг қилганмиз, деб ҳисоблайди.

* * *

Адабиёт институциинг бир гурух талабалари бир стол атрофига ўтириб олишиб, бир-бирларига гал бермай жовиллашар, шеър ўкишар, нималарни дир баҳслашишарди:

– Эслайсанми, Достоевскийда...

– Фақат, Толстойгина, шундай қила олган бўларди...

Светлов уларнинг ёнига келиб, деди:

– Биласизларми, менга нима ёқади? Сўз айтиш учун бир-бирингизга имкон беришингиз.

Ҳамма унга тикилиб қолди.

– Ассалому алайкум, Михаил Аркадьевич! Биз билан бирпас ўтиринг.

Мумтоз адабиёт ҳақида баҳслашяпмиз. Масалан, Толстойга муносабатингизни билишни истардик?

– Толстой, албатта, буюк ёзувчи, аммо, табиатан оғир одам, – жавоб берди Светлов. – Пушкин ёнида эса, ўзимни эркинроқ ҳис қилган бўлардим.

* * *

Казакевичнинг “Юлдуз” номли повести мухокамасида адиба А. сўз олиб, деди:

– Казакевич илгари ўртамиёна ёҳудийча шеърлар ёзиб юрарди. Ўрисча насрининг қойилмақом тилини кўриб, ҳайратга тушяпман!

– Азизам, – деди унга Светлов, – ўзинг ҳам ўрисча шеърлар ёзишга ўтсанг бўлармиди.

* * *

Светлов Адабиётчилар уйида шоир Н. ни учратиб қолди. У жуда ҳам хафа кўринарди.

– Кайфиятингиз намунча бузук? – сўради Светлов.

– Хотиним билан ажрашяпман, – деб жавоб берди Н. – Шеърларимга қанча гонорар олмай, барибир, камлик қиляпти.

– Ҳа, – деди Светлов ҳамдардлик билан, – шоирларга, қалам ҳақига эмас, шуҳратига нон ботириб ейдиган хотин керак.

* * *

Умрининг сүнгги йилларида Светлов шеърларыда ҳам, үзаро сұхбатларыда ҳам қарилек мавзусига күп мурожаат қиласынан бўлиб қолди. Бунга кексалик, азобуқубатларга тўла ҳаётида орттирган касалликлар ҳам сабабчи эди. Мана бу икки сатр ҳам ана шундай оғир дамларнинг маҳсулі бўлса ажаб эмас:

*Жұма, шанба, якшанба, йўқ маъни,
Қарилекдан энди омонлик қани?*

Михаил Аркадьевич бу шеърни давом эттиришга кўп ҳаракат қиласы. Бир неча вариантлари ҳам бор эди. Лескин уринишлари бесамар кетди. Ушбу сатрлар остидан ёзилган мисралар чизиб ташланаверди. Фақат, шу икки қаторгина, ўчирилмай қоларди. Аслида, бу икки сатр, ҳеч қандай қўшимчасиз тугал маъно касб этадиган алоҳида шеър эди. Шундай эмасми?

*Жұма, шанба, якшанба, йўқ маъни,
Қарилекдан энди омонлик қани?*

* * *

Шифокорларнинг тавсиясига кўра, Светлов бир неча муддатга, Ялтага жўнаб кетиши керак эди. Аммо у кадрдан дўстлари, деярли ҳар куни борадиган Адабиётчилар клуби, жонажон Москвадан узоқлашишни истамасди. Мен нохуш ҳаёллардан чалғитиши учун унинг шаржларини чизардим. Тушкун кайфияти суратларда ҳам акс этиб турарди.

Улардан бирига шундай тўртлик ҳам ёзуви:

*Захмат занжисири йўқ гарчи бўйнимда,
Озид-тўзиб борётганим чин.
Салқи афтим, синиқ аэсипларимни,
Хўбам топволди-да, мусаввир Игин!*

Имзо 21.I.60

* * *

Сўзимнинг охирида, мен яна, ўша, Светлов билан биргаликда тайёрлаган “Дўстлар музейи” номли рисоламизга қайтсам.

Қизғин ишларимиз ниҳоясига етиб, китоб нашриётга топшириладиган кун яқинлашашаپтию, икковимизнинг ҳам қўлёзмадан ажралгимиз келмасди.

Ўша дамдаги туйғуларимизни у шундай ифодалаган эди:

Ҳа, китоб битди –хайрлашув онлари етди!

Бироқ, бу – жудолик дегани эмас.

Яласин, дўстларга соғинчларимиз!..

– Узоқ йиллик тажрибаларим, ўз ўқувчининг билан худди, ёнма-ён ўтириб олиб, сухбатлашаётгандай ёзишинг керак, деган ақидамнинг тўғри эканлигига ишончимни янада мустаҳкамлади, – деган эди Светлов.

Қўлингиздаги китобни эса бир ўзим тайёрлашимга тўғри келди. Бироқ, бутун иш жараёнида, Светлов ҳам ва Сиз ҳам, азиз ўқувчим, ҳаёлан менинг ёнимда турдингиз.

Яласин, дўстларга соғинчларимиз!..

* * *

Ёзувчи Борис Бяликнинг ҳикоя қилишича, уруш йиллари у Светлов билан фронтнинг олдинги мэрраларига бориб, ижодий учрашувлар уюштиришган. Ана шундай кечалардан бирида хаво жангига бошланиб қолади. Атрофда бомбалар портлай бошлайди. Лекин бирорта аскар ўзини панага олиб қочмай, шоирни охиригача эшитишади. Хайриятки, ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Шунда Бялик шоирдан сўрайди:

– Наҳотки, қўрқмаган бўлсанг?

– Қўрқмадиму, лекин... шеърим бироз чўзиқроқлигини ҳис қилдим.

* * *

Светлов ёш ижодкорлар даврасида үзини ниҳоятда одми тутар эди.

Шоирнинг соддалигини үзича тушунган бир йигитча унга Миша, деб мурожаат қила бошлабди. Шунда Светлов ёш ижодкорга оҳиста дебди:

— Бунчалар такаллуфга ҳожат йўқ. Мени оддийгина қилиб Михаил Аркадьевич, десангиз ҳам бўлаверади.

* * *

Ёзувчилар уйи меҳмонхонасига рус адабиётининг таникли арбобларидан бири кириб келади. Унинг қўлида “Вечерняя Москва” газетаси бор эди.

— Мана буни қара, — дейди у Светловга юзланиб. — Яхшигина бир актёрнинг ўлиги қандайдир “оқшом” газетасига қолибди.

— Ажабланишга ҳожат йўқ, — жавоб берибди Светлов. — Сен ҳам нари борса “Ахборот”да ўласан.

* * *

Светлов бирорлардан қарз олишни ёқтирмас эди. Жуда чорасиз қолса, Адабиёт жамгармаси ёки биронта дўстига мурожаат қиласади. У доим шундай дер эди:

— Қарз ёмон нарса-да. Бирорнинг пули. Яна, вақтинча оласан.

Қайтараётганингда эса ўз пулингдан берасан. Боз устига қайтмайди. Бир гал у шундай ҳазил қилган экан:

— Қарзни руҳан тушкун одамлардан олган маъкул. Улар қарз берәтибок, пулдан умидини узишади.

* * *

Светловнинг ашаддий пияниста дўсти қўнғироқ қилиб қолибди.

— Сизларда об-ҳаво қандай? — сўрабди Светлов.

— Иссиқ, 25 даража, — жавоб келибди у ёқдан.

— Ҳа, — дея гапни ҳазилга бурибди шоир, — яна 15 даражада қўшилса, ичиб қўя қолардинг.

* * *

Молдаван шоирларидан қилған таржималари боси-либ чикқач, қалам ҳақини вақтида ололмаган Светлов ноширларга пўписа қилётгандумуш:

— Ҳадеб, овора килаверсаларинг, барча шеърларни молдаванчага қайта ўгириб қўяман.

* * *

Сергей Орлов Светловга ўзининг “Филдирак” номли шеърий китобини совға қилибди.

— Азизим, — дея ҳазиллашибди шоир, — яна учта ғилдирак қилсанг машина бўларди-да.

* * *

Истеъдодсиз икки шоир бир-бирини турли бўхтон-лар билан ҳақоратлашарди. Бунга чидай олмаган учинчи бир киши дебди:

Буларга ҳайронсан. Аслида, адабий жараёнда икко-вининг ҳам ўрни йўғу...

Шунда Светлов нима дермиш:

— Тўғри айтасиз, ўрни йўқ. Бироқ улар ўртасида ўша ўринсизлик учун аёвсиз кураш бор.

* * *

Бир шоир ҳақида Светлов:

— У кружкадаги пивога ўхшайди. Кўпигини пуфлаб ташлаб, сўнг ичиш керак, — деган экан.

* * *

Светловнинг таваллуд кунида шоирнинг Жакондага ўхшатиб ишланган суратини тақдим этдим. Аёл қиёфа-сидаги ўз суратини кўриб ҳайратланган шоир нима деди денг:

— Леанардо...да... са...л бошқачаро-ок...

* * *

Михаил Светловни ilk марта кўриб турган бақалоқдан келган, анчайин тарбиясиз бир аёл ажабланганини яширмабди:

— Вой, худойим-ей! Шунчаям ҳилвамисиз-а?

— Сизнинг келбатингиз менда бўлса, аллақачон буюклик касалига мубтало бўб қолардим, — кулибди шоир.

* * *

Ёш ижодкорлардан бири доим Светлов мени эслаб колмаган, деган гумон билан ўз исми шарифини айтиб саломлашар экан. Бу гал ҳам ҳамишаги одатига биноан, ўзини таништирибди:

— Саломалейкум, Михаил Аркадьевич, мен Иванов...

— Салом, Коля! — дебди жилмайиб Светлов. — Мен сизни Вера Инбермикинсиз дебман.

* * *

Шифохонада бетоб ётган Светловни кўргани таниш бир аёл келибди. Аёлнинг эгнида олачипор матодан тикилган кўйлак бўлиб, унда турли-туман шаҳарлар, машҳур масхарабозлар, санъат, кино юлдузларининг номлари акс эттирилган эди. Таъби анчайин нозик Михаил Аркадьевич кўзойнагини такиб, ёзув ва тасвирларни кинояли жилмайиш билан ўқий бошлабди.

— Бунча ажабланмасангиз, — дебди аёл шубҳаланиб. — Нима, кўйлагим сизга ёқмадими?

— Йўқ, аксинча, — дея мулойимгина жилмайибди Светлов. — Мен кўйлагингизни туни билан ўқиб чикишим мумкинлиги ҳакида ўйлади пман.

* * *

Светлов бошига тушган оғир мусибатларни ҳам матонат билан қарши олар, ҳеч қачон тақдирдан нолимасди. Ҳаётда у қачадан-қанча шафқатсиз, адолатсиз танқидларга учрамади, дейсиз. Боз устига тинка-мадорни куритувчи касалликлар... Ҳар қандай шароитда ҳам у ҳазил-мутойибани ўзидан бегоналаштирмасди. Кўпинча:

— Шоирнинг бахти барчаники, бахтсизлиги эса ўзиники — сир бўлмоғи лозим, — дер эди.

* * *

Иқтидори ҳаминқадар бир шоирни Ёзувчилар уюш-
масига қабул қилишаётган эди. Светлов карши фикр
билдирди. Кимдир номзодни химоя қилди:

– Тушунинглар ахир, унинг ижоди долзарб мавзу,
асосан, аскарлик ҳаётига бағищланган.

– Мен, – дея эътиroz билдирибди Светлов, – уруш
мавзусида ёзилган шеърда ўрмалаб бораётган ботир
жангчини яхши тасаввур қиласман ва жасур аскар ўр-
малаб бораяпти, деб айта оламан. Бу ерда эса нолойик
номзод ёзувчилар сафига ўрмалаб кириб келяпти.

* * *

Стол атрофида Михаил Светлов, шоир С. ва бир қиз
ўтиришарди. С. шеър ўқиди. Кўнгли бузилиб кетган
қизнинг кўзларига ёш қалқди. Рўмолча излаб, сумка-
часини титкилай бошлаган эди, С. назокат билан ўз да-
стрўмолини узатди. Қиз уни кўзларига боса-боса қай-
тариб берди. Ва, албатта, дастрўмолда кўз ёшлардан
доғчалар қолган эди. С. дастрўмолига тикилар экан,
эҳтирос билан деди:

– Сенинг кўз ёшларинг олиб кетаман.

Светлов кулимсираб қўшиб қўйди:

– Ва, албатта, пастда кутаман...

* * *

Адабий учрашувлардан бирида Светлов шеърхонлик
тугагач, муҳлислардан тушган хатларга муносабатини
билдирикаркан, бир қанчасини жавобсиз қолдиради.

– Нима учун саволларга бир четдан жавоб берма-
япсиз? – деган овоз келибди, пастдан.

– Бу ердаги саволларнинг барчасига жавоб бера ол-
ганимда, – дебди Светлов, – мен учун яшашининг қизиги
қолмас эди.

* * *

Адабиёт институтида бир талаба диплом ёқлаяпти. У
денгиз ҳакидаги шеърларини ўқиди. Шоирга нисбатан
танқидий фикр билдирикаркан, Светлов деди:

— Денгиздаги тиниқликни, мовий бепоෂнлик, улкан пүртанаңарни шеърга олиб кириш, бу бошқа гап. Бирок сув кимга керак?!

* * *

Светлов ўзининг буқчайган гавдасидан қўпинча ўзи қойиллатиб куларди. Бир гал шундай деганди:

— Савол аломати биласизми, нима? Бу – ундов белгисининг кексайгани.

* * *

Қалам ҳақи бериладиган куни Светлов нашриёт касасига келибди.

Маълум бўлишича, унга ҳеч нарса чиқаришмаган экан. Гонорарини куртдай санаб олаётган бошқа ёзувчиларни кузатиб турганидан ажабланаётганларга шундай дебди:

— Кўзим пул кўрмаганига анча бўлди. Қанака бўлишини кўриб, бир тўйиб олсин, деб турибман.

* * *

Светлов актёр С. ни унча ёқтирмас, иложи борича у билан мулоқотдан қочиб юрарди. Ўша С. бир куни шоирни тутиб олиб, дебди:

— Аблаҳ эмаслигим ҳақида сизга маълумотнома келтиришим мумкин.

— Агар, шундай хужжат менда бўлганида, — жавоб берибди Светлов, — ўзимни шубҳасиз, аблаҳ деб хисоблаган бўлардим.

* * *

Светлов қўриқ ер сафаридан қайтиб “Янги баҳт билан!” номли пьеса ёзибди. Театрда ишловчи бир актёр иштибоҳини яшиrolмай сўрабди:

— Қўриқ ерда шахсан бўлдингизми?

— Бунинг нима аҳамияти бор? — ажабланибди Светлов.

— Ҳақиқий ижодкор тасвирлаётган ҳолатлари ҳаётийлигига тўла имон келтиргач, қўлига қалам олади.

— Очкүз бўри Қизил шапкачани еб қўйганига ўзингиз ҳам шахсан ишонасизми? — сўрабди Светлов ҳам.

* * *

“Тарбиянинг бош омили юмор бўлиши керак”, деган эди Светлов “Мен кулги тарафдориман” номли китобида, ўз ўғли билан боғлиқ иккита ҳолатни мисол келтириб.

“Бир гал сафардан қайтиб, оиласиздагиларнинг барчасини саросимага тушган ҳолатда учратдим. Титраб-қақшаб “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишарди. Шуригимиз сиёҳ ичиб олибди!...

— Сен чинданам сиёҳ ичдингми? — сўрадим ўғлимдан.

Шурик ўзининг сиёҳранг тилини намойишкорона чиқариб кўрсатди.

— Бемаънилик, — дедим мен. — Ичишга-ичибсан, нега орқасидан сиёҳшимгич чайнамадинг?!

Шундан буён кўп йиллар ўтди. Шурик бирон марта ҳам сиёҳ ичмади.

Бошқа сафар қандайдир айби учун уни газета билан урдим.

Табиийки, бунинг оғриғи ҳеч гап эмас. Бироқ ўғлим ниҳоятда хафа бўлиб кетди.

— Сен мени “Ўқитувчилар газетаси” билан урдинг-а?! Ҳамонки, уаркансан, шу ерда “Правда” (“Ҳақиқат”) ҳам ётувди-ку!

Шу ондаёқ, ўғлим энди менинг тарбиямга муҳтож бўлмай қолганини ҳис этдим”.

* * *

Светловнинг ашаддий муҳлисларидан бири шоирни учратиб қолиб, дебди:

— Ё, қудратингдан! Шу кўриб турганим тирик классикми?

— Унчаликмас, — дебди Светлов, — Ўлай-ўлай деб тургани.

Марк ТВЕН

МУТОЙИБА ҲАМ ҲИКМАТ

Ер юзидағи биронта халқ бенасиб қолмаган бойлик бу – юмор.

* * *

Моҳиятида донолик ётмайдиган хар қандай ҳазил-мутойиба ҳеч нарсага арзимайды.

* * *

Яқиндагина чоп этила бошлаган газетанинг нишона сонида бир мақолага кўзим тушди. Остига “Кўп йилдан буён мухлисингиз”, дея имзо қўйилибди.

* * *

Қайта турмуш қурган беванинг қалби эски жиҳозлар билан безатилган хона монанддир. У ерда собиқ ижарачидан қолган ашкол-дашқоллар ҳар доим топилади.

* * *

Ёш хоним рангпар чехраси билан ҳаммани ажаблантириш ниятида маргимуш ютди ва муддаосига эришди, факат... майит ҳолатида.

* * *

Газеталардан бирида шундай эълон беришибди: “Камида 67 дуэлдан омон колган бош муҳаррир ишга таклиф килинади”.

* * *

Шаҳар хиёбонларидан бирига кўйилган мармар хайкалларни кўрган бир кишилоклик ажабланиб шундай дебди: “Шапалоқдай жойга олтига қўрикчи. Қандай исрофгарчилик! Уларнинг ҳар бири билан бутун-бутун пайкалларни қўрикласа бўлар эди!”.

* * *

Жавобгарга даъво билан мурожаат қилдингизми? – сўради ҳукуқшунос ўз мижозидан.

– Ҳа, жаноб!

– Хўш, у нима деди?

– Менга деса, иблисга бормайсанми, деб кувиб солди.

– Кейин нима қилдингиз?

– Мана, келдим олдингизга!

* * *

Бу ёруғ оламда энг муҳими нима, биласизми? Кулгу ва дадиллик.

Кимдаки, шу икки жиҳат мужассам экан, турмушда омадим чопди, деб хисоблайверсин.

* * *

Америка жамоатчилигининг фикри шундай бир ҳарир матоки, хиёл тегиб кетсанг тонги тумандай тарқайди, кетади.

* * *

Икки ҳолатда одам биржа савдоси билан шуғулланмагани маъқул: қачонки, пули бўлса ва қачонки, пули бўлмаса.

* * *

Бир бандада жон таслим қилиш олдидан руҳонийни чақиртириб, юрагини очибди:

— Тақсир, марҳамат қилиб айтинг. Жаннатга тушганим тузукми ё дүзахга?

— Икки томонда ҳам үзига хос афзалликлар бор, — жавоб берібди руҳоний, — иқлими десангиз, жаннат тузық, дүзахда эса жамоатчилик билан бирга бўласиз.

* * *

Сент-Луисда хуқуқшунослар бир бирларини “ёлғончи” ва “қўрқоклар”, деб атайдилар. Бу эса уларнинг үзлари ҳақида онда-сонда бўлса ҳам ҳақиқатни гапиришлари исботидир.

* * *

Лондон кўчаларида диндорларни ибодатхонага чорловчи эълонлар пайдо бўлди: “Хонадонлар эшигини бузиб ўғирлик қилгани учун уч бор қамалиб чиқсан Нед Райт вавъ ўқийди. Киришда пул... олинмайди. Хуш келибсизлар!”

* * *

Сепкилни кеткизувчи хандори Янги орлеанлик кишида синааб кўрилди. Юзларидаги бир-иккита доғни айтмаса, bemорнинг ичи дарддан бутунлай фориг бўлди.

* * *

“Француз комедия қўмитаси”да бир ёш шоир үзининг пьесасини ўқиб эшилтирди. Асар бир овоздан рад этилди. Шоир ҳайъат аъзоси бўлган бир машхур актёрга қарата эътиroz билдири:

— Ўзимнинг норозилигимни изҳор этишга мажбурман. Сиз пьесамга қарши овоз бердингиз. Ваҳоланки, уни ўқиётганимда ухлаб ўтирдингиз.

— Жаноб, адабиёт масаласида уйқу ҳам муҳим фикрни ифодалайди, — деб жавоб берди ҳайъат аъзоси.

* * *

Ўз устингда ишлаш – муносиб машғулот. Бошқалар тарбияси билан шуғулланиш ундан-да муносиб ва анча осон.

* * *

Хатоларингни доим рўйи-рост бўйнинга ол. Бу бошликларнинг сенга нисбатан хушёргини пасайтириб, янги хатоларга йўл қўйишинига имконият туғдиради.

* * *

Ҳак гапни ҳеч қачон айтма, айниқса, бунга нолойик кимсаларга.

* * *

Ёлғонни ҳуда-бехуда елга совурманг. Қайдан билиб ўтирибсиз, бир кун келиб у ўзингизга ҳам жуда аскотиб қолиши мумкин.

КУЛГИДАН ЯСАЛГАН ГУЛДАСТА

Бобур Мирзо Андижон аҳли ҳақида сўз юритиб, “Эли қалам била ростдур”, дейди. Бу таъриф то ҳануз мақомини, кувватини йўқотгани йўқ. Бизнинг замона-мизда ҳам Андижоннинг шаънини, шавкатини эл аро кўз-кўз қилаётган жўмард қалам соҳиблари талайгина. Улар орасида шоир ва носир Абдунаби Бойқўзиев ҳам бор.

Мен Абдунаби Бойқўзиевни кўп йиллардан бери биламан. Йигитлигида у оёғидан ўт чакнайдиган журналист эди. Очерклари, мақолалари, фельстонлари билан неча йил матбуотимизни обод қилди. Кейин шеърият гулшанига кириб келди. Унинг “Жудолиғ даشت” номли шеърий тўплами қўлма-қўл бўлди. Одатда ижодкорнинг шахсияти асарларига кўчиб ўтади. Мен ҳам шоирнинг байтларини вараклаб ўтириб, муллифни кўриб тургандай бўлдим: гоҳ ўйчан, гоҳо қувноқ, бирда дилгир-безовта, бирда гапи илмоқлию қармоқли... Шеърият карвонида ўз йўлини топган бир касбдошимга севиндим.

Яқинда Абдунабининг яна бир “сири” элга фош бўлди. Аслида у қалами қайралган ҳажвиячи экану, негадир ёзганларини ошкор қилмай “хум”га солиб юраркан. Нихоят “хум”нинг оғзи очилди ва у “Беш сўмлик кеккайиш” номи билан муҳлисларнинг жавонидан ўрин олди. Китобдан бизга ҳам тегди. Мен уни бир ўтиришда, “дўппимни ҳидламай” ўқидим. Яхши китоб жон озиги-да! Рухим яшнади, дунёнинг майда-чуйда ташвишларини бир дам унутгандай бўлдим. Породиялар, маталнамо гаплар, фельстончалар, “бўлган-бўлмаган” ҳангомалар ҳар қандай бадқовоқ кимсанинг қовоғини йириб, лабига учук тошган кишини ҳам ил-

жайишга мажбур қиласы. Ҳажвиёт соҳасыда етук устарнинг тобора камайиб бораётганини эътиборга олсақ, янги бир қулдиргучининг “биз ҳам бормиз”, деса қўл ковуштириб, сафга киргани кўнгилга умид бағишлийди. Оққан дарё оқмасдан қолмас экан-да...

Одатда яхши бир қўшик эшитсангиз, “жуфт бўлсе-ен!” деб қўясиз. Биз ҳам “Кеккайишнинг жуфти қачон келар экан”, деб кутган эдик. Ниҳоят, буниси ҳам оқ капитардек учиб келиб қўлимиизга қўнди: “Абдунаби Бойқўзиев. Тешикмозор ҳангомалари”. Бу сафар Абдунаби ўзи яхши билган бир қишлоқ улусининг ажойиб гаройиб саргузаштларини, ўша ширин “анжан”ча шевада бир ипга тизиб, шода қилибди.

Тешикмозорликлар ҳазилкаш, хушчақчак халқ. Бир-бирига лақаб қўймаса жони тинчимайди. Ориятли, мағрур. Болажон. Кимнинг қандайлигини фарзанд сонига қараб белгилайди. (Севган иборалари: тўққиз ўғил, беш қиз керак!) Жиндай қитмир, жиндай сахий, лекин барибир одамохун. Бирорнинг бармоғидаги тиканини тили билан олиб ташлашга тайёр – раҳмдил.

Камина Тешикмозор кулгилари тўғрисида гапиришдан аввал бир нарсани эслатиб ўтишни лозим кўрдим. Бизнинг юртимиз фақат шеърият ва санъатга ашаддий ихлосмандлар ватанигина эмас, хандон отса, дараҳтларни ҳам тебратиб юбора оладиган кулгисеварлар диёри ҳам. Ҳар бир вилоятда тешикмозорликларга қаҳқахадош бўладиган манзил-мароҳилни топиш мумкин. Бу-города Ширинилар, Хоразмда Хонқа, Самарқандда Кўрғонсолди, Фарғонада Повулғон, Қашқадарёда Чияли ва ҳоказо. Абдунаби Тешикмозорни бадиий адабиётга олиб кириб бу рўйхатни узайтирибди ва савоб иш қилибди.

Энди ҳангомалар ҳақида икки оғиз. Бирорлар кулгили латифани ҳам зерикарли қилиб айтади. Бирор эса, мундайроқ воқеага ҳам тўн кийдириб юборади. Абдунаби иккинчи йўлдан борган. У Тешикмозор ҳангомаларини шунчаки тўплаб қўйиш учунгина қўлига қалам олмаган. Уларга нозик қочирим, беозор киноядан ибо-

рат бадиий либос кийдириб, сизни суҳбатга тортади. Дарвоке, китоб қўлёзмасини ўқияпману ўша гаройиб кишлоқ фукаролари билан гўё бир даврада ўтиргандек, Оташ хоббони билан Бўташ гупирнинг муғамбираона кўз уриштиришларини шундоқ кўриб тургандекман. Келинг, Маташ лофчининг ўғли билан наманганлик Ҳафизхон лофчининг савол-жавобига қулоқ тутинг-а. Ҳафизхон лофчи Маташ лофчининг таърифини эшишиб “икки жуфтгина лоппилашай деб” Тешикмозорга кела-ди. Йўлда у Маташ лофчининг ўғли Абдураҳмонга йў-лиқиб, отаси билан беллашгани атайлаб келганлигини айтади.

— Отам эттаметтан обдон чилим чеккан эди. Туту-нини пуфлаш учун одам сийракрок жой излаб Тўққизадирга чиқиб кетувдилар. Кутиб ўтирмасдан мен билан лоппилашиб қўяқоласизмикин? — дейди.

— Овора бўлиб юрмай тутунини шу ерда пуфласа бўлмасаканми? — дея норозиланиб пўнғиллайди меҳмон лофчи.

— Қизигмисиз, амаки! — дейди Абдураҳмон. — Ҳамма кашандалар тутунини шу ерга пуфласа, Тешикмозорни булут босиб қолади-ку?

Меҳмон лофчи тирмизаги шу бўлса, отасига йўлиқмай қўяқолай, деб изига қайтиб кетади.

Таъбингизни равшан этадиган бундай мисоллар ки-тобда анчагина.

Алқисса, Абдунабининг ҳажвиётдаги иккала қадами ҳам рисоладагидек бўлди. Устоз Асқад Мухтор ярим ҳаз-зил, ярим чин қабилида, бирорларнинг ёзмай қўйганига раҳмат, бирорларнинг ёзиб тургани учун раҳмат, дерди-лар. Биз Абдунабининг мухлис акалари (эҳтимол, ука-лари ҳам) унинг қалами тинмай йўрғалашини тилаймиз.

Саъдулла Сиёев

МУНДАРИЖА

“Эмас осон бу майдон ичра турмок” (Улугбек Ҳамдам)	3
Тешикмозор ҳангомалари (Ҳажвий қисса)	8

Биринчи қисм

Оташ ва Бўташ	8
Хотин, дамингни чиқарма	15
Нортуюядай бақувват	19
Ошқовоқ эксам!	20
Ўғирликка ўз уйига	22
Машъала думли эшак	26
Вовани суннат қилиш	29
Калнинг бошига ўт кетди	33
Шалдироқ арава	35
Ажабсан-да!	39
“Тўхта жирафа”	41
Бўйнинг узулгур	44
Оталари “панчер”	46
Ўғил туғмаса, отаман!	48
Чёрт побери, ёшё Тешикмазар!	49
Отамизга шафтоли қоқи	52
Ўн еттидан ўтса қиз	55
Қайнотамнинг уйи қаерда?	58
Уйланиш	60
Бурхон дуо	62
Она меҳрибонми ёки ота?	64
Зовур бўйи чойхонаси	66
Аввалгиларга ўхшамас	68

Тешикмозорлик Ҳабишвой Тошкентда Иккинчи қисм

Эшитганмисиз, йўқми	72
Бабажиш мухбир	73

Бўм-бўш мия	76
Кўрдик, кўрдик, ч...ч...п кўйдингиз!	78
Кўтарилиш	80
Ажойиб нарса экан-а?	81
Тешикмозор нега Тешикмозор?	85

Бир гапириб ўн кулиб

У йиллар ўтди-кетди	89
Ижодий зиддият	90
Орқаси билан гапириш	92
Беш сўмлик кеккайиш	93
Ўйнаши топилмади	94
“Суварак” Сочида	95
Эҳтиётлаб сўкиш	96
Етиштириб бўпти	97
Нега қушхона дейишади?	99

Бола бўлиб қолсайдик

Пўчок шўрва	100
Пластик операция	101

Чет элликлар ҳам қулишаркан

Русларда асқия йўғ-у	104
Светлов табассумлари (<i>Иосиф Игин</i>)	105
Мутойиба ҳам ҳикмат (<i>Марк Твен</i>)	126
Кулгидан ясалган гулдаста (<i>Саъдулла Снёев</i>).....	130

Адабий-бадиий нашр

АБДУНАБИ БОЙҚҰЗИЕВ

ТЕШИКМОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

*(Ҳажевий қисса ва ҳикоялар, күлгі усталари
жәётидан лавҳалар, таржималар)*

Мұхаррир *Луқмон Бұрихон*

Рассом *Шавкат Музaffer*

Бадиий мұхаррир *Шұхрат Мирфаёзов*

Техник мұхаррир *Екатерина Корягина*

Мусаҳих *Доно Тұйчиева*

Компьютерда сахифаловчи *Хилола Шарипова*

Нашриёт лицензия раками АI № 154. 14.08.09.
Босишга 2016 йил 8 апрелда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма.
7,14 шартли босма тобок. 6,43 нашр тобоғи.
Адади 2000 нусха. 305 ракамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz. info@gglit.uz.

ISBN 978-9943-03-749-6



9 789943 037496

